Ў.Қ.Толипов,
М.Усмонбоева

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАТБИҚИЙ АСОСЛАРИ

«ФАН»

58
52

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги
Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот
институти

Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАТБИҚИЙ АСОСЛАРИ

(Ўқув қўлланма)

312679

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2006

Мазкур ўқув қўлланмада педагогик технология назариясининг шаклланиш ва тараққиёти тарихи, унинг моҳияти, технологик ёндашув тамойиллари, ўқув жараёнини лойиҳалаш, хусусий фанларни ўқитиш жараёнига таълим технологиясини татбиқ этиш, шунингдек, таълим технологияси самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш каби масалалар юзасидан сўз юритилади.

Ўқув қўлланма узлуксиз таълим тизимининг турли босқичлари, хусусан, умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагоглар, педагогик технология муаммоси билан қизиқувчи тадқиқотчилар ва педагогика олий ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Р.Ҳ.Джураев,
педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
Н.Н.Азизхўжаева,
педагогика фанлари доктори, профессор

Ж.Ҳасанбоев,
педагогика фанлари доктори, профессор

Н.Тожихонова,
олий тоифали ўқитувчи

ISBN 5-648-03428-5

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти,
Т. Н. Қори Ниёзий номидаги
ЎзПФИТИ, 2006 йил

СЎЗ БОШИ

Мустақил Ўзбекистон Республикасида шаклланаётган миллий истиқлол ғояси Республика Конституциясида эътироф этилган инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат ва жамиятни барпо этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишнинг юқори босқичларига кўтариш, жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллашга йўналтирилган эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ушбу мақсадларнинг ижобий натижага эга бўлиши, энг аввало, ёш авлодга илмий билимлар асосларини пухта ўргатиш, уларда кенг дунёқараш ҳамда тафаккур кўламини ҳосил қилиш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш борасидаги таълимий-тарбиявий ишларни самарали ташкил этишга боғлиқдир. Зеро, юртнинг порлоқ истиқболини яратиш, унинг номини жаҳонга кенг ёйиш, улуғ аждодлар томонидан яратилган миллий-маданий меросни жамиятга намойиш этиш, уларни бойитиш, мустақил Ўзбекистон Республикасининг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллашини таъминлаш ёш авлодни комил инсон ҳамда малакали мутахассис қилиб тарбиялашга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси (1997 йил 29 август)да қабул қилинган ҳамда бугунги кунда ғоялари амалиётга кенг кўламда муваффақиятли татбиқ этилаётган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мазмунида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказиш жараёнининг моҳияти тўлақонли очиб берилгандир. Малакали кадрлар тайёрлаш жараёнининг ҳар бир босқичи ўзида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, уни юқори босқичларга кўтариш, шу билан бирга жаҳон таълими даражасига етказиш борасида муайян вазифаларни амалга ошириши лозим. Чунончи, мазкур жараён-

нинг учинчи босқичи (2005 ва ундан кейинги йиллар)да "... таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш" каби долзарб вазифалар ижобий ҳал этилмоғи лозим.

Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида яна бир омилнинг мавжудлиги, яъни, узлуксиз таълим тизими ходимлари, педагог-ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларининг моҳиятидан хабардорликлари ҳамда уларни таълим жараёнида самарали қўллай олишлари, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувнинг қарор топиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчиларнинг хусусий фанлар асосларини ўқитишга йўналтирилган машғулотлар жараёнини ноанъанавий шаклларда ташкил этиш, таълим жараёнини мукаммал андоза асосида лойиҳалашга эришиш, мазкур лойиҳалардан оқилона фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлиши таълим олувчилар томонидан назарий билимларнинг пухта, чуқур ўзлаштирилиши, уларда амалий кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишининг кафолати бўла олади.

Мазкур қўлланмада педагогик технология назариясининг моҳияти, унинг шаклланиши ҳамда тараққиёти тарихи, афзалликлари, таълим жараёнининг истиқболини таъминлашдаги муҳим ўрни ва роли, шунингдек, янги педагогик технологияларни таълим (хусусий ўқув фанларини ўқитиш) жараёнига татбиқ этиш шартлари хусусида сўз юритилади.

Қўлланманинг узлуксиз таълим тизими ходимлари, педагог-ўқитувчилар учун зарур манба бўлиб хизмат қилишига умид боғлаган муаллифлар гуруҳи уни яратишда назарий ва амалий маълумотлар олиш имконини берган асарларнинг муаллифларига ўзларининг чексиз миннатдорликларини изҳор этадилар.

I БОБ. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ МУАММОЛАРИ

Педагогик фаолиятни технологиялаштириш – ижтимоий зарурият

XX аср кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмун касб этишини таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ортиб боришига замин ҳозирлади. Ижтимоий эҳтиёжларнинг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз навбатида уларнинг қисқа муддатда ва сифатли қондирилишини таъмин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилишини тақозо этди. Ижтимоий зарурат маҳсули бўлган технология соҳаси ва унинг такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам жисмоний куч сарфлаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Моддий ишлаб чиқариш, хом-ашёни қайта ишлаш соҳалари (қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқалар)да маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндошув анъанаси юзага келди. Технологик ёндошув ишлаб чиқариш жараёнининг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади. Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хом-ашёни танлаш (дастлабки босқич)дан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сўнгги босқич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида эътироф этилади. Ишлаб чиқариш жараёнига

нисбатан технологик ёндашув муайян соҳаларда ислоҳотларни ташкил этиш, уларнинг муваффақиятини таъминлаш, эришилган ютуқларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида намоён бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий, илғор, юксак технологияларнинг татбиқ этилиши бир қатор шартлар асосида кечади, хусусан, илм-фан ҳамда техниканинг сўнгги ютуқларига таяниш, йирик молиявий маблағлар ва юксак даражадаги касбий маҳоратга эга малакали мутахассисларнинг мавжудлиги бу борадаги ютуқларни кафолатлайди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида илғор технологияларни қўллаш шартларидан бири — малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ошириб боришга эришиш эканлигидан ҳам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик ҳамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради. Жамият ижтимоий ҳаётида етакчи ўрин тутган ғоя ва қарашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш аҳолининг маданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Табиий равишда замонавий фан-техника ютуқларидан самарали ва унумли фойдалана олиш вазифаси мазкур фан олдига ҳам қўйилгандир (1-шакл):



1-шакл. Ижтимоий тараққиёт ва узлуксиз таълим мазмуни

Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ўқувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шарт-шароитни яратиш борасидаги ижтимоий ҳаракат юзага келган даврда илк бора ўртага ташланди. Мазкур ғоя 30-йилларда таълим жараёнига "педагогик техника" ("таълим

техникаси") тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланди. Ушбу даврларда яратилган махсус адабиётларда "педагогик (таълим) техника(си)" тушунчаси "ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндиси" тарзида талқин этилди ҳамда ўқув жараёнига ўқув ва лаборатория жиҳозларининг олиб кирилиши, улардан самарали, унумли фойдаланиш, материал мазмунини кўрсатмали қуроллар ёрдамида тушунтириш каби ҳолатлар таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллардир, дея баҳоланди.

XX асрнинг 50-йилларида таълим жараёнида техник воситаларни қўллаш "таълим технологияси" йўналишини белгилаб берувчи омил дея эътироф этилди, асосий эътибор ўқувчилар аудиториясини кенгайтириш техник воситалардан фойдаланиш эвазига амалга оширилиши, техник воситаларнинг имкониятларини янада такомиллаштириш, уларнинг ахборот сиғимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, таълим олишни индивидуаллаштириш каби масалаларга қаратилди. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг объекти, таянч нуқтаси сифатида техник воситалар имкониятлари, уларни такомиллаштириш жараёни қабул қилинди, шунингдек, ўқув жараёнини "технологиялаштириш"нинг ташкилий жиҳатларини ўрганишга алоҳида урғу берилди.

60-йилларнинг бошларида таълимни дастурлаш асосида таълим жараёнини ташкил этиш "технология" тушунчасининг моҳиятини очиб берувчи омил сифатида кўрила бошланди. Дастурий таълим ўқувчиларга муайян билимларнинг алоҳида қисм ҳолида эмас, балки изчил, яхлит тарзда берилишини назарда тутади. Таълим жараёнини яхлит, мақбул дастурга мувофиқ ташкил этиш таклифи илк бора АҚШда фаолият юрита бошлаган "Дастурий таълим ва ўргатувчи машиналар бўйича бирлашган Қўмита" томонидан илгари сурилган. Дастурий таълим ўзида таълим мақсадлари, улар-

ни ўзгартириш ва баҳолашнинг мос равишдаги мезонлари ҳамда таълим муҳитининг аниқ тавсифини қамраб олади. Бу эса ўзгартириш мажмуасини тўлалигича қайта ташкил этиш тушунчаси мазмунига мос келади:

"Таълим технологияси" назариясининг шаклланиш босқичи

№	Босқичлар	Йиллар	Таълим технологияси-ТТ
1	I-босқич	XX асрнинг 30–йиллари	ТТ=ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндиси (педагогик техника – Птех.)
2	II-босқич	XX асрнинг 50-йиллари	ТТ= Птех. + таълим жараёнида техник воситалар (ТВ)ни қўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сиғимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, ўқувчи фаолиятини индивидуаллаштириш
3	III-босқич	XX асрнинг 60-йиллари	ТТ = Птех. + ТВ + дастурий таълим (ДТ). Дастурий таълим -таълим мақсадларининг аниқланиши, таълим жараёнини умумий лойиҳалаш, ўқувчилар томонидан назарий билимларнинг ўзлаштирилиши эҳтимолини олдиндан ташҳислаш, таълим жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, таълим мақсадининг натижаланганлигини ўрганиш, фаолият натижаларини таҳлил этиш
ТТ = Птех + ТВ + ДТ			

Таълим жараёнини технологиялаштириш назариясининг шаклланиши узоқ муддатли вақт оралиғида кечди. Қатор мамлакатларда таълим технологияси ва унинг муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим технологияси муаммоларини тадқиқ этувчи ташкилотлар тузилди, махсус журналлар нашр этилди:

Таълим технологияси муаммоларини тадқиқ этувчи ташкилотлар ҳамда илмий журналлар

№	Мамлакатлар	Ташкилот номи	Ташкил топган йил	Журнал номи	Нашр этилган йили
1	АҚШ	Таълим Коммуникацияси Ассоциацияси	1971	"Таълим технологияси" "Educatiohal Technology"	1961
2	Англия	Педагогик таълим Миллий Кенгаши	1967	"Таълим технологияси ва дастурли таълим"	1964
				"Таълим технологияси"	1970
3	Япония	4 номда илмий жамиятлар фаолият олиб бормоқда	1965-70	"Таълим технологияси"	1965
				"Таълим технологияси соҳасидаги тадқиқотлар"	1965
4	Италия			"Таълим технологияси"	1971

Юқорида номлари келтирилган ташкилот ҳамда илмий журналлар фаолиятининг асосий мазмуни таълим технологияси муаммолари бўйича олиб борилаётган ил-

мий тадқиқотлар мазмуни ва натижаларини умумлаштириб, таҳлил этиб бориш, шунингдек, ушбу тадқиқотлар натижаларининг таҳлили асосида муайян тавсияларни ишлаб чиқиш, энг самарали тадқиқотларни оммалаштиришдан иборатдир. Таълим технологиясининг моҳияти, унинг ютуқлари билан таълим соҳаси ходимларини хабардор этиб бориш, уларнинг бу борадаги малакаларини оширишга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш ҳам таълим технологияси муаммоларини татқиқ этувчи ташкилотлар зиммасидадир.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари фаолияти жараёнига янги педагогик технологияларни олиб киришга қаратилган ҳаракат бир қатор етакчи ташкилотлар томонидан олиб борилмоқда. Хусусан, AXELS, IREX, JICA ҳамда KOICA каби ташкилотлар томонидан олиб борилган фаолият ўзининг самарадорлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Сўнгги беш йиллар давомида юқорида номлари келтирилган ташкилотларнинг кўмаги ва рағбати асосида Республиканинг бир қатор етакчи олий ўқув юртлари қошида инновацион (педагогик технология) марказлар(и) ташкил этилди. Мазкур марказлар томонидан ташкил этилган илмий семинар, қисқа ва узоқ муддатли курсларда олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумий ўрта мактабларнинг педагогик ходимлари иштирок этиб, педагогик технология ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш борасидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлдилар. Олий мактаб муаммолари институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги марказ ва ЎзПФИТИда бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда таълим технологияси борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, айни вақтда улардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада муайян тажрибалар тўплана-

ётган бўлса-да, бироқ бир қатор муаммолар ҳам мавжуд (2–шакл):

2-шакл. Республика таълим муассасалари фаолиятига педагогик технологияларни жорий этиш муаммолари

Мазкур муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнларида муайян самарадорликка эришиш билан бир қаторда баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашга имкон беради.

Педагогик технология назариясининг умумий асослари

Бизга яхши маълумки, ҳар бир назария ўзининг методологик асосларига эга бўлади. Таълим технологияси назариясининг илк ғоялари илгари сурилган даврлардаёқ мазкур назариянинг асослари ҳам яратила бошланган. Таълим технологияси назариясининг умумий асосларини унинг мақсади, мазмуни, вазифалари, тамойиллари, объектив (ташқи) ҳамда субъектив (ички) омиллари, объекти, асосий тушунчалари, мезонлари ва бошқалар ташкил этади.

Таълим технологияси назариясининг умумий асослари моҳияти хусусида сўз юритиш учун "таълим технологияси" тушунчасининг туб маъносини англаш талаб этилади.

"Технология" юнонча сўз бўлиб, "techne"- маҳорат, санъат ҳамда "logos"- тушунча, таълимот сўзларининг бирикмасидан ҳосил бўлган. "Таълим технологияси" тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча "an educational technology") таълим (ўқитиш) жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан (ёки таълимот) маъносини англатади.

Алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, айни вақтда таълим технологияси тушунчасини мантиқий-ғоявий жиҳатдан изоҳлаш борасида ягона фикр мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилганидек, педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлса-да, айнан "педагогик технология" тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни "амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси" дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараённи олдиндан лойиҳалашга қаратади[1]. Н.Ф.Талызина эса педагогик технологиянинг "фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи методлар ишлаб чиқарувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал

[1] Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989.

этишга йўналтирилган мустақил фан"[1] бўлиши лозимлигини қайд этади ва ҳоказо (3-шакл):



3 – шакл. «Технология» тушунчасининг моҳиятини ёритувчи қарашлар

Сўнгги ўн йил давомида нутқимизда "педагогик технология", "замонавий педагогик технология", "ўқитиш технологияси" каби тушунчалар кенг қўлланмоқда. Аксарият педагоглар "таълим технологияси" ҳамда "педагогик технология" тушунчалари мазмунан бир маънони англатишини таъкидламоқдалар. Бизнинг назаримизда бундай ёндашув у қадар тўғри эмас ҳамда бу борада ягона тўхтамга келиш муҳимдир.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, таълим жараёнини технологиялаштириш ғояси Ғарбий Европа ҳамда АҚШда яратилган эди. Бизга маълумки, Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда "Педагогика" фани мавжуд эмас, шу боис "педагогик фаолият", "педагогик тизим", шунингдек, уларга боғлиқ равишда юзага келувчи "педагогик технология" тушунчаси ҳам истеъмолда йўқ.

[1] Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. – Москва: Изд-во МГУ, 1984. - с. 13.

Номлари қайд этилган мамлакатларда шахсга илмий билимларни бериш жараёни "таълим жараёни" сифатида номланади, шахсга билимлар бериш, унинг маълумотини ошириш, таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи фанлар мажмуи "Методика" деб юритилади. Методика фанларини ўқитишда асосий эътибор таълим сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини таъминлашга қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси (шу жумладан, МДҲ мамлакатлари) таълим тизими амалиётида ўқитилиб келинаётган "Педагогика" фанининг предмети шахсни шакллантириш, унинг камолотини таъминлашга йўналтирилган таълимий ҳамда тарбиявий фаолиятни ташкил этиш жараёнининг мазмунидан иборатдир. Яъни, шахснинг етук камолоти икки муҳим фаолият - таълимий ва тарбиявий фаолият жараёнининг самараси натижаси сифатида намоён бўлади.

Айни ўринда "педагогик технология" ҳамда "методика" тушунчаларининг тавсифи, ўзига хос жиҳатларини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Т.Н.Балло "педагогик технология" тушунчасига таъриф берар экан, уни ўқитиш жараёнига нисбатан топширикли ёндошув, Л.В.Занков, Т.Я.Гальперин, В.И.Давыдовлар бошқичли ўқитиш, Г.К.Селевко ҳамда бошқа муаллифлар эса мазмунли умумлашма сифатида баҳолайдилар. П.Митчелнинг нуқтаи назарига кўра педагогик технология барча жиҳатларига кўра ўзига хос ва самарали натижаларни қўлга киритиш имконини берувчи педагогик тизимни ташкил этиш билан боғлиқ ҳолда таълим тизими доирасида олиб борилаётган тадқиқот назарияси ва амалиётининг муайян тармоғидир[1]. С.К.Исламгулова эса қуйидаги қарашни илгари суради: технологик лойиҳага асосланган таълим жараёнини ташкил этиш усули бўлиб, у аввалдан белгиланган муайян қоида ва талабларга жавоб беради[2]. Қуйида айрим тадқиқотчиларнинг "педагогик технология" тушунчасига берган таърифларини келтирамиз (4—шакл).

---

[1] Исламгулова С.К. Технологизация процесса обучения в школе: теория и опыт. – Алматы: Творческая педагогика, 2003. – с. 23.

[2] Ўша асар. — 25-бет.



4-шакл. «Педагогик технология» тушунчасининг моҳиятини ёритувчи қарашлар

Бизга яхши маълумки, метод ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлигида ташкил этилаётган таълим жараёнида

қўйилган мақсадга эришиш усули саналади. Бироқ, ушбу тушунча ҳам тадқиқотчилар томонидан турлича шарҳланади (5-шакл):

5-шакл. «Метод» тушунчасининг моҳиятини ёритувчи қарашлар

312679

Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида шахс ижтимоийлашувини таъминловчи етакчи омил сифатида таълим жараёни эътироф этилса, биз шахснинг шаклланишида таълим ҳамда тарбия жараёни бирдек аҳамиятга эга эканлигига урғу берамиз. Аксарият ҳолларда эса тарбия жараёни бу борада устувор бўлиши лозим, чунки ўзида ахлоқий хислатларни намоён эта олган шахсгина ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида улар мазмунининг ижобий хусусият касб этишини таъминлайди, ахлоқли инсонгина таълим (билим)ни қадрлай олади, зеро, ахлоқнинг асосий категорияларидан бири ҳам билимлилик саналади, деган ғояни илгари сурамиз. Шундай экан, бу ўринда "педагогик технология" тушунчасининг қўлланилиши, шунингдек, асосий эътиборни фақат таълим жараёнини самарали ташкил этишгагина қаратмай, балки ҳам таълим, ҳам тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашга бирдек қаратиш лозимдир.

"Таълим технологияси" тушунчаси "таълим методикаси" тушунчасига нисбатан кенгдир.

Таълим методи — ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини тавсифлайди.

Таълим технологияси - таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма—босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқаришни ифодалайди.

Ўқитувчини самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасидан фарқли ўлароқ, таълим

технологияси ўқувчилар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у ўқувчиларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Педагогик технологиянинг марказий муаммоси - ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат

Мазкур бандда таълим технологияси ва унинг моҳияти борасида сўз юритамиз.

"Таълим технологияси" хусусида яратилган адабиётларда ушбу тушунчага берилган таърифларга асосланган ҳолда биз ушбу тушунчани қуйидагича шарҳлашга журъат этдик:

Педагогик технология муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.

Педагог олим В.П.Беспалько[1] педагогик тизимнинг педагогик технологиянинг асоси эканлигини эътироф этган ҳолда унинг қуйидаги унсурларидан иборатдир дея таъкидлайди:

1) ўқувчи;
2) таълим–тарбиянинг мақсади;
3) таълим–тарбия мазмуни;
4) ўқув жараёни;
5) ўқитувчи ёки техник воситалар;
6) таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари

Халқ хўжалигининг моддий ишлаб чиқаришга асосланган соҳаларида қўлланилаётган технологиялар моҳия-

[1] Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – Москва: Педагогика, 1989. – с. 6-7.

тини ўрганиш ҳамда муаммо доирасида нашр этилган рисолалар мазмуни билан танишиш "педагогик технология" таълим-тарбия фаолиятининг яхлит жараёни тўғрисидаги фан эканлигини эътироф этиш имконини берди. Педагогик технологиянинг қуйидаги таркибий унсурлари унинг асосини белгилашга хизмат қилади (6-шакл):



6-шакл. Педагогик технологиянинг таркибий унсурлари

Юқоридаги фикрларга мувофиқ таълим технологиясининг таркибий тузилмаси тасвирда қуйидагича намоён бўлади (7—шакл).

Бизга яхши маълумки, тарбия жараёни узоқ муддатли, мураккаб, узлуксиз бўлиб, у ўзига хос хусусиятларга эга. Гарчи замонавий таълим технологияси ўқувчининг таълим жараёнидаги етакчилик ролини ёқлаётган бўлса-да, тарбия жараёнида тарбияланувчи асосий мавқеини эгаллай олмайди. Чунки унда характер, дунёқараш етарлича шаклланмаган бўлиб, у бу борада тарбиячининг ёрдамига эҳтиёж сезади. Шу боис тарбия технологияси ҳам мантиқий, ҳам таркибий жиҳатдан таълим технологиясидан фарқ қилади (8-шакл).



7-шакл. Таълим технологиясининг таркибий тузилмаси



8-шакл. Тарбия технологиясининг таркибий тузилмаси

Тарбия жараёнининг моҳияти, қонуниятлари ҳамда ўзига хос жиҳатлари хусусидаги мавжуд назарий ва амалий ғояларга, педагогик билимларга таянган ҳолда тарбия технологиясининг таркибий қисмларини қуйидагича белгиладик:

1) тарбия жараёнининг умумий лойиҳаси;

2) тарбияни ташкил этишга бўлган ижтимоий эҳтиёж (рағбат);

3) тарбия мақсади;

4) тарбия мазмуни (шакл, метод, усул ва техник воситалар);

5) ўқитувчи (тарбиячи) фаолияти;

6) ўқувчи (тарбияланувчи) фаолияти;

7) тарбия самараси (натижа).

Ушбу фикрлар асосида тарбия технологиясининг таркибий тузилмаси тасвирда қуйидагича намоён бўлади .

Педагогик технология ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этади:

1. Педагогик технология педагогик жараённи такомиллаштириш, оптималлаштиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш омили саналади.

2. Педагогик технология дидактик ҳамда тарбиявий характердаги, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини самарали, маҳоратли тарзда ташкил этиш борасидаги назарий ҳамда амалий билимлар мажмуи, методологик фан сифатида намоён бўлади.

3. Педагогик технология таълим-тарбия жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи яхлит жараёндир.

4. Педагогик технология йўналтирувчанлик вазифасини бажаради, яъни, у шахсни ривожлантириш, тарбиялаш, шакллантириш учун хизмат қилади.

5. Педагогик технология — шахсийлик хусусиятига эга бўлиб, муайян технологияларни таълим-тарбия жараёнида қўллашга нисбатан ягона, қатъий, меъёрий (стандарт) талаблар қўйилмайди. Ҳар бир педагог у фаолият юритаётган таълим-тарбия муҳитининг хусусиятлари, мавжуд ички ва ташқи шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда муайян технологик ёндашувни амалга ошириш имкониятига эга.

6. Педагогик технология ўзида таълим, тарбия ва шахс тараққиёти (камолоти) бирлигини ифода этади.

Педагогик технологиянинг асосий мақсади комил шахсни шакллантириш учун пойдевор бўлган педагогик жараённи такомиллаштириш, инсонпарварлаштириш, ўқувчининг мустақиллигини таъминлаш, ўқитиш жараёнида техник воситалар имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишдан иборат.

Педагогик технологияни қўллаш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади (9-шакл):

Педагогик жараёнга нисбатан технологик ёндашув асосида ҳал этилувчи вазифалар

↓

Таълим (тарбия) жараёнининг умумий, яхлит лойиҳасини ишлаб чиқиш

↓

Таълим (тарбия) жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш

↓

Таълим (тарбия) жараёни моҳиятини башоратлаш (тахмин қилиш) ва унинг мазмунини ишлаб чиқиш

↓

Таълим (тарбия) жараёни самарадорлигини таъминлашга ёрдам берувчи энг самарали, мақбул шакл, метод, усул ҳамда техник воситаларни танлаш

↓

Таълим жараёнида ўқувчининг эркин, мустақил фаолият кўрсатиши учун муайян шарт – шароитларни яратиш, уларда маълум кўникма ҳамда малакаларнинг шаклланиши учун вақт ўрнини белгилаш, уларнинг билимлари даражасини аввалдан ташҳислаш

↓

Ўқувчилар фаолиятини йўналтириш, назорат қилиш ҳамда баҳолашни ташкил этиш

↓

Ишлаб чиқилган педагогик технология лойиҳасини жамоада синаш, мақсаднинг натижаланганлик даражасини таҳлил этиш

9-шакл. Педагогик технологиянинг асосий вазифалари

Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши қуйидаги шартларга амал қилинишига боғлиқ:

1. Мавжуд шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этиш.

2. Ўқувчи (тарбияланувчи)ларнинг ёш, физиологик, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.

3. Таълим (тарбия) жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш.

4. Ўқувчи (тарбияланувчи)лар фаолиятини объектив назорат қилиш ва баҳолаш.

5. Хусусий фанларни ўқитиш жараёнида имкон қадар, албатта, самарали равишда техник воситалар имкониятидан кенг фойдаланиш.

Педагогик технология ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этади (10-шакл):

10-шакл. Педагогик технологиянинг ўзига хос муҳим хусусиятлари

Педагогик технологиянинг назарий асослари умумпедагогик, хусусий-методик ҳамда локал (модул) билим-

ларга асосланади. Шу боис педагогик ходимлар, шунингдек, бўлғуси ўқитувчилар ўз фаолиятларида педагогик технологиядан фойдаланишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган бўлсалар, юқорида қайд этилган билимларни пухта ўзлаштира олишлари лозим. Зеро, педагогик технология пухта ўзлаштирилган педагогик билимларга таянилган ҳолда ташкил этиладиган юксак самарадор педагогик фаолият жараёнидир.

Педагогик технологиянинг назарий ғоялари

Таълимнинг глобаллашуви шароитида таълим соҳаси билан жамиятнинг ривожланиб бораётган ижтимоий эҳтиёжлари ўртасида номутаносибликнинг юзага келганлиги кузатилмоқда. Таълим тизими олдига баркамол шахсни шакллантириш, таълим соҳаси билан меҳнат бозори ўртасидаги номутаносибликни қисқартириш ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби янги, долзарб вазифалар қўйилмоқда. Мазкур вазифалар педагогик технология назариясини яратиш ва таълим жараёнини пухта лойиҳалашга эришиш заруриятидан келиб чиқади. Қайд этилганидек, педагогик технологиянинг назарий асосларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа саналиб, таълим технологияларини яратиш муаммолари бўйича олиб бориладиган умумий ва амалий тадқиқотларга кенг йўл берган ҳолда ушбу назария моҳиятини тўлақонли акс эттирувчи терминологияни шакллантиришни тақозо этади. Бугунги кунда назарий ва амалий жиҳатдан пухта асосланган умумий ишланмаларнинг мавжуд бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, умумий назарий базага эга бўлмасдан туриб, айрим муаммоларни ҳал этиш мумкин эмас.

Педагогик технология назарияси ва уни таълим жараёнида қўллаш муаммоларига бағишланган замонавий тадқиқотлар мазкур назариянинг таълим ривожини таъминлашдаги аҳамиятини чуқур англаб етиш, унинг имкони-

ятларини аниқлаш ва кенг кўламли ахборот майдонини эгаллашга ёрдам беради.

Педагогик технология назариясини шакллантириш ва ундан фойдаланиш механизмини билиш таълим жараёнини ривожлантириш ва бошқаришнинг энг самарали шакл ва методларини аниқлаш имконини берадики, бунинг нафақат назарий, балки амалий аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Техно-педагогик мазмунда эълон қилинаётган илмий ишлар сонининг тобора ортиб бораётганига қарамай, мавжуд муаммолар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Педагогик технологиянинг назарий-методологик асосларини яратиш, унга илмий фан мақомини бериш зарурлиятини асослаш борасида билдирилган таклифга ҳануз тавсия ёки истак шаклида қаралмоқда.

Таълим назарияси ва амалиётида педагогик технологияларни тадқиқ этиш иши фанлараро (педагогика, психология, методология, педагогик методология, фалсафа, социология ва бошқа фанлар) алоқадорлик ва боғлиқлик асосида ёндашувни талаб этади. Кўрсатиб ўтилган фан йўналишларининг ҳар бирида таълим технологияларининг маълум назарий жиҳатлари ва технологияни таълим жараёнига татбиқ этишда алоҳида ўрин тутувчи қулай шарт-шароитлари бир қадар тўлиқ таҳлил қилинган.

Педагогик технологияларнинг моҳияти, уларни таълим жараёнида қўллаш механизмини таълим фалсафаси ва социологияси контекстидан ташқарида кўриб чиқиш мумкин эмас. Зеро, мазкур фанлар таълимнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, шунингдек, ижтимоий вазифаларини ҳар томонлама таҳлил этади, таълим методологияси муаммоларининг чегарасини кўрсатиб беради.

Таълим соҳаси асосида инсон ҳамда унинг фаолияти турган мустақил ижтимоий институтдир. Шу боис умумий методологиянинг барча унсурлари техникашунослик методологиясининг тизимли, фаолиятли ва мажмуавий ёндашуви ҳамда хусусиятлари, яъни, умумий методоло-

гиянинг унсурларига таянмоғи лозим. Шу билан бирга педагогик технология педагогик жараённинг амал қилиш шаклларидан бири сифатида намоён бўлади. Бинобарин, педагогик технология муаммоларини тадқиқ қилишнинг методологик плани педагогика назарияси методологияси билан тўлдирилиши керак. Техно-педагогик феномен (ҳодиса)ни тадқиқ этиш методологиясини ишлаб чиқиш илгари сурилган илмий тадқиқот муаммосини ҳал этиш доирасида ғоятда долзарб вазифа ҳисобланади.

Педагогик технология назариясига оид муаммоли вазиятни таҳлил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўладики, муаммоли вазият қисқа тавсиф орқали ифода этилади. Ушбу ҳолат тадқиқ этилаётган муаммонинг хусусиятларини аниқлаш ва кенгайтирилган ҳамда мантиқан бир-бирига зид келмайдиган предметли блокни шакллантиришга асосли ўтиш имконини беради.

Педагогик технологиянинг методологик асослари умумий методологиянинг асосий тамойиллари тизимида янги ҳодиса сифатида уни диалектик мантиқ ва билиш назариясининг категория ва тамойиллари тизимидаги эвристик имкониятлар даражасига олиб чиқади. Тамойиллар тизими назарий методологик базис сифатида намоён бўлиб, мазкур базис асосида педагогик технологиянинг концептуал моделини қуриш имкониятлари аниқланади.

Таълим мажмуининг концептуал таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

- ҳар қандай технология негизида меҳнат фаолияти кўринишидаги ўзаро жамоавий таъсир ётади. Технология меҳнат жараёнининг ўзига сингдирилади. Технологиянинг амалга оширилиш шаклидан қатъий назар, асосий мақсад умумий жараён операцияларининг тавсифи, предмети, воситалари ва якуний натижа билан белгиланади. Бинобарин, педагогик технологиянинг педагогик жараённи амалга ошириш шакли сифатидаги моҳияти педагогик фаолият соҳасида намоён бўлади;

- инсоннинг онги жамоавий ўзаро таъсир инъикосининг идеал шакли ҳамда диалектик қарама-қаршилигини ифода этиб, ўзгартирилган меҳнат сифатида намоён бўлади. Шунга кўра онгни қайта шакллантириш қонуниятларини ижтимоий технологиядан, ушбу қонуниятларини жорий этишнинг асосий шаклларини педагогик технологияга асосланган педагогик амалиётдан излаш тақозо этилади;

- педагогик технология ижтимоий технологиядан ажралиб чиқиб, ўз тараққиётида шартли жамоавий репетициявий (машқлантирувчи) рефлекс босқичини босиб ўтган ҳолда, асосий технологик ўзаро таъсирларни мақсадга мувофиқ тарзда такрорловчи ҳаракат ва операциялар тизимига ажратади. Бундан кузатилган мақсад ижтимоий онгни мустаҳкамлаш ва тўпланган тажрибани янги авлодларга етказишдан иборат бўлиб, унинг предмети эса идеаллаштирилган тавсифга эга;

- педагогик технология моҳиятининг умумий жиҳатлари, шакл ва мазмуни, қарама-қаршиликлар тизими, миқдорий ва сифат ўзгаришлари диалектикаси, қурилиши, амал қилиши ва ривожланишининг умумий қонун ва қонуниятлари технологиянинг умумфалсафий концепцияси доирасида муваффақиятли равишда кўриб чиқилиши мумкин. Унинг ҳаракат мантиқи моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги юқорида кўриб чиқилган қонуниятлар (объектив технология), унинг диалектик қарама-қарши жиҳати бўлган — маънавий ишлаб чиқариш, шунингдек, таълим соҳаси қонуниятларини кўчириш жараёнини акс эттиришдан иборат;

- педагогик технология назарий негизга эга, зеро, асл технология ўзининг мустаҳкам илмий-назарий пойдеворига асосланади. Педагогик технология назариясининг мазмуни ва таркибий тузилмасини шакллантириш жараёни ҳар қандай фаннинг шаклланишида муҳим ўрин тутувчи асосий қонуниятларга бўйсунади. Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси ривожланган сайин эътибор умумназарий унсурларнинг синтез этилишига қаратилади;

- педагогик технология назариясининг яратилиш ва ривожланиш мантиқи асосий босқичларда умумий технологик назариянинг шаклланишини акс эттирувчи ҳолат сифатида намоён бўлади. Мазкур ҳолат асоси фикрлаш жараёнининг энг муҳим шакли сифатида хулоса чиқариш имконини берувчи дедуктив ёндашув ҳисобланади;

- педагогик технология назариясининг яратилиши учун "ғишт қўйишнинг" асосий даври педагогик технологиянинг бошланғич "ҳужайраси"ни ифода этувчи педагогик жараёнда технологик беш жиҳатнинг моҳиятини очишга ёрдам берувчи, ўзига хос тушунча ва категориялар тизимини акс эттирувчи технологик ўзгариш, технологик восита ҳамда техно-педагогик ўзаро таъсир билан боғлиқдир.

Юқорида баён этилган хулосалардан педагогик технологияни ривожлантиришнинг бошланғич шарт-шароитлари (техно-педагогик феноменни ривожлантиришнинг зарурий шарт-шароитлари ва пойдевори бўлган дастлабки унсурлар ёки бошланғич шакллари), педагогик технология назариясини тараққий эттиришнинг асосий босқичлари ва асосий анъаналарини хусусий-илмий жиҳатдан аниқлашга йўналтирилган педагогик технология генезиси ҳам тасдиқлайди. Моддий ишлаб чиқариш технологиясини қарор топтириш ва ривожлантириш жараёнидаги асосий босқичларни аниқлаш, шунингдек, педагогик технология назариясининг келиб чиқишини асослаш мақсадида педагог, психолог, файласуф, иқтисодчи ҳам методолог олимлар томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ўтказилган таҳлил натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

- **одамнинг табиатга кўрсатувчи таъсири жамоавий, мақсадга мувофиқ ва технологик ўзаро таъсир сифатида майдонга чиқади.** Ушбу ҳолат технологик восита тузилмасидаги сабабий боғланишларни умумий жараёнда мазкур восита бажарадиган технологик вазифа асосида тушунтирилади. Мавжуд детерминация (сабабий боғланишларни аниқлаш) технологик воситанинг технологик ҳаракатнинг мустасно-

сиз барча босқичларида ривожланишини таъминловчи объектив қонун сифатида намоён эттиради;

- **ҳар қандай меҳнат ўзаро узвий боғланган унсурлар: физиологик, ишлаб чиқариш ва моҳиятан технологик саналувчи унсурлар мажмуасини ифода этади.** Моддий ишлаб чиқариш технологиясида бу унсурлар мануфактур ишлаб чиқариш жараёнига қадар алоҳида мустақил қисмларга бўлиб чиқади. Бу ерда ҳунармандчилик фаолияти техникавий базиси, алоҳида олинган ишчининг ҳунармандчилик санъати эса ишлаб чиқаришнинг технологик асоси саналади. Шу боис бундай ишлаб чиқаришнинг кейинги тараққиётида табиий ва ижтимоий тўсиқлар билан чегараланади;

- **моддий ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг технологик унсурини ажратиш мануфактура ривожланиши ниҳоясига етган босқичда амалга оширилади ва ишлаб чиқариш жараёнининг айрим элементар операциялари якунига етгач намоён бўлади.** Алоҳида ишчи томонидан эпчиллик, иқтисод қилиш ва ички ишонч асосида муайян миқдордаги маҳсулотни иш вақти бирлигида тайёрлаш технологик инқилобни таъминлаш учун объектив замин яратадиган технологик қонун бўлиб қолади;

- **техник инқилоб моҳияти технологик вазифанинг инсон зиммасидан соқит этилиб, техник восита зиммасига ўтиши билан асосланади.** Ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини йўлга қўйиш ҳамда инсоннинг ушбу жараёндаги бевосита иштироки учун сарфланадиган вақт ўртасидаги фарқ ўтиш даврининг ўлчови, кўрсатгичи ҳисобланади. Айни пайтда технологик ҳаракатни ташкил этиш бўйича ҳунармандчилик санъати ўз ўрнини фанга бўшатиб беради. Қайд этилган ўтиш даври техникавий жараённинг бош йўли сифатида майдонга чиқадиган ва хусусий техник-технологик феноменларнинг ички қонуниятларида ўз аксига эга бўлган технологик восита зиммасига инсон томонидан бажарилаётган технологик вазифанинг топширилиш қонуни билан боғлиқдир;

- **моддий ишлаб чиқариш технологияси педагогик технологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг бошланғич шарт-шароитлари сифатида намоён бўлади.** Тарихий куртак сифатида у биоижтимоий технология тарзида намоён бўлди. Педагогик технология онтологик, ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, яратиш, амалга ошириш ва ривожлантиришга асосланувчи илмий-назарий қонунлар, ижтимоий қонун ва мустақил равишда мавжуд бўлиш шарт-шароитлари сифатида акс этади.

Замонавий таълим-тарбия тизимида педагогик технологиялардан фойдаланиш заруриятининг моҳияти қуйидагича (11-шакл).



11-шакл. Замонавий таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларни ҳўллаш заруриятининг моқияти

Айни пайтда технологик ҳаракат қонуни замирида оддий технологик ўзаро таъсир, технологик вазифаларнинг инсон зиммасидан соқит этилиб, технологик восита зиммасига юклатилиши қонуни, техно-педагогик феноменни тадқиқ этиш жараёнида юқорида кўрсатилиб ўтилган структуравий-мантиқий элементлар акс этади. Шу нарса аниқландики, техно-педагогик восита билан боғланган, муайян технологик мақсадга бўйсундирилган ва маълум технологик вазифани жорий этишга йўналтирилган фаолият кўриниши педагогик ўзаро таъсир кўриниши саналади. Ўзаро таъсир зарур ҳаракат ёки муайян бошланғич ҳолатда белгиланган (башорат қилинаётган) натижага қараб ўз-ўзидан юзага келадиган ҳаракат асосида намоён бўлади. Оддий технологик ўзаро таъсир – бу техно-педагогик воситанинг педагогик жараён субъектлари билан бевосита таъсирга кирувчи (бир-бирига ўзаро таъсир ўтказадиган) технологик қисми даражасидаги ўзаро таъсиридир. Оддий техно-педагогик ўзаро таъсир табиати қуйидаги қисмларга бўлинувчи педагогик воситаларни яратишга имкон беради.

Технологик ўзаро таъсир, таълимнинг технологик воситалари ва улар ёрдамида ташкил этилувчи педагогик жараённинг бевоситалик даражаси (технологиялаштириш) борасидаги тасаввур асосида қисқа онтологик-социологик таҳлил ўтказилди. Таҳлил жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ишлаб чиқаришнинг юқори технологик, илмий ва динамик жараёнининг ривожланишидаги объектив анъаналар педагогик жараённи бир гуруҳ ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига асосланган таълим технологиясидан кўп сонли педагогларнинг касб маҳорати ва фаолиятининг мазмунига асосланган таълим технологиясига ўтказиш заруриятини кун тартибига қўймоқда. Ушбу педагогик жараёнда акцент (урғу)нинг мураккаб кооперация даражасидаги ҳиссий билишдан мантиқий билишга томон силжиши, субъект-объект муносабатларидан

субъект-субъект муносабатларига ўтиш ва педагогик жараёнда таълимнинг хилма-хил техника воситаларини кенг қўллашга эришиш билан боғлиқдир.

Педагогик технология назариясининг мазмуни ва таркибий тузилмаси (тузилиши) кўриб чиқилаётган муаммолар мажмуида марказий ўринни эгаллайди. Педагогик технологиянинг қуйидаги муҳим белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

предметлилик (педагогик технология назариясига оид барча атама, тушунча, категория ва таъкидлар бир предметли ёки муайян соҳага тааллуқли бўлиши керак);
бир—бирига мослик ёки тўлиқлик (педагогик технология назариясининг тили, унинг асосий тушунчалари, категориялари, тамойиллари, моделлари ва ҳоказолар);
аниқлик (объект маъносини икки аспектда: эмперик ва семантик жиҳатдан очиб беради);
текширувчанлик (назариянинг реал объектга мослик даражасини текширади);
ҳаққонийлик (педагогик технология назариясининг асосий таъкидлари ишончли бўлиши зарур);
тизимлилик (техно-педагогик қонунларни табақалаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи алоқалари ёрдамида ягона тизимга бирлаштириш)

Юқорида қайд этилган жиҳатларга таянган ҳолда педагогик технология назарияси моҳиятини очиб бериш мумкин. Дастлаб "назария" тушунчасининг маъносини англаб олиш муҳим.

Манбаларда бу тушунча қуйидагича шарҳланади: "Назария (грекча theoreo сўзидан олинган бўлиб, theoria - қараб чиқаман, тадқиқ этаман) кенг маънода — маълум ҳодисанинг моҳиятини ёритиш ва тушунтиришга йўналтирилган қарашлар, тасаввурлар, ғоялар мажмуи; нисбатан тор ва махсус маънода эса — қайд этилаётган назария объекти бўлган фаолият қонуниятлари ва мавжуд алоқалари тўғрисидаги тўлақонли тасаввурни бера олувчи илмий билим-

ларнинг энг юқори, энг тараққий этган ташкилий шакли".

Ушбу таърифга асосланиб, педагогик технология назарияси моҳиятини аниқлашга хизмат қилувчи қуйидаги вариант таклиф этилади:

Педагогик технология назарияси
педагогик фаолият қонуниятлари ва мавжуд алоқаларини тасвирлар ҳамда изоҳлар воситасида илмий, асосли баён этувчи техно-педагогик билимларнинг тизимли шаклидир

Педагогик технология моҳиятини англаб олиш унинг таркибий тузилмаси, вазифаси, назарий тузилмаларини кўриб чиқиш ҳамда бир гуруҳ таянч тушунча ва категорияларнинг мазмунини тушунишга имкон беради.

Педагогик технология назариясининг таркибий тузилмасида қуйидаги унсурлар ажратиб кўрсатилади ва таҳлил этилади:



Таркибий тузилма таҳлили педагогик технология функциясига аниқлик киритиш ва унинг концептуал моделини қуришга оид ёндашув вариантини асослаш имконини берди. Концептуал ва мантиқий тил асоси, шунингдек,

илмий техно–педагогик билимларнинг асосий салмоғини ишлаб чиқишда дедуктив ёндашув ва педагогик технология назариясининг концептуал асосига аниқлик киритиш учун эса индуктив ёндашувдан фойдаланилади.

Назариянинг концептуал асосини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилди. Ушбу асос педагогик технология матрицаси деб аталади.

Педагогик технология матрицаси
(техно-педагогик матрица)
минимал даражада зарур белгилар (назарий асослар)га таянувчи ранг-баранг, сифатли педагогик технологиялар моделидир

Педагогик технология матрицаси негизи қуйидаги унсурлардан ташкил топади:

Демак, педагогик технология назарияси дедуктив-хулосавий тавсифга эга ва унинг моҳиятини ишонарли, аниқ ифода этувчи илмий назария сифатида намоён бўлади.

Таълим жараёнига технологик ёндашув мазмуни

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида ўтказилаётган туб ислоҳотларнинг мазмуни бугунги кунда таълим жараёнини лойиҳалашга янгича ёндашув билан бойиб бормоқда.

Таълимга технологик ёндашув таълим жараёнини аниқ воситалар ёрдамида самарали бошқариш ва қўйилган ўқув мақсадларига муваффақиятли эришиш натижаларини кафолатлайди.

Педагогик технология
вақт тақсимотига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизим

Таълим технологиялари педагогик фаолиятнинг маълум соҳасини қамраб олади. Фаолият соҳаси, бир томондан, танланган технологияга мувофиқ унинг асосини ташкил этувчи қаторлар тизимини ҳосил қилса, иккинчи томондан, фаолиятнинг таркибий қисми сифатида юзага чиқади.

Технологик ёндашув турли соҳаларни концептуал ва лойиҳали ўзлаштириш, таълимий, педагогик, ижтимоий фаолият қирраларини очишда янги имкониятларни яратади. Жумладан:

- натижаларни юқори аниқликда қайд этиш ва педагогик жараённи самарали бошқариш;
- мавжуд амалий тажрибани илмий асосда таҳлил этиш ва қўллаш;
- таълимий ва ижтимоий-тарбиявий муаммоларни яхлит ҳал этиш;

- шахс ривожланиши учун қулай шароитни таъминлаш;
- инсониятга ноқулай ҳолатларнинг таъсирини камайтириш;
- ресурслардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш;
- кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ самарадор янги технологияларни ишлаб чиқариш ва ижтимоий-педагогик муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Г.К.Селевконинг фикрича, педагогик фаолиятни қамраб олиш соҳасига мувофиқ педагогик технология қуйидаги тўрт гуруҳга ажратилади (вертикал структура):

Педагогик технологиянинг ётиқ (горизонтал) тузилмаси уч асосий нуқтаи назарни ифодалайди:

Таълим жараёнига технологик ёндашув тамойиллари турлари ва ишлаб чиқиш босқичлари

Таълимни "технологик" йўналишда қуришнинг умумий мезони унинг аниқ ва пухта ўйланган мақсадга йўналтирилганлигидадир. Мазкур ҳолатда асосий (умумий) ҳамда жузъий мақсадларни амалга ошириш учун муайян қонуният, жараён, тизим ва унга мос амаллар мажмуи мавжуд бўлиши тақозо этилади. Педагогик технологиянинг воситавий йўналтирилганлиги унинг кенг имкониятларини очиб беради. Бу ўринда таълимнинг ташкилий жиҳатлари, аввалдан, гўёки ташқаридан белгиланган мақсадларга эришиш усули сифатида қаралади. Мос равишда амалга оширилиши талаб этиладиган жараёнлар моҳиятини таҳлил этиш, уларни саралаш ўқув фаолияти мазмунини ҳисобга олмаган ҳолда йўлга қўйилади.

"Педагогик технология" доирасида аниқланиб олинувчи мақсадларнинг эмпирик таҳлилигина берилади. Таълим мақсадлари борасида олиб борилган таҳлил эмпирик тавсифда "технологик" ишланмаларнинг дидактик жи-

ҳатдан тўлақонлиги бўлмаслигини кўрсатади. Умумий дидактик мақсадларнинг "техник" дедукцияси "педагогик технология"нинг дидактик имкониятларини кўрсатувчи муҳим жиҳат ҳисобланади.

Таълим мақсадларининг таҳлилий баёнидан ташқари муайян ўқув жараёни учун таълим услубларини танлашнинг муҳим шарти сифатида ўқувчиларнинг билим даражаларини олдиндан ташҳислаш, уларнинг кўникма ва малакаларини мавжуд меъёрий талаблар билан таққослаш эътироф этилади.

Таълим жараёнининг бориши ўқувчиларнинг белгиланган мақсад йўлида ҳаракат қилишларини узлуксиз назорат қилишни кўзда тутади. Мазкур жараён технологик таълим тизимининг юқори даражали имкониятларини очиб беради.

Педагогик технология таълим мақсадига ташкилий-услубий воситалар ёрдамида эришиш мумкинлигини ифодалайди. Агар технологик тизимларда асосий эътибор билимларни узатиш ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар даражасини аниқлаш мақсадида назоратни йўлга қўйиш борасидаги ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлса, услублар мажмуасини танлаш асосан эмпирик асосда амалга оширилади.

Технологик ёндашувнинг яна бир хусусияти бўлган даврий кетма-кетлик педагогик технологиянинг назарий асосларини ёритишга хизмат қилади ва режалаштирилган стандарт натижаларга эришиш имконини беради.

Таълимнинг тўлалигича стандартлаштиришга йўналтирилганлиги технологик ёндашувга хос бўлиб, у дидактикада таълимнинг асосий жиҳатларидан бири сифатида эътироф этилувчи ва кейинги йилларда бутун жаҳон педагогикасининг тадқиқот объектига айланган ўқитувчи ҳамда ўқувчи ўртасида юзага келувчи муносабатлар мазмунини ифодалайди.

Таълим жараёнини лойиҳалашга технологик ёндашув

қуйидаги асосий босқичлардан иборат бўлади (12-шакл):



12-шакл. Технологик ёндашув асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичлари

Босқичлар кетма-кетлигининг моҳияти ўқитувчи ҳаракатларининг даврий, такрорланувчанлигини ифодалайди. Босқичларнинг бир-бирига мувофиқ равишда кетма-кет келиши ўқитувчи ҳаракатининг муайян мақсад, аниқ назорат усуллари ҳамда таълим шакли асосида бир неча маротаба такрорланиб бориши ҳисобига ниҳоясига етказилишини англатади.

Бундай ёндашув таълим самарадорлигига эришиш, таълим жараёнининг мазмунини, ўқувчига илмий билимларни турли воситалар ёрдамида етказиб беришни назарда тутади. Умумпедагогик тамойил нуқтаи назаридан таълим натижаси самарали равишда ўзлаштириладиган билим, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги тадқиқотчилик фаолияти, бу борада орттирилган тажриба ҳамда ўқувчиларда ахлоқий-ҳиссий сифатларнинг шаклланганлиги билан белгиланади.

Таълим мақсадлари, баҳолаш мезонлари ҳамда таълимий шароитларни такрорий ҳосил қилиш асосида тарбиявий фаолият жараёнига ҳам педагогик технологияларни са-

марали татбиқ этиш мумкин. Шу тарзда педагогик технологиянинг асл моҳияти намоён бўлади, шунингдек, ўқув ва тарбиявий фаолият ўртасидаги тафовут барҳам топади. Таълим технологияси таълим мақсадларини аниқлаштириш, яхлит жараённи қисмларга ажратиш, таълим натижаларини стандартлаштириш, таълим жараёнидаги самарали тескари алоқа, автоматлаштириш имкониятларини такомиллаштириш каби муҳим таълимий муаммоларни ижобий ҳал қилиш имконини беради. Мазкур муаммоларни ҳал этишда мавжуд педагогик (автоматлашган ва автоматлашмаган) тажрибани инобатга олиш, унга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик технологиянинг ривожланиш истиқболлари унинг назарий асосларини танқидий равишда таҳлил қилиш, таълим жараёнига нисбатан самарали ёндашувнинг қарор топиши ҳисобига таъминланади. Яъни, маълум вақт оралиғида педагогик технологиянинг назарий асосларини ўзгартириш билан бирга унинг "муаммо майдони"ни ҳам ўзгартириш мумкин бўлади.

Таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш бир қатор дидактик вазифаларни ижобий ҳал этишни тақозо қилади. Чунончи, дидактик мақсадлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга мувофиқ равишда таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим жараёнини лойиҳалашда яхлит жараён ҳамда унинг босқичлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, ўқувчилар томонидан ижтимоий тажрибанинг тўлақонли ўзлаштирилиши, барча ўқувчилар билим, кўникма ва малакалари даражаларининг тенглашувига эришиш ва ҳоказолар.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимни ривожлантирувчи тамойилларига асосланган бўлиб, ўқувчи шахсини тарбиялашга йўналтирилмоғи лозим. Педагогик технология назариясининг марказида таълим жараёнининг раҳбари, айни вақтда, ушбу жараённинг ҳам субъекти, ҳам объекти бўлган ўқитувчи ва ўқувчилар турадилар. Шундай экан, ушбу субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро мулоқот, уларнинг бир-бирларига нисбатан кўрсатадиган акс

таъсирлари энг замонавий талабларга жавоб бера олиши зарур. Бунинг учун ўқитувчи, энг аввало, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан қўйилувчи талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари, йўллари, ўқувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилувчи усуллар, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, ўқувчи шахси фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, педагогик фаолиятни ташкил этиш жараёнида юзага келувчи муаммо ва келишмовчиликларни биргаликда бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик муҳитини ҳосил қилиш, ўқувчи фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолашга имкон берувчи методлар билан қуролланган бўлиши лозим.

Педагогик технологиянинг асосий тамойиллари ва уларнинг моҳиятини билиш мазкур жараён борасида аниқ тасаввурга эга бўлишимизга имкон яратади. Шу боис биз қуйида педагогик технологиянинг асосий тамойиллари ва уларнинг моҳияти хусусида сўз юритмоқчимиз.

Педагогик технология умумий дидактик тамойилларга эга бўлиши билан бирга, қуйидаги айнан ўзигагина хос бўлган тамойилларга ҳам эгадир (13-шакл):



13-шакл. Педагогик технология тамойиллари

Бир бутунлик, яхлитлик тамойили. Ушбу тамойил икки жиҳатни ўзида акс эттиради:

- таълим, тарбия ҳамда шахс камолоти (тараққиёти) бирлиги;

- педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгалиги, "тизимлилик" тушунчаси бу ўринда ҳам маълум ўқув фанини ўқитиш жараёнига, ҳам умумий таълим жараёнига хосликни англатади.

Асослилик (фундаментлик) тамойили. Мазкур тамойил фанларнинг ўрганиш объекти, ички моҳияти ва хусусиятларига кўра турли йўналиш (блок)ларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади. Ўқув фанлари табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзида туркумлаштирилган. Ҳар бир ўқув фани унинг учун "ядро", "ўзак" саналувчи маълумот (ахборот)ларга эга бўлиб, ушбу маълумот (ахборот)лар шахс томонидан фанлар асосларининг ўрганилиши, аниқ мутахассислик бўйича мустақил билим олиш, ўзлаштирилган билимларни кенгайтириб бориш йўлида таянч тушунчалар бўлиб хизмат қилади.

Бундай моҳиятли ёндашув маълум йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фанлараро алоқадорлик хусусиятидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Ўқув фанларининг муайян йўналишлар тарзда бириктирилиши шахс хотирасига нисбатан зўриқишни камайтиради, шунингдек, фикрлаш қувватини оширади, тафаккурнинг юзага келишини таъминлайди.

XX асрнинг 80-йилларида таълим жараёнини ташкил этиш

ўқувчиларга мавжуд фанлар соҳалари бўйича оз-оздан маълумот (билим) беришдан иборат деб талқин этилган бўлса,

90—йилларда ушбу жараённинг ташкил этилиши

ўзлаштирилган билимлар негизида муайян, аниқ фан бўйича янги маълумот (билим)ларга эга бўлиш учун қулай шароитни яратиш жараёни сифатида эътироф этилди.

Моҳиятли ёндашув асослантиришнинг муҳим омили саналади. У, шунингдек, табиий, ижтимоий ва гуманитар фанларни умумлаштириш тарзидаги синергетик ёндашувни ҳам кўзда тутади.

Маданиятни англаш (маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлик) тамойили. Мазкур тамойил олмон педагоги А.Дистервег томонидан XIX асрда истеъмолга киритилган бўлиб, бугунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маданиятни англаш тамойили ўқувчиларга ижтимоий жамиятнинг маданий тараққиёти даражасидан келиб чиқиб таълим берилишини назарда тутади. Ўтган асрда таълим самарадорлигини таъминловчи етакчи омил сифатида педагогнинг билим даражаси ва маҳорати эътироф этилган бўлса, бугунги кунда ўқитувчининг билими, салоҳияти ҳамда маҳоратининг юқори даражада бўлиши билангина муваффақиятларни қўлга киритиб бўлмаслиги барчага аён. Мазкур ўринда замонавий фан ва техника имкониятлари, хусусан, компьютер, мультимедиа воситалари, шунингдек, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг эътиборга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда биз мутахассисларнинг

«соҳа (ёки йўналиш)ларнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борадаги назарий ва амалий билимларни чуқур билишлари, муайян фаолиятларни бажара олишлари, белгиланган муддатда аниқ вазифаларни ҳал этишга улгуришлари ҳамда маълум ютуқларга эриша олишлари»

га эриша олишимиз лозим.

Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили. Тилга олинган ҳар икки тушунча ҳам луғавий жиҳатдан (юнонча humanus - инсонийлик, humanitas - инсоният), бир ўзакка эга бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъноларни ифодалайди. **Инсонпарварлаштириш** таълим муассасаларида ўрганиладиган фанлар сирасига ижтимоий фанлар (тарих, маданиятшунослик, социология, психология, филология ва бошқалар)нинг киритилишини, **инсонийлаштириш** тушунчаси эса шахс ва унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни англатади. Бошқача айтганда, **инсонпарварлаштириш** - бу инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг қадр-қиммати,

шаъни, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлашга асосланувчи фаолиятни ташкил этиш жараёни бўлса, **инсонийлаштириш** "барча шароитлар инсон ва унинг камолоти (тараққиёти) учун" деган ғоя асосида ташкил этилувчи фаолият жараёни саналади.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ҳар бир ўқитувчи ушбу тамойилга қатъий амал қилиши лозим ёки ўз мутахассислигига оид муаммоларни ҳал этишда унинг жамият манфаатлари билан уйғун бўлишига эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. Эндиликда педагог ўқувчилар фаолиятини авторитар (якка ҳокимлик) тарзида бошқармай, балки таълимий ҳамкорлик ғояларига содиқлик асосида таълим жараёнини инсонийлаштиради ёки бошқача айтсак, таълимни инсонийлаштириш тамойилига амал қилинишини таъминлайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили. Ушбу тамойил қуйидаги икки жиҳатни ёритишга хизмат қилади:

1) таълим муассасаларининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига ўқувчиларни жалб қилган ҳолда тадқиқотларни олиб бориши лозим;

2) ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва тузатишлар киритади, яъни, у таълим жараёнини тадқиқ этади.

Ўқитиш жараёнининг мазкур икки жиҳати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўқитувчининг касбий ҳамда педагогик маҳоратини ошириб боришга ва ўқувчиларни бўлажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрлаш учун замин яратади.

Таълимнинг узлуксизлиги тамойили. Мазкур тамойил ўқувчиларнинг касбий сифатларга эга бўлишлари, мавжуд сифатларнинг ҳаётий фаолият давомида такомиллашиб боришини назарда тутади. Шахсга унинг бутун умри учун асқотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, зеро, мавжуд билимлар ҳар беш-ўн йил мобайнида ўзга-

риб, мазмунан бойиб боради. Демак, мазкур тамойил ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни ташкил этишга эътибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган таълимдан ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришни ифодалайди.

Фаолиятли ёндашув тамойили назария ва амалиётнинг дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси қуйидаги икки хил маънода изоҳланади:

а) ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар;
б) улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар.

Билимлар фаолият юритиш жараёнидагина мустаҳкамланади, шу сабабли ўқувчиларда назарий билимларни амалда қўллай олиш иқтидорини тарбиялаш лозим. Амалиётдаги татбиқига эга бўлмаган билимлар тез орада унутилиб юборилади.

Педагогик технологиянинг асосий тамойиллари, яъни, дастлабки қоидалари ана шулардан иборат. Уларга амал қилган ҳолда педагогик фаолиятни ташкил этиш ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошиб бориши, ўқувчиларнинг ақлий ва ахлоқий сифатларни эгаллашлари, шунингдек, уларда шахсий тажрибаларнинг ҳосил бўлишига замин яратади.

У ёки бу таълим технологиясининг танланиши режалаштирилган дарсда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш назарда тутилганлигига боғлиқдир. Юқорида қайд қилинганидек, таълим технологияси доирасида янги ўқув материалини ўзлаштиришнинг қуйидаги даражалари мавжуд:



Бошланғич ва алгоритмик характердаги даражалар самарали билим ва кўникмаларни аниқлаш учун мезон вазифасини ўтайди. Ўзлаштиришнинг ушбу даражаларини аниқлашга ёрдам берувчи технологик жараённи ижрочи технология деб аташ мумкин. Ўқув материалини эсда сақлаб қолиш ҳамда кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилган фаолият даражаси ўқувчиларнинг маҳсулдор ва натижавий фаолиятларини уйғунлаштиришни талаб қилади. Мазкур ҳолат ўқув фаолиятини ташкил этишга муаммоли ривожлантирувчи технологиянинг татбиқ этилиши билан амалга ошади. Ушбу технология асосида таълим жараёнини ташкил этиш ўқувчиларни ўқув материалини рефератлаштириш, уларнинг машғулотларда ўз маърузалари билан қатнашиш, мунозара ҳамда ишчанлик ўйинларида фаол иштирок этишга ўргатиши лозим.

Ўқув фаолияти изланувчан, эвристик характер касб этганда,

юқори даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи таълим, вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар, мустақил ишлар, муаммоли характердаги топшириқлар, ишчан ўйинлар каби шакллардан фойдаланиш зарур.

Ўзлаштиришнинг мазкур даражасини ифода этувчи технологик жараён **эвристик технология** деб аталади.

Таълим жараёнининг дидактик моҳияти қуйидаги педагогик технологияларни ажратишга имкон беради:



Таълим-тарбия жараёни бутун машғулот давомида ўқувчи фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда уйғотиб бориш мақсадини кўзда тутади. Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқувчиларни тезкорлик билан ўқув ёки ўқув ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиш имконини беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ёки аниқ натижа кўзланмаган топшириқлар машғулотнинг самарасиз якунланишига олиб келади.

Бундай ҳолатлар кўп ҳолларда ўқитувчининг ўқувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига замин яратади ҳамда ҳол ўқувчининг ортиқча ҳиссиётларга берилиши, ўқув фаолиятига ундовчи рағбатнинг пасайиши, ўқишдан безиши ҳамда ўқув предмети ва ўқитувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига сабаб бўлади. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этилиб, нохуш ҳиссиётларни бартараф этишга йўналтирилиши лозим. Ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги муносабат эришилган ютуқлардан завқланиш, ўқув фаолиятига нисбатан чанқоқлик билан интилиш ҳамда биргаликдаги ижодий мулоқотга чорлаши керак. Бу эса педагогик таъсирнинг юзага келиши учун зарур бўлган ўзаро алоқа воситаси – "кўприк"ни ҳосил қилади. Таълим жараёнида ўқувчи шахсига нисбатан ҳурматсизлик билан ёндашилганда кўзда тутилган талабчанликка, айниқса, онгли интизомни ўрнатишга эришиш мумкин эмас.

Бошқа бир томондан олиб қараганда, педагогик муносабатнинг таркибий қисми бўлган мулоқот (коммуникатив фаолият)ни қуйидаги шаклларда уюштириш мумкин:

Таълим-тарбия ишини ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро муносабат ва мулоқотнинг бир неча турлари (стиллари) мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир (14-шакл):

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқитувчиларнинг ўқувчиларга мулоқот асосида таъсир этиш йўлларини ҳам ўз ичига олади. Кенг тарқалган метод ёки мулоқот таъсирлари қуйидагилардан иборат: **ишонтириш, исботли натижаларга асосланиш, бевосита ҳамда билвосита таъсир, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир методлари.**

Педагогик технологияни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш ҳисобига таълим жараёнининг рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради, бу айниқса, аниқ масалаларни ечишда намоён бўлади. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг бевосита фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Бу муаммонинг ечими бошқарувга асосланган педагогик технологиянинг қўлланиши билан боғлиқдир.



14-шакл. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабат турлари

Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарслар шакли ва қўлланилаётган методлар ҳамда методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда уларни ривожлантириш учун дарснинг анъанавий шакллари (уйғунлаштирилган дарслар) билан биргаликда конференция дарси, ишчан ўйин дарслари, интеграллаштирилган (икки компонентли) дарслардан фойдаланиш лозим. Мазкур вазиятда таълим методлари таълим мақсади билан мутаносиб (адекват) бўлиши керак. Чунончи, билимларни турли вазиятларда қўллашга йўналтирилган топшириқлар, янги шароитда фаолият кўрсатишга ундовчи топшириқларни бажариш, ўзлаштирилган билимлар асосида схемалар тузиш, уларни таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва бошқалар.

Етарли даражадаги рағбат (мотивация) ҳамда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга эришиш кафолатланмайди. Таълим-тарбия жараёнининг дидактик нуқтаи назардан такомиллашуви фақатгина, ушбу жараённи ташкил этиш ва бошқариш йўлларини тўғри танлаш билан таъминланади. Педагогик технологияни бошқариш ўзида икки йўналишни мужассамлаштиради:

фаолиятни бошқариш;
ўқувчилар жамоасини бошқариш.

Муайян педагогик технологияни танлаш ўзгарувчан дарс ҳолатининг ўзгаришига имкон беради ҳамда фаолият мақсадига қараб амалга оширилади. Шунингдек, вариантли тарзда дарс ҳолатини ўзгартириш чораларини кўришни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, билиш жараёнини бошқаришга қўйилаётган талаб, шунингдек, ўзлаштириш, мулоқот қилиш, фаолият кўрсатиш босқичларининг хусусияти билан боғлиқдир.

Таълимни ташкил этишга нисбатан инновацион ёндашувлар мазмуни

Замонавий таълимнинг энг муҳим унсурлари қадимдан шаклланиб келган. Таълим мақсади, мазмуни, шакл, услуб ва воситалари таълим жараёнлари мазмунини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган анъанавий категориялар бўлиб ҳисобланади. Айнан шу категориялар маълум предмет, мутахассислик ёки ихтисослик бўйича ўқув-тарбиявий жараённи ташкил қилувчи педагог фаолиятининг предмети сифатида юзага чиқади. Қайд этилган педагогик категорияларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтирилган педагогик фаолиятнинг қонуният ва мезонларини тизимлаштирувчи омил вазифасини бажаради.

Узоқ йиллар мобайнида қайд этилган педагогик категориялар жамият ижтимоий талаби даражасидаги мақсадларни рўёбга чиқариш учун етарли бўлиб келган. Муайян даврларда

бир гуруҳ педагоглар томонидан барча даврларда амалга оширилган педагог фаолиятининг даражаси қониқарсиз дея баҳолаганлар. Улар, хусусан, педагогик тушунчаларга берилган таъриф ва тавсифларнинг ноаниқлиги, таълим жараёнларини тавсифловчи баъзи категорияларнинг етишмаслиги, таълим мақсади, мазмуни, шакли, услуби ва ўқитиш воситалари ўртасида ўзаро узвийликнинг мавжуд эмаслиги каби ҳолатларни доимий равишда танқид қилиб келганлар. Улар томонидан "методика" тушунчаси юқори даражадаги субъективликка эга эканлиги таъкидланади. Ҳақиқатда эса таълим натижалари ўқувчининг педагогик жараёнлардан муваффақиятли "ўтганлиги" билан белгиланади.

Педагогик жараённинг моҳияти - ўқитувчи ҳамда ўқувчининг биргаликдаги фаолияти мазмунида акс этади, мазкур жараёнда педагог ўқувчига юзага келган қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг асосий моҳияти педагогик жараённинг тавсифи, унинг маълум мақсадга йўналтирилганлиги, шунингдек, шахсни шакллантириш ва тарбиялаш борасида ҳал этиладиган вазифалар билан ифодаланади. Педагог ахборотларни эълон қилиш, кўрсатиш, эслатиш, тушунча ёки маслаҳат бериш, йўналтириш, ҳаққонийлаштириш, кенгашиш, бартараф этиш, ҳамдардлик қилиш, илҳомлантириш, қизиқиш ва ҳурматни изҳор қилиш, талабчанликни қўллаб-қувватлаш каби кўринишларда ёрдам беради.

Замонавий ўқитиш технологиялари - мажмуавий интеграл (бутун, узвий боғлиқ) тизим бўлиб, унда таълим мақсадлари асосида белгиланган кўникма ва малакалар ўқувчилар томонидан назарий билимларни ўзлаштириш, уларда муайян маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга йўналтирилган педагогик фаолият элементларининг маълум тартибга солинган тўплами сифатида акс этади.

Бу ўринда таълим мақсадларининг белгиланиши (кимга ва нима учун?), мазмунни танлаш ва ишлаб чиқиш (нима?), таълим жараёнларини ташкил қилиш (қандай?),

таълим метод ва воситаларининг белгиланиши (нималар ёрдамида?), шунингдек, ўқитувчилар малака даражаси (ким?), эришилган натижаларни баҳолаш методи (қандай йўл билан?) инобатга олиниши лозим. Келтирилган мезонларнинг мажмуавий тарзда қўлланилиши ўқув жараёнининг моҳияти ва технологиясини белгилаб беради.

Таълим технологиясини лойиҳалаш жараёнида педагогик вазифанинг қўйилиши ва уни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши зарур (15–шакл):

15-шакл. Ўқитиш технологиясини лойиҳалаш

Педагогик вазифани белгилашда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

таълим мақсадларини таҳлил этиш асосида ўқув предмети мазмунини аниқлаш;
ўқув предмети ахборот тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни ўқув унсурлари тизими кўринишида ифодалаш;
ўқувчиларнинг ўқув унсурларини ўзлаштириш даражаларини аввалдан белгилаш;
ўқувчиларнинг дастлабки билим даражасини аниқлаш (бу кўрсаткич ўқув предметининг мазмуни асосланадиган ўқув материалини ўзлаштирганлик даражасидан келиб чиқади);
моддий база ҳамда таълимнинг ташкилий шаклларига қўйиладиган чегараларни белгилаш.

Педагогик вазифаларнинг ҳал этилишини таъминловчи ўқитиш технологиясини лойиҳалашга қаратилган ўқитувчи фаолиятининг мазмуни метод, шакл ва воситалар асосида шакллантирилади.

Педагог фаолияти мазмунини белгиловчи асосий омиллар:
бошқариш тури;
ахборот алмашиш жараёнининг тури;
ахборотни узатиш воситаларининг типлари ва билиш фаолиятини бошқариш.

Ўқитиш жараёнига фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш концепциясига асосланиб, уни ташкил этиш қуйидаги мантиқий кетма-кетликка асосланиши мумкин: дастлаб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартлари таҳлил этилади. Сўнгра, ўқитишнинг мос равишдаги методлари ҳамда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш тизими ишлаб чиқилади. Шу асосда ўқитиш воситаларининг рўйхати тузилади. Ушбу усул билан ҳосил қилинган метод ва таълим воситаларининг яхлит тизими ташкилий шакллар билан уйғунлаштирилади, яъни, муайян технология ишлаб чиқилади.

Умумлашган педагогик технологиялар маълум психо-педагогик асосларда қурилган "синтетик назария" сифатида қаралади.

Татбиқий педагогик технологиялар олдиндан режалаштирилган натижага эришишга йўналтирилган касбий тайёргарлик жараёнини лойиҳалаш муаммосини методик жиҳатдан ҳал этишга йўналтирилади.

Бугунги кунда педагогик технологиялар татбиқий асосини шахсий фаолиятли ёндашув, танқидий-ижодий фикрлаш, муаммоларни ҳал этиш, қарор қабул қилиш ва жамоада ҳамкорликни қарор топтиришга оид педагогик технологияларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи юзага келмоқда. Айни вақтда таълим муассасалари амалиётида қуйидаги педагогик технологиялардан самарали фойдаланилмоқда:

Педагогик технология турлари

Педагогик технология тури	Мақсади	Моҳияти	Механизми
Муаммоли ўқитиш	Ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ҳамда ижодий мустақиллигини ошириш	Ўқувчиларга уларда билимларни ўзлаштириш борасидаги фаолликни юзага келтиришга хизмат қилувчи масалаларни мақсадга мувофиқ, кетма-кет бериб бориш	Тадқиқотчилик методлари, билиш фаолиятига йўналтирилган масалаларни ечиш
Мужассамлаштирилган таълим	Шахснинг ҳис қилиш хусусиятларига максимал даражада яқинлаштирилган таълим жараёни тузилмасини яратиш	Машғулотларни блокларга бириктириш ҳисобига фанларни чуқур ўзлаштиришга эришиш	Ўқувчилар иш қобилияти динамикасини ҳисобга олувчи таълим методлари
Модул таълими	Таълим мазмунини шахснинг индивидуал эҳтиёжлари ва унинг базавий тайёргарлиги даражасида мувофиқлаштириш	Ўқувчиларнинг индивидуал ўқув дастури асосида мустақил ишлашлари	Муаммоли ёндашувни амалга оширишнинг индивидуал мароми
Ривожлантирувчи таълим	Шахс ва унинг қобилиятларини ривожлантириш	Ўқув жараёнини шахснинг ички имкониятлари ва уларни рўёбга чиқаришга йўналтириш	Ўқувчилар фаолиятини турли соҳаларга йўналтириш

Педагогик технология тури	Мақсади	Моҳияти	Механизми
Дифференциаллашган таълим	Ўқувчиларнинг лаёқати, қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш учун қулай шароитларни яратиш	Турли ўзлаштириш даражалари бўйича мажбурий меъёр (стандарт) дан кам бўлмаган ҳажмдаги дастур материалини ўзлаштириш	Индивидуал таълим методлари
Фаол ўқитиш (мажмуавий таълим)	Ўқувчилар фаоллигини юзага келтириш	Бўлажак касбий фаолиятнинг предметли ва ижтимоий мазмунини моделлаштириш	Фаол ўқитиш методлари
Ўйин технологиялари	Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг шахсий фаолият тавсифида бўлишини таъминлаш	Ўқув ахборотларини қайта ишлаш ва ўзлаштиришга йўналтирилган мустақил билиш фаолияти	Ўқувчиларни ижодий фаолиятга жалб этишнинг ўйин методлари

Шундай қилиб, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим—тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзида методлар тизими, таълим методик усуллари, мақсад, воситалари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари ҳамда якуний натижаларга эришиш борасидаги мажмуани мужассамлаштиради.

Таълим жараёни яхлит тизим сифатида

Таълим жараёни таълим технологиясининг асосини, ядросини ташкил этади ҳамда таълим мақсади, таълим мазмуни, ўқувчи, таълим шакли, метод, воситалари ва таълим берувчи каби унсурлардан иборат тизим сифатида намоён бўлади. Таркибий унсурлар ўзаро бирлик ва алоқадорликда таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишга хизмат қилади.

Таълим жараёни бир нечта шартларга мувофиқ ташкил этилади. Улар қуйидагилардир:

1) таълим олиш, муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга бўлган ижтимоий (ёки шахсий) эҳтиёжларнинг юзага келиши (ТЭ);

2) таълим олиш, муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга нисбатан рағбатнинг уйғониши (ТР);

3) ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти мазмуни (ЎФ)ни белгилаш;

4) ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш (ЎФБ)ни йўлга қўйиш омилларининг мавжудлиги (16–шакл):



16-шакл. Таълим жараёнини ташкил этиш шартлари

Таълим технологиясининг функционал тузилмаси бевосита таълим жараёнининг моҳиятини тўлақонли ёритишга хизмат қилади. Яъни, ушбу тузилма ўзида таълим жараёнининг умумий кўриниши (ташкилий шакли ва ички моҳияти), образини ифода этади. Таълим технологиясининг функционал тузилмасини тасвир орқали қуйидагича акс эттиришга ҳаракат қилдик (17-шакл).

17-шакл. Таълим технологиясининг функционал тузилмаси

Бозор муносабатларига асосланган ижтимоий ривожланиш қонуниятларидан бири-ижтимоий рақобатнинг пайдо бўлишидир. Ижтимоий рақобат мавжуд бўлган шароитда мўътадил фаолият юритиш, рақобатга нисбатан

ишчанлик иммунитетини ҳосил қилиш манфаатлар тўқнашувида "омон" қолиш, юқори мавқега эга бўлиш учун имконият яратади. Шу боис фуқароларда таълим олиш, назарий ва амалий билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашув ҳисси қарор топмоқда.

Бу эса уларда таълим олишга бўлган рағбатни ҳосил қилмоқда. Эндиликда таълим олиш, муайян касб-ҳунар ёки мутахассислик маълумотларини эгаллаш, бу борада маълум кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда. Таълим олишга бўлган рағбат ва унинг мазмуни таълим жараёни муваффақиятининг гарови, кафолати бўла олади.

Таълим олишга бўлган рағбат ўқувчи ҳамда ўқитувчи иштирокидаги ўқув-билиш фаолияти асосининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яқин ўтмишда ўқувчининг таълим жараёнидаги иштироки назарий билимларни қабул қилиб олувчи ва ўзлаштирилган назарий билимлар, амалий кўникмаларни намойиш этувчи субъект сифатидаги роли билан кифояланган бўлса, таълим технологияси талабларига кўра ўқувчи таълим жараёнининг етакчи субъекти, асосий ижрочиси сифатида кўринади. Эндиликда ўқувчи ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборот (билим)ларни қабул қилмайди. Балки таълим берувчининг йўлланмаси, кўрсатмасига мувофиқ тавсия этилган ўқув манбалари билан мустақил равишда танишиш орқали назарий билимларни ўзлаштиради, ўқитувчининг назорати остида амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилади. Ўқувчи мустақил фаолият юритиш, назарий билимларни ўзлаштириш асосида ўзида фикрни илгари суриш, далиллар келтириш, ўз фикрини ҳимоя қилиш лаёқатини тарбиялай олиши, ўз-ўзини танқид қилиш, ўз-ўзини баҳолаш сифатларини қарор топтира олиши талаб этилади. Давр талаби ўқувчини таълим жараёнининг суст тингловчиси бўлишдан фаол иштирокчисига айлантиришни тақозо этмоқда.

Таълим олувчининг таълим жараёнидаги етакчилик роли қуйидаги педагогик вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

ўқувчида билимларни ўзлаштиришга бўлган ички эҳтиёж (рағбат)ни қарор топтириш;
билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли ёндашувни ҳосил қилиш;
уларда мустақил фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш;
уларнинг фаоллигини таъминлаш;
ўқувчиларда мустақил фикр юритиш, назарий ва амалий билимлар моҳиятини таҳлил этиш, улар борасида хулосалар чиқариш, умумлаштириш ҳамда уларни ўз амалий фаолиятига татбиқ этиш кўникмаларини юзага келтириш ва такомиллаштириш;
ўз-ўзини назорат қилиш, баҳолаш сифатларини шакллантириш.

Ўқувчи фаолияти мазмунининг тўлақонли ёритилишида таълим шакли, метод ва воситаларининг аҳамияти катта. Зеро, улар ўқувчининг имкониятларини юзага чиқариш, билим, кўникма ва малакаларини аслидек, мавжуд даражада ёритиш учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Ўз навбатида ўқувчиларнинг ёш, психологик, физиологик хусусиятлари, билим даражаси, дунёқарашининг кўлами ҳамда уларнинг фаоллиги самарали, илғор, ноанъанавий таълим шакл, метод ва воситаларини танлаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун туртки бўлади.

Таълим жараёнининг мақсади ДТС, ўқув режаси дастури, шунингдек, дарслик, қўлланмаларда белгилаб берилган муайян мавзу ҳамда фан (ёки курс)нинг ўзига хос жиҳатлари, мавжуд педагогик шарт-шароитлар, ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, уларнинг ҳаётий эҳтиёжи ва қизиқишлари, таълим берувчининг билим ва малака даражаси, дунёқараши, ижодкорлиги, вазиятни баҳолай ҳамда унга мувофиқ тезкор ҳаракат қила олиш лаёқати ва ҳоказо омилларни инобатга олиш асосида белгиланади.

Ўқув жараёнининг мақсади ташҳисли равишда аниқ ва равшан белгиланмоғи лозим. Таълим мақсадининг бундай белгиланиши маълум ва амал қилинган вақтда дидактик

жараённи ташкил қилиш ва амалга оширилиш даражаси юзасидан хулоса чиқариш имкониятини яратади.

Мақсаднинг ташҳисли белгиланиши қуйидаги ҳолатлар билан тавсифланади:

шахсда шакллантирилган маънавий-ахлоҳий сифатлар ҳамда ақлий салоҳият шу даражада аниқ ва равшан тавсифланадики, натижада уларни шахснинг ҳар қандай исталган, мазкур вазиятгача бўлган вақт оралиғида шакллантирилган сифатларидан осонлик билан фарқлаш мумкин бўлади;
шахснинг ташхисланган маънавий-ахлоқий ҳамда ақлий сифатларининг шаклланганлик даражасини ҳаққоний назорат қилишга йўналтирилган аниқ усул мавжуд бўлади;
шахснинг ташхисланган сифатларини аниқлаш юзасидан олиб борилган назорат натижалари асосида унинг самарадорлигини аниқлаш мумкин бўлади;
ўлчов мезонлари асосида муайян билим, кўникма ва малакаларнинг сифатини баҳолаш кўрсаткичлари мавжуд бўлади.

Таълим жараёнининг мақсади ижтимоий буюртма мазмуни ҳамда ўқувчи шахси моделларининг ўзаро мувофиқлиги асосида кечади.

Босқичли даражада таълим мақсадини шакллантириш долзарб даражадаги мақсад муайян таълимий тайёргарлик босқичлари бўйича тақсимлаб чиқилади. Таълим тизимининг яхлит ҳолда касбга йўналтирилганлиги сабабли ўқувчи шахсининг модели унинг объекти бўлиб қолади. Таълим жараёнида шахснинг ёш кўрсаткичлари табиий унинг шаклланиш босқичларига мос равишда асосий мақсаддан келиб чиқиб даражаланади.

Тезкор даража таълим мақсадини шакллантириш мазмуни, таълим жараёнини ташкил этувчи алоҳида фанларни ўрганишдан иборатдир.

Таълим жараёнининг мазмуни таълимнинг умумий мақсадини амалга ошириш, хусусий мақсадларга босқичма-босқич эришиш имкониятини яратади.

Таълим мазмуни таълимий-меъёрий ҳужжатлар талаблари, ўқув манбалари (ДТС, ўқув режаси, дастур, дарслик ва қўлланмалар)нинг мазмуни, уларда илгари сурилган ғоялар асосида ишлаб чиқилади.

Таълим жараёнининг мазмуни шахсга таълим бериш, уни тарбиялаш ва ривожлантириш каби вазифаларнинг ижобий ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Таълимнинг шакл, метод ва воситалари таълим жараёнининг мазмуни асосида белгиланади.

Таълим муассасалари олдида турган вазифаларни ҳал этиш машғулот (таълим жараёни) мазмуни, таълим шакли, методлари ҳамда воситаларининг самарадорлигига боғлиқ бўлади. Таълим шакли, методлари ва воситалари ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда чуқур билим ва дунёқарашни ҳосил қилишга хизмат қилади.

Таълим шакли ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда, муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятларининг ташқи ифодасидир.

Қадим замонларданоқ жамиятнинг етук кишилари ўқитиш ишини ташкил қилишнинг ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган шаклларини топишга уринганлар. Ҳозирги вақтда Республика таълим муассасаларида ўқитишнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланилмоқда (18-шакл).

Анъанавий таълим ўзида XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида яшаб ижод этган буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 йиллар) томонидан асосланган синф-дарс тизими моҳиятини акс эттиради. Мазкур тизимнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

18-шакл. Таълимни ташкил этиш шакллари

а) ўқувчилар ёши ва тайёргарлик даражаларига кўра синфлар тарзида гуруҳланадилар ва умумий ишни бажарадилар;

б) ўқув предметининг мазмуни бир қатор бўлим ва мавзуларга, бўлим ва мавзулар эса бир қатор изчил жойлаштирилган қисмларга ажратилиб, улар бирин-кетин, маълум жадвал асосида дарслар кўринишида очиб берилади.

Синф
ёши ва билими жиҳатидан бир хил бўлган муайян ўқувчилар гуруҳи;
дарс
эса бевосита ўқитувчининг раҳбарлиги ҳамда назорати остида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнини англатувчи тушунчалардир.

Дарс – ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли ҳисобланади. Синф-дарс тизими қуйидаги мазмунга эгадир:

1. Ҳар қайси синф ёши ва билим даражасига кўра бир хил бўлган ўқувчиларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс жараёни асосан 45 дақиқа (ёки бир академик соат — 80 дақиқа) давом этиб, қатъий жадвал асосида олиб борилади.

3. Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият бирлигига асосланган бўлиб, бевосита ўқитувчи раҳбарлигида жамоа, гуруҳли ва якка тартибда олиб борилади.

4. Дарс машғулоти ўтилаётган ва ўзлаштирилаётган материалнинг мазмунига қараб турли хил методлар ёрдамида олиб борилади ҳамда умумий таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишга хизмат қилади.

Бугунги кунда дарсларни ташкил этишга нисбатан қуйидаги дидактик талаблар қўйилмоқда:

1. Дарс мақсади ва вазифаларининг аниқлиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўғрилиги.
2. Дарснинг таълимий, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчанлик вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги.
3. Ўқитишнинг яхлит дарс ва унинг маълум қисмлари, вазифалари ҳамда мазмунига мувофиқ келадиган, ўқувчиларнинг билиш фаолликлари ва мустақил фаолиятларини таъминлашга хизмат қилувчи мақбул методларини танлаш.
4. Машғулотларнинг турли шакллари: жамоа, гуруҳли ва якка тартибдаги шаклларини мақбул равишда қўшиб олиб бориш.
5. Ўқитувчининг раҳбарлик роли билан ўқувчилар фаол билиш фаолиятини бирга олиб бориш.
6. Дарсларнинг ўзаро узвий ва диалектик хусусиятга эга бўлишига эришиш.
7. Ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш.
8. Дарсда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароит яратиш.
9. Дарсларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш.
10. Дарсда ўқувчи эркинлигини таъминлашга эришиш.

Бугунги кунда таълимни ташкил этиш тизимида якка тартибда таълим олиш ўзига хос ўринга эга бўлиб бормоқда. Якка тартибдаги таълим ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, хоҳиши-

га кўра муайян фан, предмет юзасидан чуқур билим олиш; маълум фан ёки предмет бўйича юзага келган ўзлаштирмовчилик ҳолатини бартараф этиш, шунингдек, узоқ вақт соғлиқни сақлаш муассасаларида даволанган ёки тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ўқувчиларнинг ўқув дастури талабларини бажаришларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Якка тартибда таълим олишнинг асосий кўринишларидан бири сифатида репититорлик таълими кенг оммалашмоқда.

Айни вақтда умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасалари фаолиятида ўқитишнинг ноанъанавий шаклларининг асосийси сифатида маърузадан кенг фойдаланилмоқда. Маъруза асосан ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида қўлланилади.

Маъруза ўқувчиларга назарий билимларни вербал (оғзаки) етказиб бериш шаклларидан бири бўлиб, маъруза дарсларини ташкил этиш анча мураккаб бўлиб, кўп меҳнат талаб қилади.

Маъруза дарси тажрибали, юксак даражадаги педагогик маҳоратга эга ўқитувчилар томонидан ташкил этилади. Маърузада фақат фан, ўқув предмети асослари борасида маълумотлар бериб қолмасдан, балки ўқувчиларни ижтимоий-ғоявий жиҳатдан тарбиялаб бориш талаб этилади. Маъруза жараёнида асосий эътибор ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, билим ва фаолият малакасини оширишга қаратилади.

Мактаб амалиётида маърузанинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилмоқда:

маъруза-ҳикоя;
маъруза-суҳбат;
маъруза-мунозара;
оммавий маъруза

Маърузалар ёзма тайёрланади. Шу боис маърузачи ўқитувчида маъруза мавзуси юзасидан режа ва конспект бўлиши лозим.

Маърузада ўқув материалининг ўқувчилар томонидан тушунилиши ва қабул қилиниши қуйидаги мезонлар бидан аниқланади:

№	Синфлар	Ўқувчилар томонидан қабул қилинувчи материал ҳажми
1.	I синф	20-25 та сўз
2.	II синф	25-30 та сўз
3.	III синф	30-35 та сўз
4.	IV-IX синф	35-50 та сўз
5.	Янги турдаги ўқув муассасаларида	40-45 та сўз

Умумий ўрта таълим мактабларида маъруза умумий 45 дақиқалик бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир дарс давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги машғулотда давом эттирилади. Ҳар бир мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказилади. Ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасига VII синфдан бошлаб факультатив машғулотлар киритилади.

Факультативлар ўқувчиларнинг қизиқиш ва хоҳишларига кўра муайян фан, предмет юзасидан бериладиган илмий-назарий билимларни чуқурлаштириш, уларда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида ташкил этиладиган таълим шаклидир.

Мактаб маъмурияти ҳамда педагогик жамоа олдига ҳар бир ўқувчининг факультативлардан бирини танлаш имкониятига эга бўлишини таъминлаш вазифаси қўйилади, бу кейинчалик унинг учун мажбурий бўлиб қолади. Факультатив машғулотлар ўқувчиларнинг мустақиллиги ҳамда фаоллигини оширишга, уларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган махсус дастур асосида ўтказилади.

Факультатив машғулотларда ўқиладиган маърузалар амалий машғулотлар билан уйғунлашиб кетади. Бунда ўқувчилар адабиётлар билан ишлаш малакасини, мустақил фаолият юритиш кўникмасини эгаллайдилар, мураккаб бўлмаган тажрибалар ва тадқиқотлар ўтказиш методикасини ўзлаштирадилар, тажриба қурилмалари ва техникани ишлатиш малакасини ҳосил қиладилар. Факультатив машғулотлар мажбурий фанлар юзасидан бўлган машғулотлар билан мустаҳкам алоқадорликда ташкил этилиши керак.

Кейинги йилларда умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида ижтимоий ва гуманитар предметлар бўйича семинар машғулотларини ташкил этиш кенг қўлланилмоқда.

Семинар
ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаол ҳамкорлиги асосида ташкил этилувчи таълим шаклларидан бири бўлиб, уни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг мустақил ишларини янада ривожлантириш, айрим мавзулар юзасидан кенг ва чуқур маълумот бера оладиган манбалар устида ишлай олишлари ҳамда шу асосда келажак фаолиятларида зарур адабиётлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга қилишдан иборатдир.

Семинар машғулоти ўқувчилар томонидан у ёки бу мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш ҳамда уни синф ўқувчилари билан муҳокама қилиш йўли билан олиб борилади.

Семинарларга 2-3 ҳафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётларни ўрганадилар, материал йиғадилар, турли кузатишлар ўтказадилар, ўз ахборотлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади. У ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзуга оид саволлар юзасидан ташкил этилган муҳокамани якунлайди. Зарур қўшимча мулоҳазаларни билдиради, материални

муайян тизимга солади. Маъруза қилган, муҳокамада қатнашган ўқувчилар фаолиятини баҳолаб боради.

Семинар машғулоти ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш, уларнинг қизиқишини орттириш, уларни мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатиш, дарсни фаоллаштириш ҳамда ўқувчилар ақлий қобилиятларини ўстиришда муҳим ўрин тутади.

Ўқитишнинг ноанъанавий шакллари доирасида амалий машғулотлар алоҳида ўрин тутади.

Амалий машғулотлар
махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида ташкил этилиб, ўқувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган таълим шаклидир.

Бундай таълим машғулотлари қуйидаги икки йўналишда ташкил этилади (19-шакл):



20-шакл. Амалий машғулот турлари

Умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфларида олиб бориладиган амалий-тажриба машғулотлари асосан мактаб устахонаси, махсус жиҳозланган хоналар ва ўқув тажриба ер майдонида олиб борилади. Бундай машғулотлар ўз хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади (20-шакл).

Амалий машғулотларнинг тавсифи

Мактаб ўқув устахонасида олиб бориладиган машғулотлар

Мазмуни ёғоч ва материалларни қўлда ишлаш, ишлашда қўлланиладиган асбоб-ускуналар билан муомала қила билишни ўргатиш, амалий фаолият ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш

Мактаб тажриба ер майдонида олиб бориладиган машғулотлар

Мазмуни ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаёти, уларнинг яшаш тарзи ва ривожланишларини чуқурроқ ўрганиш, турли мазмунда тажрибалар ўтказиш орқали амалий меҳнат қилиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш

Махсус жиҳозланган хоналарда олиб бориладиган машғулотлар

Мазмуни турли асбоб-ускуна ҳамда кимёвий моддалар ёрдамида табиатда рўй бераётган ҳодисалар моҳиятини ўрганиш, ўзлаштирилган назарий билимларни қўллай олиш борасида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш

Машғулотнинг таркибий тузилиши

1. Машғулот мазмуни ва мақсадини тушунтириш.
2. Иш намунасини кўрсатиш.
3. Иш асбоблари билан таништириш.
4. Машғулотнинг бошланиши.
5. Машғулотни якунлаш ва якуний хулоса.
6. Иш қуролларини йиғиштириш, иш жойини тартибга келтириш

21-шакл. Амалий машгулотларнинг турлари ва уларнинг тавсифи

Ноанъанавий дарс шаклларидан бири экскурсия ҳисобланади.

Экскурсия

бевосита кузатиш асосида муайян жараён, воқеа-ҳодиса ёки фаолият мазмунини ёритувчи билимларнинг пухта ўзлаштирилишини таъминловчи таълим шаклидир.

Экскурсиялар синф-дарс тизими, шунингдек, амалий машғулотлардан тубдан фарқ қилади. Ушбу фарқ қуйидагилардан иборатдир:

ўқитувчи ўтказиладиган барча экскурсияларга раҳбарлик қилса ҳам, у экскурсия объектларининг барча деталларини яхши билмаслиги мумкин, бундай ҳолларда махсус тайёргарликка эга экскурсовод олиб боради;
экскурсия муддати турлича бўлиб, доимий ўқув жадвали талабларига амал қилиш талабига бўйсуниш шарт ҳисобланмайди;
ўқитувчи ёки экскурсоводнинг раҳбарлик усули ва ўқувчиларнинг фаолияти турлича бўлиши мумкин.

Экскурсия давомида бир ўриндан иккинчи ўринга кўчиб юрилади. Шу боис ўқувчилардан интизомга қатъий риоя қилиш талаб этилади. Ўқитувчилар объектни кузатиш жараёнида вақти-вақти билан саволлар берадилар, зарур маълумотларни ёзиб борадилар. Экскурсия якунида ўқитувчи бугунги кузатганларини аввал ўзлаштирилган материалларга боғлаб суҳбат ўтказади. Шунингдек, экскурсия материаллари асосида баён ёки иншо ёздириш мақсадга мувофиқдир.

Экскурсиялар қуйидаги тўрт йўналишда уюштирилади (21-шакл):



21-шакл. Экскурсияларнинг йўналиши

Экскурсия жараёни қуйидаги таркибий тузилишга эга (22-шакл):

22-шакл. Экскурсиянинг таркибий тузилиши

Таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида ташкил этиладиган баҳс-мунозара, давра столи, матбуот конференцияси муайян предметнинг муҳим мавзулари юзасидан ташкил этилиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини илгари суриш, уни асослаш ҳамда ҳимоя қилиш қобилиятини шакллантириш учун хизмат қилади. Бу каби дарсларнинг ташкил этилишида мақсаднинг аниқлиги, шунингдек, ўқитувчиларнинг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Викторина ва мўъжизалар майдони шаклида ўтказилаётган дарслар беллашув хусусиятига эга бўлиб, ўқувчиларни фаолликка ундайди.

Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боғлиқдир.

Таълим назариясида ўқитиш (таълим) методлари марказий ўрин эгаллайди.

"Метод" юнонча сўз бўлиб "йўл" маъносини англатади. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолиятларининг усулидир.

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш усуллари ҳамда ўқув материалини на-

зарий ва амалий жиҳатдан йўналаштириш йўлларини англатади.

Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай бўлиши, ўқитиш жараёнини қандай ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини ҳамда шу жараёнда ўқувчилар қандай иш-ҳаракатларни бажаришлари кераклигини белгилаб беради.

Методлар бир қанча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гуруҳлар ва уларга кирувчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқув-билиш фаолиятининг ташкил этилиши, ўқув ахборотларининг узатилиши, қабул қилиниши, англаб олиниши, ёдда сақланиши, ўзлаштирилган билимларнинг амалиётда қўлланилишини таъминлаш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилишига кўра таълим методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

Вербал (ўқув ахборотларини сўз орқали узатиш ва эшитиш орқали қабул қилиш методлари ёки оғзаки методлар - ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар);
ўқув ахборотини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари (кўргазмали методлар - тасвирий, намойиш қилиш ва бошқалар);
ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар - машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар).

Юқорида баён этилган фикрларга таянган ҳолда амалиётда кенг қўлланилаётган уч гуруҳ методларини тасвирда шундай ифодалаш мумкин (23-шакл):



23-шакл. Таълим методлари

Оғзаки баён қилиш методи мактаб таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, мазкур методга барча ўқув предметлари бўйича таълимнинг турли босқичларида мурожаат қилиш мумкин.

Ушбу метод баён қилинаётган маълумотларнинг тўғридан-тўғри ўқитувчининг жонли нутқи орқали идрок қилиниши билан тавсияланади ва ана шу хусусиятига кўра таълимнинг бошқа методларидан фарқ қилади ҳамда 24-шаклда келтирилган 5 турда қўлланилади.



24-шакл. Оғзаки баён қилиш методининг турлари

Ҳикоя қилиш ижтимоий-гуманитар предметларни ўқитишда кенг қўлланилади.

Ҳикоя қилиш
ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилишдир (баён қилиш I-IV синфларда 10-12 дақиқа, V-VII синфларда 15-20 дақиқа, VIII-IX синфларда 30-40 дақиқа бўлиши мумкин)

Ҳикоя қилиш давомида ўқувчилар пассив тингловчи бўлиб қолмасликлари, аксинча, уларнинг фаолликларини ошириш, диққатларини мавзуга жалб этиш, ҳодиса ва воқеалар хусусида фикр юритишларини таъминлаш мақсадида саволлар бериб бориш, кўргазмали қуроллардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Мактаб маърузаси - бир соатлик машғулот давомида ўрганилаётган мавзунинг ҳақиқий моҳиятини очиб бериш, унда илгари сурилган ғоялар асосида илмий хулосалар чиқариш ва уларни умумлаштириш асосида билимларни муайян изчилликда баён этишдир.

Мактаб маърузаси асосан юқори синфларда қўлланилади. Маъруза жараёнида мавзу сидирғасига баён қилинса ҳам, ўқув материалини оғзаки баён қилиш методининг бошқа турлари, хусусан, ҳикоя қилиш ва тушунтиришлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мактаб маърузаси 25-шаклда келтирилган талаблар асосида ташкил этилади:

25-шакл. Мактаб маърузасини ташкил этиш шартлари

Маъруза жараёнида ўқувчи учун нотаниш бўлган сўз ва ибораларга изоҳ бериб бориш, қоида ва қонунларнинг таърифи содда, ихчам ва тушунарли тарзда ифодаланишига эътибор бериш лозим.

Ўқув материалини тушунтириш ўрганилаётган ҳодиса, қонун, қоида ёки ҳаракатнинг моҳиятини очиб беришга қаратилади.

Ўқитувчи муайян бир предметнинг у ёки бу мавзусига

оид қонун, қоидалар қанчалик асосли эканлигини далиллар, мисоллар келтириш йўли билан исботлаб беради.

Суҳбат методи аксарият ҳолатларда савол-жавоб методи деб ҳам юритилади. Чунки, ушбу метод асосида таълим жараёнини ташкил этиш асосан савол-жавоб тарзида олиб борилади. Суҳбат методи ўқувчиларда муайян фаолликни юзага келтиради, шунингдек, берилган саволга жавоб топиш жараёнида ўқувчи фикр юритади, шахсий фикрларини баён этади, уни далиллашга уринади. Бу эса уларда фикрлаш кўникмаларини такомиллаштиради.

Таълим жараёнида ўрганилаётган мавзу юзасидан кириш, асосий ва якунловчи суҳбатлар ҳам қўлланилади. Ўқувчилар томонидан янги мавзунинг қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ҳам суҳбат ташкил этилади.

Машғулотлар жараёнида ўқитувчи суҳбат методидан фойдаланганда қуйидаги шартларга амал қилиши керак (26-шакл):



26-шакл. Суҳбат методи асосида таълим жараёнини ташкил этиш шартлари

Дарслик ёки манба (китоб) билан ишлаш - материални оғзаки баён қилиш методининг асосий тури бўлиб, мактаб амалиётида муҳим ўрин тутади.

Ўқув адабиётлари билан ишлаш мураккаб психологик жараён саналади. У таълим жараёнида ўқитувчи томонидан баён қилинаётган билимлар, ахборотларни китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиш фаолиятини ривожлантиришни назарда тутади. Таълим жараёнида ушбу методдан фойдаланиш ўқувчиларда кичик тадқиқотларни олиб бориш кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради.

Дарслик ва китоб билан ишлаш икки йўналишда олиб борилади (27-шакл):

27-шакл. Дарслик ва китоб (манба) билан ишлаш методининг йўналишлари

Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларини дарслик ва бошқа ўқув материаллари билан бирга хилма-хил қўшимча адабиёт, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, шунингдек, газета-журнал материалларидан фойдаланишга ўргатиб бориш лозим.

Таълимда кўрсатмалилик методининг қуйидаги турларидан фойдаланилади (28-шакл):

28-шакл. Кўрсатмачилик методининг турлари

Намойиш этиш ҳамда экскурсия ўқувчиларнинг ўқув материалларини аниқ образлар воситасида бевосита идрок қилишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Намойиш этиш методи ўқитувчи томонидан баён қилинаётган илмий-назарий билимларнинг ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши учун уларнинг сезги органлари - эшитиш, кўриш, ҳид ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектга алоҳида-алоҳида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар қилишга имкон беради.

Намойиш этиш методи мавзунинг хусусиятига кўра қуйидаги икки кўринишда қўлланилади (29-шакл):

29-шакл. Намойиш этиш методининг асосий кўринишлари

Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Восита
муайян ўқитиш методи ёки усуллардан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материалидир.
Таълим воситалари асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари, ахборот ва техник воситалар (қурилмалар), кўрсатмали қуроллар, рамзий белгилар, дарслик, ўқув қўлланмалари, радио, телевидение ва компьютер ва ҳоказолардан иборат.

Таълим жараёнида ўқитиш воситаларидан фойдаланиш - дарс жараёнида табиий ёки тасвирий кўргазмали материаллар (предмет, схема, диаграмма, сурат ва бошқалар; лаборатория ёки намойиш этишга асосланувчи машғулотлар жараёнида қўлланиладиган асбоб-ускуналар, ўқув

қуроллари, микроскоп ва бошқа аппаратлар, шунингдек, мавзуга оид далиллар (цитата, таъриф, қоида, формула ва бошқалар)нинг қўлланилишини англатади.

Педагогик технологияларни қўллаш метод ва воситалари

Педагогик технологияни амалга оширишда таълим мазмунига таянган ҳолда маълум метод ва воситалар қўлланилади.

Педагогик технология методларининг қўлланилиши қуйидаги омиллар:

ўқитишнинг фаол методлари;
педагогик техника ва педагогик ишлаб чиқариш асослари;
таълим жараёнини индивидуаллаштириш;
илғор педагогик тизимларни лойиҳалаш;
таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш;
модулли таълим технологиялари;
педагогикада инновацион жараёнлар;
педагогик меҳнатни ташкил этишнинг илмий асослари;
педагогик тест ва стандартлар;
ўқувчилар ва ўқув муассасалари рейтинги (шунингдек, ўқув режалари ва дастурлари); ишбилармонлик ўйинлари;
ўйин техникаси ва маданияти услубларига боғлиқ.

Педагогик энциклопедияда изоҳланишича,

Таълим методи
ўқитувчи ва ўқувчининг таълим мазмунини ўзлаштиришга қаратилган ўзаро алоқадор, маълум кетма-кетликдаги фаолияти тизимидир.
Уларнинг ўзига хос белгилари қуйидагилардир:
мақсад, ўқув жараёни субъектининг ўқув материалини ўзлаштириш усуллари ва шакллари.

Таълимнинг фаол методларига хос илк белгилар XIV-XVI асрларда намоён бўлган. Буюк гуманистлар - Ф.Раб-

ле, М.Мантень, Ф.Беконлар билимларни тайёр ҳолда узатилган маълумотлар асосида эмас, балки

амалий тажриба, мунозара

орқали мустақил ўзлаштиришни тавсия этганлар.

Кейинчалик таълим методлари Я.А.Коменский, И.Г.Песталоцци, Ф.А.Дистервег, Дж.Дьюи, К.Д.Ушинский, П.Ф.Каеровлар томонидан ривожлантирилган. Улар дидактикада илғор, яъни,

билимларни мустақил равишда ўзлаштириш

ғоясини илмий жиҳатдан асослаганлар.

П.П.Блонский, С.Т.Шацкий, П.М.Керженцев, А.К.Гастов, М.М.Рубинштейн ва бошқалар эса таълимнинг суст методларини инкор этиб, таълим жараёнида фаол методлар

тадқиқотчилик, амалий, лаборатория, эвристик ҳамда мантиқий методлар

кабиларни қўллашга даъват этишган.

Таълим жараёнида фаол методларни қўллаш ғояси XIV асрда илмий асосланган бўлсада, у 1950 йиллардагина

"узлуксиз таълим"

тушунчасининг қўлланилиши билан ўзининг амалий ифодасига эга бўлди.

Бугунги кунда инновациялардан

муаммоли ва ахборотли маъруза, визуал ўқитиш (икки нафар турли фан ўқитувчилари муайян кетма-кетликда бир мавзу бўйича дарсларни ташкил этадилар) ҳамда **матбуот конференцияларидан**

фойдаланиш тажрибаси асосида иш кўрилмоқда.

Фаол таълим методларининг тадқиқотчилари (И.Д.Зверев, М.И.Махмутов, Ю.К.Бабанский) таълим методларини қуйидаги уч гуруҳга ажратадилар:

Таълим методларининг гуруҳлари:
оғзаки методлар;
кўргазмали методлар;
амалий методлар.

Таълим методлари услублардан таркиб топади. Айни вақтда педагогикада қуйидаги фаол метод ва услублар қўлланилмоқда:

1. Микротаълим (ўқув материали бўлимларининг кичик қисмларини маълум кетма-кетликда ишлаб чиқаришга татбиқ этиш). Мазкур таълим тарафдорлари кўп қирралиликни дарс кириш қисмининг муҳим элементи сифатида тавсия этадилар.

2. Таълимнинг модул технологияси (баённинг дидактик бирлиги ва тест). Дидактик бирликка қўшиш, кўпайтириш, конспектлаштириш, сана ва сўзларни эсда сақлаб қолиш услублари, тест ўтказиш, оптималлаштириш ва бошқалар киради.

3. Мавзулар мазмунига мувофиқ **билимларни мажмуалаш** (биринчи дарс – ахборотли, иккинчи дарс - муаммоли, учинчи дарс - амалий, тўртинчи дарс - мустаҳкамлаш (тест ўтказиш тарзида)).

4. Илғор воситалар ёрдамида **ўқув матнларини қисмларга бўлиб** (муайян кетма-кетликда, узлуксиз) ўрганиш.

5. **Ишбилармонлик ўйинлари** (масалан, "Лабиринт", "Муаммолар майдони" ва бошқалар)ни қўллаш.

6. **Муаммоли таълим методлари** (ўзлаштирилиши зарур бўлган билимлар ҳажмини аниқлаш – муаммолар таҳлили – фанлараро алоқаларни ўрганиш – муаммоларни мустақил ҳал этишга тайёрлаш).

7. Мавжуд муаммоларни ҳал этувчи **вазиятли таҳлил** ("вазият-тасвир", "вазият-баҳо", "вазият-муаммо", "вазият–машқ").

8. **Педагогик тренинг** (тез ўқиш ва ёзиш машқи, фикрлаш техникаси, графология, мимика, тақлид ва пантомимика услубларини эгаллаш).

9. Ўқувчилар фаолиятини **рейтинг асосида баҳолаш.**

10. **Педагогик квалиметрия** (ўқувчини ЭҲМ воситасида тестдан ўтказиш).

11. **Дастурли таълим.**

12. Ўқув предметлари бўйича яратилган **аудиовизуал курс дастурлари** асосидаги таълим.

13. **Педагог фаолиятини илмий асосда ташкил этиш.**

Педагогик технологиялар таълим воситаларини бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишларда қўллаш имконини беради. Айни вақтда "Аппарат—матнлар" тизими (видеокитоблар, ўқув дисклари, мусиқали альбомлар ва бошқалар)дан оммавий равишда фойдаланилмоқда.

Таълим лойиҳаларини яратиш педагог-технолог ва методистларнинг касбий маҳоратларини оширишга ёрдам беради.

"Буюртма ⟶ восита ⟶ услуб ⟶ ёндашув ⟶ таълим тури" тизими кинопроектор, ўқув магнитофони, радио ва телевидение, лингофон хонаси, автоматлаштирилган таълим тизимлари, мультимедиа ва гиперматнли таълим турларининг интеллектуал тизими ёрдамида ўзлаштирилади.

Янги таълим турларининг шаклланиш сабаблари ҳамда илғор ўқув воситаларининг самарадорлигини ўрганиш улар ўртасида ўзаро бирлик мавжудлигини кўрсатди. Бу бирлик моҳияти нуқтаи назаридан қуйидаги механизмга асосланади:

Янги таълим турлари ва илғор ўқув воситалари ўртасидаги ўзаро бирлик механизми:

ижтимоий заруриятнинг юзага келиши;
таълим тизимига жамият томонидан ижтимоий буюртманинг берилиши;
илғор ўқув воситаларининг яратилиши;
илғор ўқув воситаларини қўллаш технология (усул)ларининг асосланиши;
таълим тамойиллари (янги дидактик қоидалар) тизимининг яратилиши.

Сўнгги йилларда амалиётда К.Керр томонидан тавсия этилган қуйидаги фаол таълим методлари самарали қўлланилмоқда:

Таълимнинг янги воситалари қуйидагилардан иборат:



Демак, педагогик технологиялар таълим воситаларининг янги авлоди ва турлари сифатида намоён бўлади.

Таълим муассасаларининг ижтимоий–иқтисодий ресурслари бир–биридан фарқ қилади. Шу боис барча таълим муассасаларида ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни татбиқ этишга бир вақтда эришиш мумкин эмас. Бу йўлда ижобий натижаларни қўлга киритиш қуйидаги шароитларнинг мавжудлигини тақозо этади:

1) ишга яроқли воситалар ва нотўлиқ аппарат қисмларини таъмирлаш;
2) янги таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва турли фан йўналишлари бўйича яратилган ўқув матнларини таржима қилиш қобилиятига эга бўлган маҳоратли педагог-технологларни тайёрлаш;
3) таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш жараёнида педагоглар дуч келаётган қийинчиликлар, шунингдек, "фаолиятсиз фикрлаш" сабабларини ўрганиш ва бартараф этишга эришиш.

К.Р.Брансон (АҚШнинг Флорида университетидаги Педагогик технология маркази директори) педагогик технология назарияси шаклланишининг тарихий асосини шундай белгилайди: ибтидоий жамоа тузумининг илк даврларида билимларни етказиб беришда оғзаки усуллар кенг қўлланилган. Бу усул қуйидаги тўрт элементни ўзида мужассамлаштирган:

Билим - тажриба – ўқитувчи – ўқувчи

Ушбу парадигма таълимнинг индивидуаллаштирилган шакли деб номланади.

Таълимни жуфтли ёки гуруҳли шаклларда ташкил этиш ғояси эса XII асрда илгари сурилган бўлиб, XX асрнинг охирида ушбу ғоя негизида қуйидаги:

Билим – тажриба – ўқувчи

модели шаклланди. Бу модел моҳиятини ёритувчи парадигма гуруҳли деб номланиб, у таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти доирасида ўз-ўзини англаш, вақтнинг самарали ўтишига эришиш, қайта алоқа сифати ва сонини орттириш, дидактик материаллар сифатини яхшилаш, ўз-ўзини бошқариш тизимини кенгайтириш, ривожланган таълим тизимини жорий этиш, янги курсларни лойиҳалаш, ўқув режаси мазмунини такомиллаштириш, таълим субъектларининг ўқув имкониятларини орттириш, шунингдек, улар фаолиятини баҳолашда қулай воситалардан фойдаланишга хизмат қилади.

Замонавий педагогик технологияга асосланган янги парадигманинг моҳияти интерфаол таълимни кенг қўламда ва мавжуд имкониятлар асосида йўлга қўйишдан иборат. Унга кўра, ҳар бир таълим олувчи ўқув ахборотларини уч манба:

1) ўқитувчи ёрдамида,

2) маълумотлар базаси (муайян фан бўйича ёки ўқув доирасида) ёрдамида;

3) ўқувчилар гуруҳи (улар билан ўзаро фаолиятни ташкил этиш) ёрдамида эгаллайди.

Педагогик технология моделида қуйидаги парадигма акс этади:

1) муаммони қўйиш;
2) кузатиш ва тажриба асосида далиллар тўплаш;
3) далилларни шарҳлаш ва илмий фаразларни илгари суриш;
4) тестлар ёрдамида, назарий ғояларни амалиётга татбиқ этиш йўли билан илмий фаразларнинг ҳаққонийлигини текшириш;
5) хулоса ва тавсиялар тайёрлаш.

Роберт Томаснинг фикрича (АҚШ, Калифорния университети), педагогик технология элементлари орасидаги муносабат уни қўллаш соҳасига оид моделда ифодаланиши мумкин.

Педагогик технология мазмунида:

- бошқарув вазифаси (менежмент);

- жорий этиш (ривожланиш);
- таълим воситаларини ишлаб чиқариш вазифалари акс этади.

Олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар натижасида шаҳар мактабларида қишлоқ мактабларига нисбатан замонавий технологияларни қўллаш даражаси анча юқори эканлигига гувоҳ бўлинди.

Педагогик технология педагогик жараённи ташкил этишда яхлит таълим ёки маълум таълим доирасида билимларни пухта лойиҳалашга шароит яратади.

М.Эраут (M.Eraut - Оксфорд, 1985 йил) томонидан яратилган ўнта томдан иборат "Халқаро педагогик энциклопедия"да қуйидаги замонавий педагогик технология концепция (парадигма)ларининг мажмуи тақдим этилади:

Педагогик технология концепцияларининг амалий аҳамияти

Режалаштириш	Ўзлаштириб олиш ва мослашиш	Таълимни ривожлантириш учун
Тавсифлаш ва амалиётда жорий этиш	Таълим учун аҳамиятсиз муҳандислик қурилишларида қўллаш (аудиовизуал таълим)	Замонавий педагогик техника ва педагогик амалиёт (ўқитувчи педагог-технолог сифатида)
Истиқбол амалиётини олдиндан кўра билиш	Юқори замонавий аппаратларни кенг қўллаш, техника ва моделларни ташкил этиш (педагогик келажак)	Тадқиқот ва ривожланишда йирик инвестиция натижаларига эришиш (технологик тадқиқот ва амалий фан)

Тақдим этилган концептуал педагогик технология (парадигма) аудиовизуал таълимнинг янги моделлари (дастурли, мультимедиал ва б.ш.)ни қўллашни тарғиб этади. Тизимли ёндашув доирасида Р.Хайник қуйидаги иккита парадигмани тақдим этади, яъни:

Дж.Брунер томонидан илгари сурилган парадигма моҳияти "Муайян фан маълум билимни етарли даражада тўлиқ шаклда ифода этиши мумкин"[1].

Бизнинг фикримизча, парадигма моҳияти ўқувчининг ёши ва имконияти мураккаб билимлар мазмунини тушуниши учун етарли бўлади.

Педагогик технология типологияси:

таълимнинг очиқ, масофали, глобал, ҳамкорлик, сиртқи, шаклли ва шаклсиз, форматив ва ҳоказо каби шаклларидан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Ушбу шакллар ривожлантирувчи, дастурли, муаммоли, интенсив, алгоритмланган, кибернетик, компьютерли, медиа таълим ва бошқа методлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

[1] Брунер Дж. Процесс обучения. – М Изд-ва ДПН РСФСР, 1962. - с 50.

Таълим муассасасидан ташқарида очиқ, масофали, билвосита ва глобал шакллардаги таълим ташкил этилади.

Очиқ ва масофали таълим (сиртқи варианти сифатида) олий маълумотга эга бўлишни хоҳловчиларнинг истакларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этди.

Айни вақтда Америка, Англия ва Канада мамлакатларининг айрим университетларида "уйдан чиқмасдан" таҳсил олиш ва таълимни якунлаганлиги тўғрисидаги дипломга эга бўлиш мумкин. Анъанавий сиртқи таълимдан фарқли равишда бу таълим компьютер хизмати (модем, таълимий видеодастур, тест ва бошқалар)дан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда жаҳоннинг 30 мамлакатида жойлашган 700 дан ортиқ университет ва коллежларда масофавий таълимни ташкил этишда катта тажриба тўпланган.

Индивидуаллаштирилган таълим табақалаштирилган, очиқ, дастурли, масофавий, автоматлаштирилган ҳамда модулли таълим шаклларида йўлга қўйилиши мумкин.

Масофавий таълим иккинчи мутахассислик ёки учинчи олий таълим олишни хоҳловчилар учун қулай имкониятларни яратади.

Россияда масофавий таълим маркази 1992 йил майда РФ олий мактаб қўмитаси ва Нью-Йорк штати университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Очиқ таълим йўналишларидан бири муқобил таълим ғоясидир. Ушбу тизим образини АҚШ ва Англияда К.С.Махмурян тайёрлаган.

Тизим муқобил равишда мактаб ва уй таълимини олиш ўртасидаги фарқларни ёритади.

Муқобил таълимда қуйидаги ҳолатлар илгари сурилади:

1. Эркин мактаблар (уларда 30 нафар ўқувчи, 2 нафар ўқитувчи иштирок этади, асосий эътибор табақалаштирилган таълимнинг ташкил этилишига қаратилади, ўқув фанларининг қайси даврда ва қандай ўқитилишини ўқувчиларнинг ўзлари белгилайдилар).

2. "Очиқ мактаб" (таълим методикасига шаклсиз ёндашув, ўқув материалларининг хилма хиллиги, қизиқишига қараб дарсларни танлаш).

3. "Деворсиз мактаб" (таълим театр, музей, суд зали, кўргазма, лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш устахоналарида ташкил этилади, билимларни назорат қилиш эса таълим муассасасида амалга оширилади).

4. "Мактаб ичида мактаб" (асосий ўқув юкламасининг маълум қисми ҳисобидан ташкил этилган кичик ёки йўлдош мактаблар).

5. Таълим марказлари (касбий (ёки меҳнат) таълими, шунингдек, табиий фанлар (кимё, физика) мутахассислари бўйича ташкил этилган таълим муассасаси).

6. "Магнит мактаб" (таълим саноат корхоналари ва олий техника таълим муассасалари ҳамкорлигида белгиланган мутахассисликлар бўйича ташкил этилади).

7. "Очиқ университет" (Англияда 1969 йилда катта ёшдагилар учун бакалавр даражасини бериш мақсадида ташкил этилган, уларда ёши 21 дан катта бўлган шахслар таълим оладилар).

8. "Эркин университет" (АҚШ ва Англияда XX асрнинг 60—йилларида ташкил этилган бўлиб, унда истаган шахс бепул таълим дастури бўйича билим олади. Дастурга мувофиқ таълим олувчи имтиҳонларга келмаслиги мумкин, бироқ педагогик ишлаб чиқариш малакаларини эгаллаши шарт. Таълим даври - малака ошириш институтларида бўлгани каби 6-8 ҳафта.

Юқорида баён этилган фикрларга кўра педагогик технология ривожланишининг ифода этувчи концептуал педагоготехнологик ғояларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

Педагогик технология ривожланишининг концептуал педагоготехнологик схемаси

№	Таълим воситалари	Таълим усуллари	Таълимга ёндашувлар	Таълим турлари
1.	Мувофиқлаштирилмаган	Гуруҳли	Тизимсиз	Оғзаки
2.	Мувофиқлаш тирилган, мослаш тирилмаган	Жуфт-гуруҳли	Технологик	Аудио-визуалли
3.	Машиналаштирилган, мослаштирилган	Индивидуал-гуруҳли	Тизимли	Дастурли
4.	Интерфаол	Индивидуал, автоматлаш тирилган	Кўпқиррали	Мультимедиал
5.	Интеллектуал	Индивидуал, автомат лаштирилган, оммавий	Гипер-матнли	Гипер-медиали

Педагогик технологиялар татбиқи

Маълумки, ҳар қандай технология таълимнинг янги мазмунини шакллантирувчи таълим тамойилларига асосланади ва таълим олувчи шахсини тарбиялаш, унда меҳнат ва муайян йўналишларда касбий кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилади. Таълим жараёнининг фаол субъектлари ўқитувчи ва ўқувчилар бўлиб, уларнинг ҳамкорлик-

даги фаолиятлари муайян мавзу (ёки фанлар асослари) бўйича кам куч ва вақт сарфланган ҳолда назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини берувчи жараённинг умумий моҳиятини тавсифлайди.

Ўқитувчининг фаол, самарали фаолият кўрсатишига йўналтирилган таълим жараёнининг методик ишланмасидан фарқли равишда, таълимнинг педагогик технологияси таълим олувчиларга қаратилади, шунингдек, уларнинг шахсий ва ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалини ўзлаштиришга шароит яратади. Педагогик технологиянинг етакчи муаммоси талаба шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборатдир.

Педагогик технология турини танлаш дарс ва машғулотда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни назарда тутилганига боғлиқдир.

Таълим-тарбия жараёни бутун машғулот давомида ўқувчиларнинг фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда ривожлантириб бориш мақсадини кўзда тутади, ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология талабаларни ўқув ёки ўқув ишлаб чиқариш фаолиятига тезкор жалб қилиш имконини беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ёки аниқ натижани кўзланмаган топшириқлар машғулотнинг самарасиз якунланишига олиб келади.

Бундай ҳолатлар аксарият вазиятларда ўқитувчининг ўқувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига шароит яратади. Натижада ўқувчи ортиқча ҳиссиётларга берилади, уни билим олишга ундовчи рағбат пасаяди, ўқишдан "кўнгли совийди" ҳамда ўқув предмети ва ўқитувчига нисбатан салбий муносабатда бўла бошлайди. Ўқитувчи ва талаба орасидаги муносабат инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этилиб, нохуш ҳиссиётларни бартараф этишга йўналтирилиши лозим. Ўқитувчи билан талаба орасидаги муносабат эришилган ютуқлардан завқла-

ниш, ўқув фаолиятига масъулиятли ёндашиш ҳамда ўзаро ҳамкорликда ижодий фаолиятни йўлга қўйишга ундаши керак. Бу эса педагогик таъсирни ташкил этиш учун зарур бўлган ўзаро алоқа воситаси, "кўприк"ни вужудга келтиради.

Педагогик муносабатнинг таркибий қисми бўлган мулоқот (коммуникатив фаолият) жараёни қуйидаги босқичларда йўлга қўйилади:

педагогик жараённи андозалаштириш;
ўқувчилар гуруҳи билан мулоқотга киришиш;
бевосита мулоқот (коммуникатив ҳамкорлик)ни ташкил этиш;
ривожлантирувчи педагогик жараёнда мулоқот жараёнини бошқариш;
педагогик жараёнда мулоқот тизимига муайян ўзгартиришларни киритиш асосида қайта андозалаштириш

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти асосида таъсир этишни ҳам ўз ичига олади. Кенг тарқалган мулоқот ёки таъсир методлари қуйидагилардан иборат:

ишонтириш;
исботли натижаларга асосланиш;
бевосита ҳамда билвосита таъсир;
ўз-ўзини тарбиялаш;
ўзаро таъсир методлари.

Педагогик технологияни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш ҳисобига таълим жараёни рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимларни амалиётда қўллаш қийин. Бу, айниқса, табиий фанлар бўйича топшириқларни бажаришда намоён бўлади. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг бевосита фаолият кўрсатишлари ҳамда ўқитувчи томонидан бошқарувга асослан-

ган педагогик технологияни қўллаш талаб этилади.

Педагогик технология турларини танлаш шакллана-ётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарсларнинг шакли, қўлланилаётган методлар ва методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда анъанавий дарс шакллари билан бирга конференция дарси, ишчанлик ўйинлари, интеграл (икки компонентли) дарслардан фойдаланиш лозим. Мазкур вазиятда таълим методлари таълим мақсади (билимларни турли вазиятларда қўллашга йўналтирилган топшириқлар, янги шароитда фаолият кўрсатишга ундовчи топшириқларни бажариш, ўзлаштирилган билимлар асосида схемалар тузиш, уларни таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва бошқалар) билан мутаносиб бўлиши керак.

Етарли даражадаги рағбат ва ўқувчилар фаолиятини самарали ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга эришилмайди. Педагогик жараённинг самараси бу жараённи ташкил этиш ва бошқариш йўлларини тўғри танлаш билан таъминланади.

Педагогик технологияни бошқариш ўзида қуйидаги икки йўналишни мужассамлаштиради:

1) фаолиятни бошқариш;

2) ўқувчилар жамоасини бошқариш.

Муайян педагогик технологияни танлаш дарс ҳолатини ўзгартиришнинг вариантли чораларини кўришни тақозо қилади.

Юқорида таъкидланганидек, педагогик технология шахсни ривожлантиришга имкон беради.

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг етакчи тамойиллари:
инкорпорация *(тизимли фаолият кўрсатиш) - турли фанларга оид билимларни умумлаштириш;*
мосланувчанлик *- таълим шакли, методи ва усулларининг турли таълим муассасаларида қўлланувчанлиги;*
уйғунлик *- муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсни ривожлантириш шакл, методи ва усуллари билан уйғунлиги;*
яратувчанлик *- турли таълим муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари;*
табиийликка асосланиш *- генетик ва ижтимоий жиҳатларга мувофиқ ўқувчиларнинг ўзига хос, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.*

Маълумки, таълим-тарбия жараёни ўзида учта ўзаро алоқадор учлик - таълим, тарбия ва шахс ривожланишини акс эттиради. Мазкур учликни таълим жараёнига баробар татбиқ қилиш модул технологияларини қўллашни осонлаштиради.

Модул технологияларининг афзалликларидан бири таълим мазмунини тартибга солишдир.

Ушбу технология моҳиятига кўра мавжуд ахборотларнинг ўқувчилар фаолиятини Давлат таълим стандартлари доирасида етарли даражада муваффақиятли амалга оширириш имконини берадиганлари танлаб олинади

Модул технологиясининг моҳияти таълим жараёнини модуллар (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш) асосида лойиҳалаштиришдан иборатдир. Сўнгра ажратилган ҳар бир модул бўйича

шу модулнинг ўзигагина тааллуқли бўлган фаолият мазмуни ва таъсири доираси белгиланади. Модул технологияси мақсадини рўёбга чиқариш учун модул босқичма-босқич амалга оширилади. Ушбу жараёнда содир этилаётган ҳар бир ҳаракат (қўйилаётган қадам) ўқув элементи сифатида қаралади.

Ўқув элементи ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

фаолиятнинг аниқ элементларини ўргатиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ахборотлар,
таълим учун зарур бўлган фаолиятни таъминловчи материаллар ҳақидаги маълумотлар,
мақсадлар идентификацияси (таълим олувчиларни ҳаракатлантирувчи мақсадлар),
ўқув материаллари,
ўқув шароитини назорат қилиш инструментлари (ўқувчиларнинг кўзланган натижаларга эришишлари учун зарур бўлган шарт—шароитлар, тестлар, мақсад эталони ва бошқалар).

Таълим технологияси жараёнининг умумий мақсади қуйидаги даражаларда ойдинлашади:

1. Таълим муассасасининг мақсади ҳамда ўқитувчи ва унинг методик фаолияти идентификацияси.
2. Ўқув предмети (бўлим)нинг мақсади, ўқитувчи ва унинг методик фаолияти идентификацияси.
3. Модул (ўқув элементи) мақсади ва ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорликдаги фаолияти модули, унинг ташҳис қилинадиган охирги натижалари.

Режалаштиришнинг анъанавий методларидан таълим технологиясига ўтиш кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни тақозо қилади. Жумладан, методик мажмуалар яратиш, таълим жараёнини дидактик, методик ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш назарда тутилади. Модул тех-

нологиясини ишлаб чиқиш тартиби қуйидаги кетма-кетликдан иборат босқичларни ўз ичига олади (30-шакл):



30-шакл. Модул технологиясининг асосий тамойиллари

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг **аналитик** босқичида Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва кадрлар тайёрлашнинг Миллий модели, ўқув предметлари бўйича яратилган Давлат таълим стандартлари, уларда илгари сурилган ғоялар асосида чиқариладиган хулосалар, ёш авлодни баркамол шахс этиб шакллантиришга йўналтирилган таълим мазмуни ҳамда маълум машғулотнинг умумий, аниқ мақсадига эришиш учун таълимнинг ташкилий шаклини танлаш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишнинг **концептуал-педагогик** босқичида таълим концепциялари, таълим тизими босқичларида назарда тутилган асосий ғоялар, умумий хулосалар ҳисобга олинади. Модулнинг таркибий тузилиши умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, бакалавриат, магистратура, умуман социумнинг таркиби сифатида ифодаланади. Бу, айниқса, босқичли таълим тизимининг алоҳида элементлари учун характерлидир.

Педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишнинг мақсадли босқичида таълим муассасаси (умумий ўрта таъ-

лим муассасаси, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, институт ёки университет)нинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсади, таълим соҳалари ва шу блокдаги алоҳида олинган ўқув предмети таркибидаги аниқ бир блокнинг ифодаланиши ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни амалда қўллашнинг мазмунли босқичида таълим соҳалари, муайян блок тизимидаги ўқув предметлари мазмунини танлаш тамойиллари, алоҳида элементлар, яъни, аниқ ўқув идентификацияси ўқув предметлари моҳиятини ёритувчи йирик мавзуларда акс этиши керак.

Педагогик технологияни амалда қўллашнинг жараёнли босқичида ўқитувчининг вазифалари, шунингдек, ўқувчилар томонидан ўқув фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган таълим тури, таълим методлари намоён бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг демократик тамойил, самарали усул, ташкилий шакл ва таълим воситаларининг танланишига алоҳида урғу берилади.

Фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш концепциясига асосланиб, ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг қуйидаги мантиқий кетма-кетлигини асослаш мумкин: дастлаб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартлари таҳлил этилади. Сўнгра, таълимнинг самарали методлари ҳамда ўқувчилар билиш фаолиятини бошқариш тизими ишлаб чиқилади, таълим воситаларининг рўйхати тузилади. Ҳосил қилинган метод ва таълим воситаларининг яхлит тизими ташкилий шакллар билан уйғунлаштирилади, яъни, муайян технология ишлаб чиқилади.

Умумлашган педагогик технологиялар маълум психо-педагогик асосларда қурилган "синтетик назария" сифатида қаралади. Амалий педагогик технологиялар олдиндан режалаштириган натижага эришиш мақсадида тайёргарлик

жараёнини лойиҳалаш муаммосини методик жиҳатдан ҳал этишга йўналтирилади.

Шундай қилиб, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнининг педагогик технологияси ўзида таълим мақсади, мазмуни, шакл, методлар ва воситалар тизими, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари ҳамда якуний натижага эришишни таъминловчи мажмуани мужассамлаштиради.

Шахсни фаоллаштиришга йўналтирилган таълим технологиялари

Таълимни модернизациялаштириш таълим жараёнида билим, кўникма, малакаларни шакллантириш билангина ҳал бўлиб қолмайди. Ўқувчи шахсининг мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис этиш, танқидий фикрлаш каби сифатлар билан боғлиқ функциялари таълимнинг шахсга йўналтирилган тизими воситасида амалга оширилади.

Бунда ўқувчи таълим тизимига мослаштирилмай, аксинча, таълим тизими турли шахсга хос барча хусусиятлари (эркинликка интилувчанлик, мустақиллик, шахсий фикрларнинг мутлоқ ўзига хос тизимга эга бўлиши, ўз-ўзини тасдиқлаш эҳтиёжининг мавжудлиги ва бошқалар)ни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчига унинг ўзига хослиги (индивидуаллиги)ни ривожлантириш имконини бериш, унинг ўз-ўзини ривожлантириши, намоён этиши учун шароит яратиш лозим. Зеро, ҳар қандай ўқувчи ўзига ва фақат ўзигагина хос такрорланмас табиати, характер хусусиятини фаоллаштириш ва намойиш этишга интилади.

Таълимда ўқувчи шахсига фаолиятли ёндашув бу тизимнинг концепциясини ташкил этиб, бунда шахс "субъекти" категорияси эркинликка интилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, яхлитлик, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш ва фаоллаштириш хусусиятлари асосида англашилади, ўқув жараёни ҳамда унинг таркибий қисмла-

ри - мақсад, мазмун, метод, шакл, усул, воситалар ўқувчи учун шахсан аҳамиятга эга бўлган, унинг шахсий тажрибаси маҳсули сифатида татбиқ этилади.

Таълим—тарбия асосида шахснинг интенсив ривожланиши, моддий—маънавий қадриятларни ўзлаштириши фақат унинг шахсий фаолияти натижасида амалга ошади.

Агар ўқувчи ўқув фаолияти моҳиятини англай олмаса, ўқув мақсадини тан олмайди, ўқитувчи қўйган вазифаларни тушунмайди ва қабул қилмайди, у томонидан содир этиладиган барча хатти-ҳаракатлар мажбурият ва таъзиқ остида содир бўлади, унинг билимлари расмий характерга, педагогнинг фаолияти эса расмиятчилик мазмунига эга бўлади. Билим уларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган фаолият натижасидагина шаклланади. Бу дарслик мазмунидан баъзи илмий маълумотларни шунчаки кўр-кўрона ёдлаб олиш бўлмай, балки ўқувчининг шахсий, субъектив тажрибасига асосланган ҳақиқий билимлар бўлади.

Инсон онги ҳамиша субъектив моҳиятга эгадир. Ўқувчи муайян билимларга нисбатан бефарқ бўлмай, билимлар унинг учун шахсий мазмунга эга бўлсагина пухта ўзлаштирилади. Ўқитувчи бунга ўқувчида ўқув предметига нисбатан қадриятли, ижобий субъектив муносабатни таркиб топтириш натижасида эришади.

Ўқувчининг руҳий хусусиятларини ўрганиш ўзлаштирилаётган билимларнинг ўқувчига шахсан қизиқарли ва керакли бўлиши зарурлиги, акс ҳолда улар шубҳасиз рад этилишини кўрсатади. Бу ҳолат образли ифодаланса, индивидуал тафаккурда билимлар субъективлашади, ўзига хос индивидуал жиҳатларга эга бўлади. Тескари жараёнда индивидуал тасаввур ва шахсий фикрлар объектив аҳамият касб этар экан, билимлар турли нуқтаи назарларнинг тўқнашуви, баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият натижасида ўзлаштирилади, бу эса ўқув жараёнини ноанъанавий усулда ташкил этишнинг муҳим шакллари

(баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорлик)ни талаб этади.

Шундай қилиб, фаолият шахс ривожланишининг асосий субстанцияси ҳисобланади. Шахс фаолияти унинг ички ҳиссиётлари билан боғлиқ. Шахс мотив, ҳиссиёт ва шахсий фикр воситасида намоён бўлади.

Ўқитувчи ўз дарсида ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилувчи усуллардан фойдаланиб шундай шарт-шароитларни таркиб топтириши лозимки, натижада ўқувчи учун дастлаб нейтрал бўлган объект кутилмаганда субъектив хусусият касб этсин.

Ўқув материали мазмуни аввал ўқитувчи томонидан ижодий қайта ишланади ва ўқувчини қизиқтирадиган, унинг шахсий тажрибасига мос келадиган, уни фикрлашга ундайдиган жиҳатлар белгиланади.

Бир қарашда зерикарли туюлувчи математик ёки географик маълумотлар агар ўқувчи шахсига бевосита таллуқли бўлса, унинг ҳаётий ва шахсий тажрибаларига мувофиқ келса, у ҳолда аҳамиятли хусусият касб этади. Ушбу ҳолатда ўқув вазиятлари шахс учун аҳамиятли вазиятга, ўқув ахборотлари ўқувчи учун муҳим ҳодисага айланади. Ўқувчи ўзини ушбу ҳодисанинг ижодкори деб ҳисоблай бошлайди.

Математик топшириқлар ўқувчи яшаётган хўжаликда қўлланилаётган рентабеллик, ишлаб чиқариш меҳнати, фойда, кредит каби зарур ҳаётий тушунчаларга асосланиб шакллантирилган бўлса, ўқувчи уларни ўзи учун аҳамиятли билимлар сифатида қабул қилади. Ўқувчи ўқитувчи билан ҳамкорликда топшириқни ечиш йўлларини излайди, натижада соф математик ўқув мақсадларига эриша боради. Ўқув фаолиятининг табиий ташкиллаштирилиши туфайли ўқувчи фоиз, пропорция, тенглаштириш асосида топшириқларни ечиш кўникмаларини эгаллайди.

Шахсга йўналтирилган ўқув вазиятлари ўқувчи билиш фаолиятини ташкил этиш усул ва методлари билан

узвий боғлиқ. Бу усуллар

муаммоли-изланиш, тадқиқот, диалогик муносабат методлари (диалог, эвристик суҳбат, мунозара, гуруҳли иш турлари ва бошқалар)дан иборат.

Шунингдек, ўқув машғулотларининг турлари ҳам турличадир. Алоҳида эътибор диалогик муносабат ва тадқиқот-изланиш методларига қаратилади, шунингдек, кўргазмали-тасвирий ва репродуктив методлар ҳам рад этилмайди, албатта.

Ноанъанавий дарслар (ўйин-дарс, театрлаштирилган дарс) билан тадқиқот, изланиш машғулотлари, семинарлар кабилар ҳам ташкил этилади.

Бундай машғулотларнинг мазмуни ва мавзуси бевосита шахс фаолиятига ёндашув концепцияси ва тамойилларига мос келиб, улар бола ички дунёси, тафаккури ва шахсий ҳаётий тажрибасини максимал даражада фаоллаштиришга хизмат қилади. Бу ўринда ўқув фаолиятига рағбат уйғотиш, уни билим эгаллашга йўналтирилса, улар таълимнинг шакл ва усуллари, шахс билими, тажрибаси ва ҳиссиётларининг асосий манбаи сифатида намоён бўлади.

Тадқиқот-изланувчанликка йўналтирилган машғулотлар технологиясида марказий ўринни шахсий вазият эгаллайди, у ўқувчини имкон қадар кўпроқ топшириқларни бажаришга жалб этиб, индивидуал ёки жамоа бўлиб топшириқларнинг жавобларини топишга ундайди.

Бундай машғулотларнинг асосий мақсадларидан бири -топшириқ сифатида қўйилган муаммоларга ўқувчининг ўзи жавоб топишини таъминлашдир. Ўқувчининг жавоблари ўқитувчи ёки ўртоқларининг жавобларига мутлақо ўхшамаса-да, бироқ, ўқувчи ўз жавобидан қониқиш ҳосил қилсин, муаммо ечимини шахсан ўзи топа олганидан ғурурлана олиши муҳимдир.

Анъанавий таълим моҳиятига кўра ўқитувчи томонидан берилган топшириқ ва саволлар ўқувчини ўқитувчи

танлаган, ўзи учун эса мутлақо нотаниш тарзда фикрлашга мажбур қилади.

Аксинча, ўқитувчи ўқувчилар кўз ўнгида топшириқни шакллантирар экан, уларни топқирликка асосланган қизиқарли ечимлар воситасида ечимни топишга ундайди. Бундай машғулотларда қўлланиладиган методлар ўқитувчининг болалар билан ҳамкорлик муносабатларига, ўқувчиларнинг ўз билимларини ўзлари мустақил ривожлантириш, ахборот ва илмий маълумотларга танқидий муносабатда бўлиши, плюрализм ҳамда ўзгалар фикрига ҳурмат билан ёндашиш кабиларга асосланади.

Ушбу технологиянинг асосий жиҳати маълумотларни етказиш ва ўзлаштиришгина бўлмай, балки ўқувчиларда машғулот жараёнида тадқиқот олиб бориш, изланувчанлик кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Тадқиқот-изланувчанлик йўналишидаги машғулотларга хос таълим технологияси қуйидаги алгоритмларга бўйсунади:

1. **Рағбатлантирувчи асос** - шахсга йўналтирилган муаммоли вазиятни юзага келтиришга хизмат қилади. Бундай вазиятни яратишда ўқитувчининг индивидуал ижодкорлиги катта рол ўйнайди. Расм, хотира ёки муайян бир сўз асосида шакллантирилган, ўқувчини жалб этадиган, кутилмаган, ўта сирли ва албатта, шахсга йўналтирилган машғулотлар - тажриба ишлари, фотосуратлар, картиналар намойиши кабилар бунга мисол бўла олади.

2. **Моноконструкция** - топшириқ асосида индивидуал ишлаш (масалан, матн, товуш, модел, бўёқ, шеър, лойиҳа, расм кабилар) натижасида муаммони кўриш, гипотеза яратиш, ечимни (муайян йўлни ҳамда ҳал этиш усулини мустақил танлай олиш, хато қилиш ҳуқуқига эгалик кабилар) топишдан иборат.

3. **Социоконструкция** - кичик гуруҳларда ишлаш. Унга кўра жамоа негизида алоҳида жуфтлик кичик гуруҳлар билан алмашинади (болалар ўзлар хоҳлаб жуфтликка бирлашадилар, ўқитувчининг истагига кўра ёки стихияли

тарзда гуруҳ таркибида ишлайдилар. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга хос психологик хусусиятларни ҳисобга олиши ҳам муҳимдир: масалан, экстро-интровертлик, тафаккур юритиш типлари, лидерлик сифатлари ва ҳ.о.).

4. **Ижтимоийлашув.** Мустақил таълим олиш жараёнида ўқувчининг бевосита ижтимоийлашиши ҳам юзага келади, бу ҳолат ўз навбатида гуруҳни ижодий изланишга илҳомлантиради. У фаол ҳамкорликда фаолият юритиш, шунингдек, индивидуалликни намоён этиш учун қулай муҳитни вужудга келтиради.

5. **Маълумотларни билишга интилиш** бевосита ўқувчилар етарли билим ва кўникмаларга эга бўлмаган шароитда юзага келади. Ўқувчида дарслик, луғат, маълумотнома ва бошқа манбалар билан ишлаш эҳтиёжи туғилади. Улардан мустақил фойдаланиш, тинимсиз фикрлаш ва изланишга бўлган рағбатнинг уйғониши кузатилади. Анъанавий таълимга кўра кўп ҳолларда ўқувчининг ўзи билимларни хоҳлаб эмас, балки мажбуран ўрганади. Ижодий изланиш, ҳамкорликда ишлаш, фикр алмашиш кабилар ўқувчида билимларни ўз хоҳиши ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўзлаштиришга имкон беради.

6. **Рефлекция (сўнгти босқич)** - ўқувчининг шахсий ҳаётий ёндашуви, кечинмалари ва тафаккурида кечаётган ўзгаришларни таҳлил қилиш, ўзининг тафаккур қобилияти, эришаётган ютуқлари, шунингдек, мағлубиятларининг сабабларини билишга интилишдир. Ўқувчи улар тўғрисида муайян хулосаларга эга бўлса, уларни тан олса, ўқитувчи ўқувчининг фикри асосида фаолият юритиш ва янги билимларга йўллашнинг кейинги босқичларини тўғри белгилайди.

Таълимнинг шахсга йўналтирилганлик технологияси анъанавий таълим технологияларидан қуйидагиларга кўра фарқ қилади: "Машғулотнинг асосий мақсади - тафаккур жараёнини ташкил этишдир, билим, кўникма, малакалар - ўқувчи фаолиятининг маҳсули сифатида вужудга келади. Тафаккур жараёнининг қуввати билимлар қувватидан юқори

туриб, у шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш унсури тарзида намоён бўлади, ижодий изланишнинг натижаси каби, мазкур жараённинг ўзи ҳам ўта муҳим бўлиб, айнан у ўқитувчи ва ўқувчини ижодкорлик қувончига, янгилик олишга илҳомлантиради, мустақил изланиш ва ижодий фаолиятни ташкил этишга ундайди. "Ўқитувчи фаолият алгоритмини яратади. Бу эса, ўз навбатида, ижодий тафаккур жараёнини, амалий, шахсий фикрлашни, оламнинг инсон томонидан ҳар томонлама, қониқарли идрок этилишини таъминлайди. "Ўқувчининг субъективлиги амалга ошади: билиш усулини мустақил белгилаш, муаммо ечимини топишда ўз дунёқараши, тафаккур тарзидан келиб чиқиш, хато қилиш ҳуқуқига эгалик таъминланади. Бундай машғулотларнинг асосий қоидаси: "ўзинг билганча бажар, ўз лаёқатинг, қизиқишларинг ва шахсий тажрибангга асослан, ўз хатоингни ўзинг тузат" каби кўрсатмаларда ўз ифодасини топади.

Анъанавий таълим технологиясига асосланган машғулотлар эса аксинча "худди мен каби ёки мендан яхшироқ бажар" қоидасига мувофиқ ташкиллаштирилар эди. "Муаммоли ва шахсий вазиятлар, истисносиз таҳлил ҳамда қаршиликларни енгишга асосланганлиги туфайли ўқувчининг борлиғини намоён қилади, у нималарнидир билгани ҳолда билимлари тўлиқ эмаслиги, ўз шахсий тажрибасига асосланиши лозимлигини англайди. Мустақил фикрни билдиришга бўлган эҳтиёжни, таълимга нисбатан рағбатни ҳис қилади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида шунчаки анъанавий ўзаро алоқадорлик эмас, балки ҳамкорлик муносабати ўрнатилади. Ўқитувчи ўқувчилар билан бирга билиш фаолиятида иштирок этади, топшириқларни бажаради. Одатдаги, кўникиб қолинган тушунтиришлар ўрнини ўзаро ҳамкорлик эгаллайди. "Зарур маълумотларни ўқитувчи оз-оздан бериб боради. Бунда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашлари учун имконият қолдиришга эътибор қилинади. "Ижодий изланувчанлик фаолияти кичик гуруҳларда амалга оширилади. Из-

ланиш натижалари синф ўқувчиларининг барчасига маълум қилинади, барча янги билимларни эгаллаши учун шароит яратилади. Жамоада шахснинг ўз ўрни борлигини англаш, тенгдошларининг ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилиш туйғулари шаклланади. "Анъанавий таълимда ташқаридан кузатилган шахсий фаолиятини қуйи даражада баҳолаш ҳодисаси рўй бермайди, шу боис ижобий ғояларга таянган ҳолда ишлаш муҳити қарор топади. Бу эса ўқувчида таълим олишга рағбат уйғотибгина қолмай, унда билим олиш, бу йўлда тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш зарурлигини англай олиш лаёқатини шакллантиради.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясини қўллашга қадар ҳамда ундан кейин ўқувчиларнинг касбий фаолияти ва ўз ўрниларини англашга оид тасаввурлари ўрганилган вақтда уларнинг қуйидаги тасаввурларга эгаликлари аниқланди: назорат даражаси, англанган назорат, касбий фаолликни эришилган ютуқларнинг омили сифатида қабул қилиш, ўз-ўзига ишонч, тушунтириш услуби, таълим олиш усуллари ва бошқалар.

Демак, таълим ҳар бир ўқувчининг қизиқиши ва билиш қобилиятининг ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнида намоён қилиш имкониятини ярата олиши зарур. Бу ҳолат ўқувчининг билиш объекти ва предмети бўлган шахсий хусусиятларини аниқлаш асосида, унинг шахс сифатида ривожланишини ва ўз-ўзини ривожлантиришини таъминлайди.

II БОБ. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ЛОЙИҲАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Педагогик жараённи лойиҳалаш технологиясининг умумий моҳияти

Лойиҳалаш педагогик жараённи ташкил этиш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминловчи муҳим шартларидан биридир. Педагогик жараённи лойиҳалашда:

1) педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш;
2) натижаларни олдиндан кўра билиш;
3) режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифалар бажарилади.

Бу босқичда ўқитувчининг мустақил, шу билан бирга ўқувчи билан ҳамкорликда ўқув жараёнининг мазмуни, воситаларини белгилаш асосида лойиҳалаштирилган фаолияти етакчи ўрин тутади. Демак,

педагогик жараённи лойиҳалаш
лойиҳа → мазмун → фаолият учлиги асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишдир.

Лойиҳалар предмет ва унинг йўналишига кўра бир-биридан фарқланади. Лойиҳаларда педагог томонидан кетма-кет амалга оширилувчи ва ташҳиснинг қўйилиши билан якунланувчи таҳлилий фаолият; олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш каби ижодий фаолиятлар намоён бўлади. Ташҳис, олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш ҳар қандай педагогик вазифани ҳал этишнинг ажралмас учлиги ҳисобланади. Лойиҳанинг мақсади олдиндан қоғозда тақвим-режа, қисқача ёзма баён сифатида акс эттирилади. Стратегик, тактик ва оператив вазифаларнинг самарали ҳал этилиши лойиҳалаш технологиясининг сифатига боғлиқ.

Педагогик жараённи лойиҳалашда педагогнинг фаолияти, педагогик воситаларни қўллаш мазмуни ва имко-

ниятигина ҳисобга олинмаслиги керак. У асосан алоҳида ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи томонидан ташкил этилувчи фаолият мазмунини ёритиши зарур.

Лойиҳалаш таълимнинг ижтимоий, педагогик мақсадларга таянган ҳолда, педагогик жараённи акс эттирувчи умумий стратегия ҳисобланади. Лойиҳалашда ўқув режаси, дастурлари, дарслик, методик тавсиялар ва бошқа ўқув қўлланмалар муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Педагогик вазиятни тўлақонли англаш ҳамда вазифаларнинг аниқ ва тўғри белгиланиши педагогик жараённи самарали ҳал этишнинг муҳим шартидир.

Педагогик мақсад педагогик жараённи ташкил этишга тайёрланиш босқичида педагогик вазифа сифатида қабул қилинади. Педагогик фаолиятнинг муваффақияти турли вазифалар моҳиятининг бир йўла ёки бирин-кетин англанишига боғлиқ. Педагогик фаолият учун умумий бўлган вазифаларни белгилаб олиш муҳимдир. Сўнгра педагогик жараённинг маълум босқичи моҳиятини аниқ ифодалайдиган босқичли вазифалар (алоҳида олинган босқич вазифалари)-ни, ниҳоят хусусий (вазиятли) педагогик вазифаларни аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқ:

Агар педагогик вазият етарли даражада тўғри англанмаса, у ҳолда педагогик вазифаларни ҳал этиш йўллари ҳам тўғри белгиланмайди. Эндигина касбий фаолиятни бошлаган ўқитувчи тажрибасизлигидан педагогик вазиятни тўғри англаш, вазифаларни тўғри белгилаш малакасига эга бўлмайди. Шу сабабли улар ўзларича йўл тутадилар ва педагогик вазифани дарҳол ҳал этмоқчи бўладилар, натижада жиддий хатога йўл қўйилади.

Аммо, айрим ҳолатларда тажрибали педагоглар ҳам педагогик вазиятни тўғри англашга эътиборсиз қарайдилар. Натижада педагогик фаолиятда номутаносиблик вужудга келади: педагог ўз фаолиятининг педагогик мақсадларнинг ҳал этилишини таъминлай олиш-олмаслигини ўйлаб ўтирмай, ўқувчиларни фаоллаштиради, кўргазмали қуроллардан фойдаланади, билимларни назорат қилади. Педагогик фаолиятнинг яна бир номутаносиблик томони шундаки, кўпчилик педагоглар педагогик вазифаларни иккинчи даражали, функционал, ўткинчи вазифаларга алмаштирадилар ва фақат уларгагина ўз диққатларини қаратадилар (дарсни ташкил этиш, тадбирлар ўтказиш ва ҳоказо - Н.В.Кузьмина).

Педагогик вазифани англаш мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш ва ташҳис қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумотларнинг таҳлили вазият ўрнини аниқлашдан ташқари, бутун педагогик жараёнда тарбиячи, тарбияланувчи ва улар ўртасидаги муносабат ҳамда таълим мазмуни, самарали восита ва педагогик шарт-шароитлар каби асосий таркибий қисмларни аниқлашга йўналтирилган бўлиши лозим.

Маълумотларнинг таҳлили педагогик жараён моҳияти, жамоа ва алоҳида ўқувчилар ҳаракатлари ҳолатини аниқ вазиятларда режали ўрганиш каби илмий далилларга эга бўлишга ёрдам беради. Ушбу далиллар амалий фаолият асосини ташкил этади. Мавжуд далиллар педагог фаолият жараёнининг кечиши ва кутилган натижанинг

кафолатланишини ташҳислашга имкон беради. Бизнинг назаримизда мазкур ўринда "ташҳис" тушунчасининг моҳиятини ёритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ташҳис (грекча diagnostikos – тез англаб олиш) дастлаб тиббиётда қўлланилган тушунча ҳисобланиб, касаллик моҳияти ва бемор ҳолати, унинг ҳар томонлама изчил ўрганилишини англатувчи врач хулосаси сифатида эътироф этиб келинган.

Сўнгги йилларда "ташхис" тушунчаси амалий педагогикада ҳам кенг қўлланилмоқда.

Педагогик ташхис
педагогик жараённи унинг умумий ҳолати, шунингдек, таркибий қисмларини ҳар томонлама, яхлит текшириш орқали баҳолашдир.

Педагогик ташхис одатда педагогик жараённинг психологик, субъектив хусусиятларини инобатга олиш (психодиагностик текширув) асосида қўйилади. Психодиагностик текширув ўқувчи шахси ҳамда унинг фаолиятини яхлит ёки маълум жиҳатларини алоҳида қамраб олишга асосланади. Психодиагностик текширув давомийлигига кўра **тезкор** ёки **давомли** бўлиши мумкин:

Педагогик ташхис

Тезкор ташхис
ўқувчи ёки ўқувчилар жамоасининг руҳий ҳолатини, шунингдек, уларнинг оғзаки ва ёзма жавобларини таҳлил қилишдан иборат

Давомли ташхис
ўқув жараёнининг умумий ҳолати, ўқувчилар хулқидаги камчиликлар, ўқувчилар жамоаси ёки алоҳида ўқувчининг индивидуал хусусиятлари ва ўқув фаолиятининг мазмунини ўрганишдир

Малакали педагогик ташхиснинг зарурияти ўқитувчидан ўқувчи шахсини ўрганиш методлари ва махсус методикаларни, жамоа, шунингдек, яхлит педагогик жараён хусусиятларини чуқур ўрганишни талаб этади.

Ташхис қўйиш таълим (ёки тарбия) мақсад ва вазифаларини ҳал этишнинг умумий талаби ҳисобланади. У мақсадларнинг аниқлиги, бир хиллиги, уларни бажариш усуллари, ўлчаш ва баҳо бериш билан чамбарчас боғлиқ.

Педагогик ташхис асосини ўқувчи шахсини ҳар томонлама билиш, жамоа сифатида синфнинг хусусиятларини ўрганиш, аниқ педагогик вазиятларда маълумотларни таҳлил этиш каби ҳолатлар ташкил этадики, улар таълим жараёнини лойиҳалашнинг кейинги муҳим босқичига ўтиш, яъни, педагогик жараённи олдиндан кўра билиш имконини яратади. Бу ҳолат педагогик мақсаднинг шаклланишига олиб келади ва мақсад асосида пухта ўйланган педагогик вазифаларни белгилаш имконини беради. Шахснинг ривожланиш даражаси таълим мақсадлари билан уйғун бўлгандагина педагогик мақсадга эришмасликнинг олдини олишга эришилади. Яъни, педагогик мақсад педагогик тизимнинг муҳим омили сифатида муаммоларни муқаррар ҳал этади.

Педагогик олдиндан кўра билиш объект ҳақидаги маълумотларни олдиндан ўрганиш жараёни саналади. Бунда объект сифатида синф, ўқувчи, билим, муносабат ва ҳоказолар танланади.

Олдиндан кўра билиш методлари турли-туман бўлиб, ўқитувчи уларни мукаммал ўзлаштира олиши керак. Олдиндан кўра билиш методлари сирасига моделлаштириш, фараз қилиш, синтезлаш, далиллаш, фикрий тажриба ва бошқалар киради.

Ушбу методлар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир. Олдиндан кўра билиш педагогнинг у томонидан педагогик вазифаларни фикран бажаришда қўлланиладиган самарали усулларини фараз қилишида намоён бўлади.

Олдиндан кўра билиш қобилияти ўқитувчига хос бўлган муҳим касбий фазилат ҳисобланади. Гарчи эришиш йўллари мураккаб бўлсада, педагогик фаолият мақсади ҳали амалга ошмаган фаолиятнинг моделлаштирилган натижаси ва педагогик жараён миқдор ва сифат ўзгаришларининг лойиҳаси сифатида акс этади.

Педагогик олдиндан кўра билиш мақсадга интилувчанлик билан боғлиқ ҳолда педагогик вазифаларни аниқлаштиришнинг ва уларни педагогик вазифалар тизимига йўналтиришнинг сўнгги натижаси ҳисобланади. Бунда педагогик ташҳисда ифода этилувчи маълумотлар, яъни, шахс ва жамоанинг қўшимча имкониятлари ва тайёргар-

лиги ҳисобга олиниши керак. Илмий жиҳатдан асосланган олдиндан кўра билиш натижа сифатида педагогик вазифани, педагог ва ўқувчи фаолиятининг мазмунини, мотивация ва қисқа муддатда ҳал этилиши зарур бўлган жиҳатларни синтез қилади. Педагогик вазифа педагог томонидан, аввало, ўзи учун шакллантирилади, сўнгра эътибор ўқувчиларнинг имкониятларига таянган ҳолда педагогик вазифанинг ҳал этилишига қаратилади.

Малакали педагогнинг вазиятни олдиндан кўра билиши ва мақсадга интилиши таълим жараёнини педагогик лойиҳалашнинг асосини ташкил этади.

Педагогик лойиҳалашда педагогик вазифанинг яхлит ҳолда мазмунан, ташкилий–методик, моддий–техник ҳамда ижтимоий–психологик (ҳиссий, коммуникатив ва ҳ.о.) жиҳатдан ҳал этилишини таъминлаш талаб этилади.

Педагогик жараённи лойиҳалаш босқичида педагог дуч келадиган биринчи муаммо - бу педагогик фаолият мазмунини лойиҳалаш саналади.

Ўқув дастури ёки ўқувчи шахси таълим мазмунини лойиҳалашнинг асоси бўлиб, бу вазиятда ўқитувчи педагогик фаолият, мақсад ва шароитларга мувофиқ ҳолда ўқувчиларга нимани тақдим этиш хусусида мустақил қарор қабул қилади. Қарор қабул қилиш жараёнида қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

1) ўқувчилар тавсия этилаётган маълумотдан нимани ва қандай ҳажмда ўзлаштиришлари зарурлиги;

2) ўқувчиларнинг дастлабки тайёргарлик даражаси, уларнинг ўқув маълумотларини қабул қилиш имкониятлари;

3) ўқитувчининг касбий маҳорати, шунингдек, таълим муассасасининг моддий-техник базаси.

Бу ўринда **ўқув маълумотларини лойиҳалаш технологияси** муҳим ўрин тутади. Унда:

1) ўқувчиларга тақдим этиладиган материаллар;
2) ўқувчиларга мустақил бажариш учун бериладиган вазифалар;
3) ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган маълумот (билим) турлари (Н.В.Кузьмина) ўз аксини топади.

Технологик муносабатда ўқув материали ва унинг тузилиши муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммони ҳал этишда "дидактик материал" ва "ўқув материали" тушунчалари моҳиятини фарқлай олиш зарур. Г.А.Балл нуқтаи назарига кўра, дидактик материал шундай объектлар тизимидан (яъни, **дидактик материал ←→ объектлар тизими**) иборатки, уларнинг ҳар бири ижтимоий билим ва тажрибадан келиб чиқиб, моддий ёки моддийлашган модел тарзида қўлланилади.

Ўқув материали материаллар тизимидан (яъни, **ўқув материали ←→ материаллар тизими**) иборат бўлиб, у дидактик материалнинг моддий ёхуд моддийлашган моделларида акс этади ҳамда ўқув фаолиятида ишлатиш учун мўлжалланади.

Модомики, ўқув фаолияти ўқув вазифаларини ҳал этиш жараёни сифатида қаралар экан, табиийки, ўқув вазифаси ўқув материалининг маълум қисмларига мувофиқ тузиб чиқилади. Шу билан бирга ўқув материалини педагогик жиҳатдан мақсадга эришишга йўналтирилган тизим сифатида эътироф этиш мумкин. Демак, ўқитувчи фаолиятида ўқув вазифалари тизими ўқув материалини лойиҳалаш ва дидактик материални шакллантириш сифатида акс этади.

Тажрибалар таҳлилининг кўрсатишича, педагогик жараённи лойиҳалаш мураккаб жараёндир. Мураккаблик педагогик жараённи лойиҳалашда асосан икки омил: чеклов ва кўрсатмаларни ҳисобга олиш лозимлигида кўринади. Таълим мазмуни илмийлик ва амалий аҳамият талабларини тўлдириши, ўқув жараёнига ажратилган вақтга мувофиқ ташкил этилиши, шунингдек, таълим мазмуни ва унинг ўқувчилар томонидан қабул қилиниш даражасининг ўзаро мослиги инобатга олинади. Шу боис вазиятнинг мураккаблиги, ўқув фани асосларини ўзлаштиришдаги қийинчиликларни бартараф этиш йўллари аввалдан аниқлаб олиниши шарт.

Одатда ижобий якуний натижаларга эришишга интилган педагог ўқув дастурида белгиланган мазмун бўйича иш кўради. Шу асосида ўзининг шахсий фаолият дастурини яратади.

Ўқитувчининг шахсий фаолият дастурида ўқувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилиши зарур бўлган билимлар, ўқув курсининг асосий таянч тушунчалари, ўқув ахборотларни ўзлаштириш психологияси ҳисобга олиниши лозим.

Демак, педагог лойиҳалаш технологиясини қўллашда ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, таълим жараёнининг маълум босқичида дарсга тайёрлаш имконияти, ўқувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятларини ўстиришни асосий масалалар сифатида тан олсагина муваффақият қозонади.

Ўқитувчи фаолиятида келажакка мўлжалланган ва тезкор лойиҳалаш турли дарсларда турлича мослаштирилади. Педагог лойиҳалашга киришда хоҳ у дарс, хоҳ у тарбиявий тадбир бўлсин, ҳар бир педагогик вазифанинг яхлит педагогик жараён тизимидаги ўрнини билиши лозим.

Малакали, тизимли моделлаштириш лаёқатига эга педагоглар давомли технологияларни ярата оладилар. Улар муайян шароитга мос (локал) моделлаштиришни амалга ошира олиш лаёқатига эга педагоглардан кескин фарқланадилар. Бинобарин, иккинчи гуруҳ педагоглари фаолиятида яхлит фан (ёки педагогик жараён) эмас, балки дарс (ёки тарбиявий тадбир) технологияси етакчи ўрин тутади.

Агар педагог фаолияти ўқувчиларнинг талабларини қондириш, яъни, якуний мақсадларга қаратилса, у ҳолда педагог яхлит педагогик жараённи ёки алоҳида дарс ва тарбиявий тадбирларни лойиҳалашда ҳам қийинчиликка дуч келмайди.

Таълим жараёнини лойиҳалаш босқичлари

Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, унинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлашга эришиш масалалари етук мутафаккирлар ҳамда илғор педагогларнинг диққат-эътиборларини жалб этиб келган. Ёш авлод таълим-тарбиясини ташкил этишнинг ушбу жиҳатлари ўз даврида Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Ян Амос Коменский, Дмитрий Константинович Ушинский, Абдулла Авлоний, Ҳамза Хакимзода Ниёзий, Абдуқодир Шакурий ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ахборотлар алмашинувининг глобаллашуви, шунингдек, илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида рўй бераётган илмий янгиликларнинг сон ва сифат жиҳатидан кескин ўсиб бориши ўз-ўзидан ўқувчиларга улар борасида тезкор суръатда ва батафсил маълумотлар беришни кун тартибига қўймоқда. Ушбу талабнинг ижобий равишда қондирилиши, энг аввало, илмий-назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришнинг қулай, мақбул шакли бўлган таълим жараёнида амалга оширилади. Таълим жараёнининг мақсадга мувофиқ, самарали ташкил эти-

лиши ўқув манбалари (ўқув дастури, режаси, дарслик, қўлланмалар) савияси, шунингдек, педагогнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратига бевосита боғлиқдир.

Таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашда ўқув дастури мазмунининг мукаммаллиги, дарслик ҳамда қўлланмаларнинг замонавий талаблар асосида яратилганлиги, ўқув режаси моҳиятининг назарий ва амалий хусусиятларига кўра ягона мақсадга эришиш учун хизмат қилиши, машғулотларни самарали ташкил этиш имконини берувчи педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасида ижобий, самимий муносабатларнинг қарор топиши каби масалалар инобатга олинади.

Таълим жараёнида педагогик технологияларни муваффақиятли қўллашнинг яна бир омили - бу муайян, яхлит таълимий жараённи олдиндан лойиҳалаш, ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган назарий ва амалий билимлар, кўникма ва малакалар даражасини ташҳислаш ҳамда таълим мақсадининг муваффақиятли натижаланишини аввалдан башоратлай олишдан иборатдир. Айни вақтда педагогик йўналишда фаолият олиб бораётган илмий тадқиқот институтлари, халқ таълими муассасалари ва олий ўқув юртлари олдида ўқув жараёнини лойиҳалашнинг энг мақбул, барча турдаги ўқув муассасаларида шакли, метод ва воситаларидан қатъий назар ташкил этиладиган таълим жараёни учун бирдек хизмат қилувчи андозани яратиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада муайян муваффақиятлар ҳам қўлга киритилган, улар тўғрисидаги маълумотларга биз педагогик технология ва унинг моҳиятини очиб берувчи, чунончи, Б.П.Беспалько, М.В.Кларин, В.Сластенин, М.О.Очилов, Н.Саидаҳмедов, К.Зарипов ва бошқалар томонидан яратилган адабиётлар орқали хабардор бўлишимиз мумкин. Қуйида биз юқорида номлари келтирилган педагог олимларнинг назарий қарашларига таянган ҳолда таълим жараёнини лойиҳалаш бора-

сидаги шахсий мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Муайян ўқув машғулоти жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг дастлабки босқичи ўқув предметининг мундарижасидан жой олган мавзу ёки фаолият мазмунига доир манбаларни ўрганиш, чунончи, материалларни йиғиш ва уларнинг ғояси (моҳияти) билан танишиб чиқиш, уларда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, туркумлаштириш ҳамда яхлитлашдан иборат.

Ўқув предметининг мавзуси ёки фаолият мазмунига доир манбалар моҳиятини ўрганиб чиқиш ўқитувчи учун ўқувчилар эътиборига тақдим этилаётган мавзу (фаолият мазмуни) хусусида уларга батафсил, мукаммал маълумотларни бера олиш, таълимнинг умумий жараёнини тасаввур этиш имконини беради.

2-босқич. Иккинчи босқич ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) юзасидан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаш, умумий мақсад доирасида кичик бўлим (банд)лар бўйича ҳал этилувчи хусусий мақсадларни ҳам белгилаш, таълим мақсадига эришиш йўлда ижобий ҳал этиб борилиши лозим бўлган вазифаларни ишлаб чиқишга йўналтирилади.

Таълим мақсади ва вазифаларининг аниқ, пухта белгилаб олиниши ўқитувчи, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини муайян йўналишга солиш, таълим мақсадига эришишда вақтдан унумли фойдаланиш, таълим жараёнида юзага келиши мумкин бўлган дидактик ва тарбиявий муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишга замин ҳозирлайди. Иккинчи босқич натижаси ўқув предмети (фаолият мазмуни)нинг мавзуси бўйича ягона, умумий ҳамда хусусий мақсадлар, шунингдек, вазифаларни қайд этиш билан тавсифланади.

3-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг учинчи босқичи таълим мақсади ва вазифаларига таянилган ҳолда,

ўқув жараёнининг мазмунини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Таълим жараёни ўқув материали мазмунини ёритишга хизмат қилувчи муайян мавзу (фаолият мазмуни) бўйича назарий ва амалий билимлар мажмуини ифода этиш имконини беради. Таълим мазмунида, шунингдек, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча, кўникма ҳамда малакаларнинг ҳажми ҳам ўз ифодасини топа олиши лозим. Зеро, таълим мазмунининг ғоявий жиҳатдан мукаммаллиги ўқувчилар томонидан муайян билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиш даражаси билан белгиланади. Учинчи босқич самараси ўқувчилар томонидан маълум тушунчаларнинг ўзлаштирилиши, кўникма ва малакаларнинг шаклланишини таъминловчи шартларнинг ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

4-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг энг муҳим босқичи саналган тўртинчи босқичда машғулотнинг шакли, метод ва воситаларини танлаш каби ҳаракатлар амалга оширилади.

Мазкур босқичнинг муҳимлиги шундаки, айнан машғулот шакли, метод ва воситалари таълим жараёнининг муваффақияти таъминланишига олиб келади. Улар ёрдами билангина ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) борасидаги назарий билимлар ўқувчиларга узатилади, ўқувчилар томонидан эса ушбу билимлар қабул қилиб олинади. Муайян машғулот учун энг мақбул деб топилган шакл, метод ва воситаларнинг белгиланиши таълим жараёнининг қарийб 90 фоизлик муваффақиятини кафолатлайди. Янги, замонавий педагогик технологияларнинг асосий моҳияти айнан мана шу босқичда очиб берилади. Ўқувчиларни ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим шакли, метод ва воситаларининг тўғри танланиши машғулотларнинг қизиқарли, баҳс—мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки беради. Мана шу ҳолатдагина ўқувчилар ташаббусни ўз қўлларига олади-

лар, ўқитувчининг зиммасида эса уларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат қилиш, мураккаб вазиятларда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолаш каби вазифалар қолади.

5-босқич. Навбатдаги (бешинчи) босқичда ўқувчилар томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши учун етарли дея белгиланган вақт ҳажми, яъни, муайян мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан маълум тушунча, кўникма ва малакаларнинг ўқувчилар томонидан қанча вақт оралиғида ўзлаштирилиши мумкинлиги аниқланади.

6-босқич. Олтинчи босқичда машқ (топшириқ)лар тизими ишлаб чиқилади. Босқич натижаси сифатида ишлаб чиқилган машқ (топшириқ)лар тизимининг самарадорлигига алоҳида аҳамият бериш талаби мазкур босқичнинг асосий шарти ҳисобланади.

Мазкур босқичда ишлаб чиқилган машқлар тизимини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

а) машғулот жараёнида ўқувчилар томонидан ечилиши (ҳал этилиши) лозим бўлган машқлар;

б) дарсдан ташқари шароитларда бажарилиши кўзда тутилган машқлар (уй вазифалари).

Ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган машқлар бир-бирини тўлдириши, ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик ва энг муҳими эволюцион хусусият касб эта олиши лозим.

7-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг еттинчи босқичида ўқувчиларнинг умумий фаолиятларини назорат қилиш ва тест тизимини ишлаб чиқиш каби вазифалар амалга оширилади.

Назарий ва амалий жиҳатдан тўғри бўлган тест тизимининг ишлаб чиқилиши ўқувчиларнинг мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан муайян тушунчаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалий кўникма ва малакаларни шаклланти́ра олганлик даражаларини аниқ ва холис аниқлай

олиш имконини беради. Тест тизимини ишлаб чиқишда тестларнинг изчил, узвий ҳамда бир-бири билан уйғун бўлишларига аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

8-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг сўнгги босқичи яратилган лойиҳа (андоза)нинг таълим жараёнига татбиқ этилиши, таълим жараёнининг якуний даражаси (самарадорлиги)ни ўрганиш билан ниҳояланади.

Мазкур босқичда таълим жараёнининг умумий аҳволи, эришилган ютуқ ҳамда йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил этилади, навбатдаги машғулотлар жараёнида содир бўлган камчиликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади (31-шакл).

Билдирилган фикрлардан англанганидек, ҳар бир босқичда амалга оширилаётган вазифалар ўртасида муайян изчиллик мавжуд бўлиб, у таълим жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради.



31-шакл. Ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичлари

Таълим жараёнини лойиҳалашда ҳар бир ҳолатнинг пухта бажарилишига эришиш амалий фаолият (ўқув жараёни)нинг муваффақиятини таъминлашга олиб келади.

Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари ва тамойиллари

Узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири таълим жараёнини технологиялаштиришдан иборатлиги таъкидлаб ўтилди. Ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлашда қуйидаги шартларнинг бажарилиши муҳим аҳамиятга эга:

1) ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларининг таълим амалиётида фаол қўлланилиши;

2) ривожланган хорижий мамлакатлар таълими амалиётида қўлланилаётган замонавий технологиялардан хабардор бўлиш.

Таълим жараёнини технологиялаштириш педагогик фаолиятнинг муҳим кўринишларидан бири.

У қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- лойиҳани яратиш (1);
- ўқувчилар фаолиятини ташхислаш (2);
- педагогик жараённи ташкил этиш (3);
- педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш (4);
- ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш (5)ни ўз ичига олади (32-шакл):



32-шакл. Таълим жараёнини технологиялаштириш босқичлари

Педагогик вазифанинг ҳал этилишига ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятларининг мазмуни, воситаларини лойиҳалаш орқали эришади. Замонавий шароитда таълим жараёнини технологиялаштириш уни лойиҳалашга нисбатан янгича ёндашув, яъни, таълим жараёнини технологик структурасига мувофиқ ёритиш заруратини тақозо этади.

Ўқитувчи касбий фаолиятини ташкил этишда таълим жараёнини лойиҳалаш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқув курсини ўрганиш алоҳида мавзу ва бўлимларни лойиҳалаш асосида амалга оширилади. Технологик ёндашув нуқтаи назаридан,

Таълим жараёнини лойиҳалаш -
ўқитувчи касбий фаолиятининг кўриниши бўлиб, ўқитувчининг таълим жараёнининг технологик тузилма, унинг натижасини таъминловчи метод ва воситалар йиғиндиси билан тавсифланади.
Лойиҳалаш маҳсули таълим жараёнининг лойиҳаси саналади.

Педагогик амалиёт моҳиятини таҳлил этиш натижасида таълим жараёнини лойиҳалашнинг бир неча қонуниятлари ажратилди, чунончи:

Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари:
таълим жараёнини лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик бошқарув, восита, ахборот, ижтимоий-психологик муҳит)нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши асосида таъминланади;
таълимнинг технологик воситалари ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади;
лойиҳалаш стратегиялари ўқитувчининг индивидуал услубига мувофиқ танланади;
лойиҳалаш сифати тескари алоқа (ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги) кўлами, лойиҳалаш мазмуни, шунингдек, барча омиллар самарадорлигига боғлиқ.

Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим жараёнини лойиҳалаш икки даражада:

а) ўқитувчи фаолияти даражасида (таълим жараёнининг алоҳида қисмларини лойиҳалаш);

б) таълим менеджери фаолияти даражасида (таълим жараёнини яхлит лойиҳалаш) амалга оширилади.

Таълим жараёнига технологик ёндашув қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига қамраб олади:

Ушбу таркибий қисмларнинг дастлабки тўрттаси ўқитувчи фаолияти ва унинг бошқаруви, бешинчиси эса бевосита ўқитувчи ва мактаб маъмурияти бошқарувини ифодалайди.

Таълим жараёнини лойиҳалаш доирасида ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш муҳим ўрин тутади. Шу боис назорат жараёнини лойиҳалаш ҳам ўқитувчидан алоҳида малакали ёндашувни талаб этади.

Назорат жараёнини лойиҳалаш -
ўқитувчи фаолиятининг кўринишларидан бири ҳамда таълим жараёни технологик тузилмасининг таркибий қисми бўлиб, самарали (кутилган) натижани таъминловчи метод ва воситалар йиғиндисини ўз ичига олади.

Лойиҳалаш педагогик фаолиятнинг мураккаб кўриниши бўлиб, уни амалга оширишда таълим жараёнининг муҳим қонуниятлари инобатга олиниши зарур. Чунончи:

таълим соҳасининг жамият тараққиёти учун хизмат қилиши;
ўқувчилар фаолияти тавсифининг таълим натижаларига боғлиқлиги;
ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари билан ўзаро мувофиқ келиши;
таълим мақсади, мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг таълим жараёни самарадорлигини таъминлашга йўналтирилиши ва ҳ.о.ларни инобатга олиш зарур.

Узлуксиз таълим тизимининг барча турларида таълим жараёнини лойиҳалашда бир қатор тамойилларга таянилади. Айни ўринда, дастлаб, "тамойил" тушунчасининг моҳиятини англаб олиш зарур.

Тамойил (лот.principium - бошланғич, асос) - муайян назария, фан, дунёқараш, ижтимоий-сиёсий тузилма ва ҳоказоларнинг асосий бошланғич ҳолати маъносини англатади. Бу тушунча, шунингдек, маълум фаолиятнинг етакчи ғоялари, асосий қоидалари сифатида ҳам кенг қўлланилади.

Таълим жараёнини лойиҳалашда тамойиллар асосий ёндашув, фаолият тузилмаларини аниқловчи меъёр ҳамда мувофиқлаштирувчи талаблар вазифасини бажаради. Лойиҳалаш тамойиллари нафақат меъёрий, балки тавсифий вазифани ҳам бажариб, фаолият моҳиятини очиб берувчи умумлашма талаблар сифатида тавсифланади.

Таълим жараёнини лойиҳалашда нафақат ҳар бир таркибий қисм, балки улар орасидаги алоқалар ҳам моделлаштирилади.

Тизимлилик тизимлаштирилувчи элементларни ажра-

тиш ва улар орасидаги алоқаларни ифодалаш орқали таълим жараёнини яхлит ҳолда лойиҳалашга хизмат қилади.

Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари лойиҳалаш тамойилларининг назарий асосларини ишлаб чиқишга ва педагогик фаолият амалиётида қўллашга замин тайёрлайди.

Таълим жараёнини лойиҳалашнинг асосий **тамойиллари** қуйидагилардан иборат:



1. Марказлаштириш тамойили технологик жараёнда ўқувчилар фаолияти моделини лойиҳалашнинг бош элементи сифатида ифодаланади. Таълим жараёни тузилмасида асосий тизимлаштирилувчи таълим мазмуни ва ўқувчи фаолияти технологик жараён ҳисобланиб, унинг мазмунини ўқувчиларнинг ижтимоий тажриба асосларини ўзлаштириб олишга йўналтирилган ўқув фаолияти ташкил этади. Ҳар бир ўқув фани бўйича таълим мазмуни умумий таълим мақсади ва вазифаларига мувофиқ белгиланади. Фаолиятли ёндашув нуқтаи назаридан умумий ўрта таълим мазмунини ташкил этувчи ҳар бир унсур (элемент) субъект фаолиятининг турларидан бирига мувофиқ келиши керак. Субъект фаолиятининг турлари, ўз навбатида, аниқ моделлар йиғиндиси сифатида умумлашган фаолият моделлари орқали ифодаланиши зарур.

Ўқувчилар фаолияти модели тизимлаштирилувчи элемент бўлиб, ўқувчининг яхлит фаолияти мазмунини аниқлашга хизмат қилади.

Марказлаштириш тамойили лойиҳалашни қуйидаги тартибда амалга оширишни талаб этади: фаолият моделларини мақсадга мувофиқ яратиш, шунингдек, уларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш усуллари, воситаларини танлаш (технологик операциялар), ўқув фаолиятини бошқариш усуллари (ўқитувчи фаолияти)ни асослаш.

2. Рефлексивлик тамойили субъектнинг ўзига, шахсий фаолиятига ва билимига баҳо бериши, ўзгаларнинг у ҳақидаги фикрлари ва улар ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятига оид муносабатларни тавсифлайди. Лойиҳалаш жараёнида ўқитувчига доимо таълим жараёни, унинг аниқ ва идеал шароитлари, ўқувчиларнинг билишга бўлган эҳтиёжлари, уларни тўлдириш имкониятлари, шахсий сифат ва қобилиятлари, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш имкониятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Рефлексивлик тамойили яратиладиган таълим жараёнининг лойиҳасини таълим жараёни иштирокчиси - субъектнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини таҳлил қилиш асосида узлуксиз тузатиб, тўлдириб боришни талаб этади.

3. Натижавийлик тамойили - педагогик шарт-шароитларнинг қулайлиги, оз вақт ва куч сарфлаш эвазига самарали натижаларга эришишни тавсифлайди. Натижавийлик- ижтимоий тажриба фаолият моделлари мазмуни, технологик операциялар, уларни ўзлаштириш, бошқариш услубларини танлаш, ўқув фаолиятининг мувофиқлиги, таълим-тарбия воситалари, технологик жараёнда субъектнинг қисқа вақт ва куч сарфлаши воситасида белгиланган мақсадга эришишни назарда тутиши лозим.

4. Кўпомиллилик тамойили. Ҳар бир таълим жараёни бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирида амалга

ошади. Улар сирасига ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт шароитлари, таълим муассасалари атрофидаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиий иқлим муҳити, ўқув муассасасининг ўқув-моддий базаси, ўқитувчиларнинг касбий малака даражаси, таълим муассасаси ёки маълум синфдаги маънавий-психологик муҳит, ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари, синфнинг интеллектуал салоҳияти, жамоанинг шахслараро муносабатлари киради. Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи ана шу омилларни ҳисобга олиши зарур.

5. Ўқувчи шахсини таълим жараёнига мослаштириш тамойили. Бола мактаб остонасига қадам қўйганидан бошлаб унинг фаолият кўлами (ўз-ўзига хизмат, меҳнат, дам олиш тарзида) кенгаяди. Бу каби фаолият кўникмаларини эгаллаши натижасида ижтимоий тажрибага эга бўлиб боради. Шунинг учун таълим жараёнининг самарали бўлиши, уни лойиҳалашда таълим мазмуни ва бошқа фаолият моделлари ҳисобга олиниши, уларни ўқувчилар кундалик ҳаёт фаолиятида эгаллаб бориши таъминланиши зарур.

Айни вақтда умумий таълим муассасаларида шахсни ривожлантириш ва уни ижтимоий ҳаётга мослаштириш муайян қонуниятларга мувофиқ психолог ва социологларнинг иштироклари (психопедагогик ташҳис хулосаси) асосида амалга оширилади.

6. Таълим жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув тамойили. Табиий жараёнлар моҳиятини билиш таълим жараёнини самарали, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, сензитив ривожланиш даврлари, ривожланишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш имконини беради. Тамойилнинг мазмуни таълимни ижтимоийлаштириш, ўқувчилар томонидан ижтимоий тажрибанинг индивидуал қонуниятлар асосида ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

Ўқитувчи фаолиятини ташкил этишда эътибор бирин-

чи навбатда фаолият усуллари ва жараёнларининг ўзаро мувофиқ бўлишига қаратилади. Бу ҳолат меъёрий талаб сифатида қабул қилинади.

Шахсга йўналтирилган таълим ўқувчига ўқув материалининг мазмунини, вазифа ёки топшириқларни, фаолият усуллари ҳамда услубларини танлаш имтиёзини беради. Танлаш имконияти ўқувчини қарор қабул қилиш, мустақил изланиш ва жавобгарликни ҳис қилишга ундайди. Шу боис ўқув фаолиятининг муқобил моделларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқувчига таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчининг вазифаларидан бири ўқув мақсадига мувофиқ ўқувчининг ички интилиши, рағбати (мотиви)ни ривожлантиришдир.

Лойиҳалашда ўқувчини ўқув фаолиятига йўналтирувчи усуллар, мустақил таълим шакли, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини ҳурмат қилиш имкониятларини аниқлаш зарур.

Технологик жараённи бошқаришда ўқитувчининг фаолияти технологик операциялар тарзида ташкил этилади.

Технологик операция -
ўқув фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, ўқувчи фаолияти ва ўқув материали мазмунининг ўзаро бирлиги сифатида ўқувчининг таълимнинг муайян босқичидан кейинги босқич, юқорироқ даражага ўтишини таъминлайди.

Таълим жараёнида қўлланиладиган барча воситалар ўзаро боғлиқ моддий (дарслик, ўқув қўлланмалари, кўргазмали ҳамда намойишли воситалар, лаборатория жиҳозлари ва ҳ.о.лар) ва маънавий (тескари алоқа, ўқитувчи ёки ўқувчи намунаси, хатти-ҳаракатлари, нутқи ва бошқалар) каби гуруҳларга ажратилади.

Таълим жараёнида ўқитувчи лойиҳасини амалга оширишда унинг шахсий сифатлари, яъни, касбий маҳорати, мотивация, педагогик қобилият, характер, темперамент, руҳий ҳолати, ўз-ўзини англаши ва ҳоказолар намоён бўлади.

Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи лойиҳачи ва бажарувчи сифатида лойиҳани амалга оширишнинг қулай йўлини танлайди.

Ахборот таъминотини лойиҳалаш тамойиллари таълим жараёни лойиҳасида ахборот таъминотини шакллантиришга хизмат қилади.

Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ҳам ахборот таъминотини ташкил этувчи воситалардир.

Ижтимоий–иқтисодий таъминотни лойиҳалаш тамойили иқтисодий мақсадга мувофиқликни таъминлашни англатади. Таълим жараёнини ижтимоий-иқтисодий лойиҳалаш таълим менеджерининг вазифасидир. Барча таълим муассасалари фаолиятини лойиҳалашда таълим жараёни иштирокчилари, жамият ҳамда давлат (ижтимоий буюртма)нинг эҳтиёж ва имкониятларини ҳисобга олиш, уларни тўлдириши зарур.

Таълим жараёнини лойиҳалаш стратегиялари

Д.Джонсон томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалаш стратегияси умумлаштирилган лойиҳа бўлиб, ўқитувчи ижодий (лойиҳачилик) фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Унинг фикрича,

лойиҳалаш стратегияси
лойиҳачи томонидан режалаштирилган фаолиятнинг техник вазифаларига мувофиқ муайян кетма-кетликда амалга ошириш тизимидир.

Педагогик фаолиятни лойиҳалашда бир қатор стратегиялар қўлланилади. Ҳар бир стратегия таълим жараёнини лойиҳалашда муайян хусусиятга эга. Ўқитувчи амалий фаолиятида икки ёки бошқа кўплаб стратегия турларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Д.Джонсон энг муҳим стратегиялар сифатида қуйидагиларни кўрсатади:



Лойиҳалаш стратегияларини таълим жараёнида қандай қўллаш мумкин?

Лойиҳалашнинг **чизиқли стратегия**си 1-босқич, 2-босқич ва ҳоказо босқичлардан иборат бўлиб, ҳаракатларнинг биринчидан то ўн бешинчигача кетма-кет, қайтмасдан бажарилишини англатади. Стратегия ўқитувчи томонидан фаолият муайян кетма-кетликда амалга ошириш режалаштирилганда (жумладан, ўқув жараёнини турли шаклда ташкил этиш вариантлари пухта ўйланмасдан қулай стандарт воситалар қўлланилса) қўлланилади. Бу стратегиянинг умумий моҳияти қуйидагича (33-шакл).



Қуйида "Ўзбекистон Республикаси давлати ва ҳуқуқи асослари" (8-синф) фанидан "Миллий истиқлол ғояси - мамлакат тараққиётининг асоси" мавзуси бўйича чизиқли стратегия асосида ишланган лойиҳа намунаси келтирилади (34-шакл).

Мавзуга оид манбалар тизимини аниқлаш:
1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.: Ўзбекистон, 2000.; 2. Жалолов А. Мустақиллик. Маънавият. Мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1994.; 3. Маънавий, маърифий ва мафкуравий ишлар Концепцияси. – Т.: Маънавият ва маърифат Кенгаши, 2003.; 4. Миллий истиқлол ғояси: асосий ғушунча, тамойиллар ва атамалар (Қисқа изоҳли тажрибавий луғат). - Т.: Янги аср авлоди, 2002.; 5. Норбоев Т. Миллий истиқлол ғояси:Гулистон ж., 2001. № 3 ; 6. Ўқув дарслиги (8-синф).

Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш:
1-манба: – 9-б.
2-манба:–95-б.
3-манба:–36-б.
4-манба:-111-б.
5-манба: - 2-б.
6-манба:143-150-б.

Таҳлил натижалари (асосий тушунчалар):
миллий ғоя, миллий истиқлол мафкураси, умуминсоний ва миллий қадриятлар, миллий мерос, ўз имкониятларини намоён этиш эркинлиги, ватанпарварлик

Ўқув материали мазмунини белгилаш:
манбалар асосида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш зарурияти, унинг фалсафий-маънавий асослари, асосий тамойилларининг моҳиятини очиб бериш

Ўқув материали мазмунини моделлаштириш:
тараққиёт, мерос, қадриятлар, ғоя, асос, мафкура

Ўзлаштириш фаолияти модели:
1-босқич: таянч тушунчалар билан танишиш; 2-босқич: тушунчаларнинг моҳиятини ўрганиш; 3-босқич: ўзлаштирилган тушунчаларни мустаҳкамлаш; 4-босқич: тушунчаларнинг ўзлаштирилганлик даражасини намоён этиш; 5-босқич: билимларни назорат қилиш ва баҳолаш

Ўқув-техник воситаларни танлаш:
дарслик; қўшимча адабиётлар; тасвирий (схема, тасвир, модел) ва электрон кўргазмали қуроллар; компьютер

Таълим воситаларидан фойдаланиш услубини аниқлаш:
мавзу матнини ўқиш; қўшимча адабиётларни таҳлил қилиш; кўргазмали қуроллар яратиш

Таълимнинг самарали методлари:
маъруза; муаммоли вазиятни яратиш; «Юмалоқланган қор ўйини»; «Ақлий ҳужум», «Кластер»; тасвирий реферат яратиш

Бошқарув услубини белгилаш:
демократик; ўзаро ҳамкорлик; ижодий ёндашув

→

Шахсга оид технологияларни белгилаш:
«Аҳамиятли қадриятлар» (Рокич) методи;
«Менга сўз беринг» методи

Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни:
1) бир соатлик машғулот (дарс) лойиҳасини ишлаб чиқиш; 2) ташкилий масалаларни ҳал этиш; 3) мақсадни баён этиш; 4) кичик гуруҳларни шакллантириш; 5) гуруҳларга топшириқлар бериш; 6) гуруҳлар фаолиятини назорат қилиш; 7) зарур ўринларда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш; 8) ўқувчилар фаолиятини баҳолаш; 9) машғулот (дарс)га якун ясаш; 10) уйга вазифани бериш

Таълим методларини танлаш:
маъруза; муаммоли таълим; интерфаол методлар

→

Методлардан фойдаланиш имкониятини аниқлаш:
Ўқувчиларнинг ижодий фаолият юритиш, мустақил фикрлаш, жамоада бўлишга интилишлари

Воситалар тизими:
дарслик, қўшимча манбалар, тасвирий (схема, тасвир, модел) ва электрон («Миллий истиқлол ғояси асослари» номли электрон модел) кўргазмали қуроллар

Назарий тажриба:
таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш; интерфаол методлардан самарали фойдаланиш ғоялари, назарий ишланмаларни тайёрлаш

→

Лойиҳани расмийлаштириш:
лойиҳанинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари (илмий-методик Кенгаш) томонидан расман тасдиқланиши

35-шакл. «Ўзбекистон Республикаси давлати ва ҳуқуқи асослари» (8-синф) фанидан «Миллий истиқлол ғояси – мамлакат тараққиётининг асоси» мавзуси бўйича чизиқли стратегия асосида ишланган лойиҳа

Даврий стратегия. Таълим жараёнини лойиҳалашда даврий стратегия ҳам қўлланилади. Мазкур стратегия ўқитувчи томонидан таълим технологияларининг вариантлари, ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари ва бошқа элементлар инобатга олинганда, шунингдек, лойиҳалаш доирасида кейинги босқичга ўтилсагина қўлланилади. Лойиҳалашнинг аввалги босқичига доимий ёки даврий қайтиш мавжуд жараённинг қайтувчанлик хусусиятига эгалигини англатади. Бу стратегия фаолиятнинг аввалги босқичига даврий равишда қайтиш орқали амалга оширилади (35-шакл):



35-шакл. Даврий стратегия босқичлари

Қуйида "Конституциявий ҳуқуқ асослари" фани бўйича (9-синф) "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмуни ва тавсифи" мавзуси мисолида даврий стратегия асосида таълим жараёнини лойиҳалашнинг моҳияти очиб берилади (37-шакл):

Мавзуга оид материалларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш:

1. *«Конституциявий ҳуқуқ асослари» дарслиги (9-синф).*
2. *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.. Ўзбекистон, 1992. – 46 бет*
3. *Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш – Т.: Шарқ нашриёти Бош таҳририяти, 2001. – 191 бет.*
4. *Азизхўжаев А.А., Ҳусанов О., Азизов Х. Конституциявий ҳуқуқ (Изоҳли луғат). – Т.: Академия, 2001. – 160 б.*

↓

Мавзу моҳиятини ёритувчи асосий тушунчаларни аниқлаш:
Конституция, суверенитет, инсон ҳуқуқлари, демократия, демократик қадриятлар, ижтимоий адолат, халқаро ҳуқуқ нормалари, фуқаролик, ахлоқий қадриятлар, ватанпарварлик

↓

Мавжуд ўқув материалларини моделлар кўринишида ифодалаш:
1-манба бўйича: *3-параграф – 12-15-бетлар;* ***2-манба бўйича:*** *Кириш (преамбула); 1-бўлим. Асосий тамойиллар; 2-бўлим. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари; 3-бўлим. Жамият ва шахс; 4-бўлим. Маъмурий-ҳуқуқий ва давлат қурилиши; 5-бўлим. Давлат ҳокимиятини ташкил этиш; 6-бўлим. Конституцияни ўзгартириш тартиби;* ***3-манба бўйича:*** *21-28-бетлар;* ***4-манба бўйича:*** *Конституция, суверенитет, демократия, фуқаролик каби сўзликлар*

↓

Мавзуга оид материалларни ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибасига мувофиқлаштириш:
Ижтимоий муносабатлар жараенида қандай ҳуқуқлардан фойдаланасиз?, Ўқувчиларнинг эркинликлари нималардан иборат? Зиммангиздаги бурчларни англайсизми? каби саволлар бўйича мунозара ташкил этиш

↓

Таълим воситаларини танлаш:
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, дарслик, ўқув қўлланмаси, луғат, кўргазмали қуроллар, плакат, карточкалар, компьютер

↓

Ўқувчилар фаолиятининг турларини белгилаш:
*индивидуал (савол-жавоб); гуруҳли (*мунозара, дебат*), жамоавий (*«Ақлий ҳужум», «*Қарорлар шажараси*», «Кластер»*)*

↓



36-шакл. Даврий стратегия асосидаги «Конституциявий ҳуқуқ асослари» фанидан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмуни ва тавсифи» мавзуси бўйича дарс лойиҳаси

Тармоқланган стратегия. У бир қатор жиҳатларига кўра бошқа стратегиялардан фарқ қилади. Жумладан:

- турли синфларнинг ўзига хос хусусиятини инобатга олиш асосида ўзаро параллел босқичлар таклиф этилади;
- ўқувчиларнинг индивидуал, шунингдек, жамоавий хусусиятларига мувофиқ (масалан, параллел синфлар турли касбга йўналтирилган бўлса) таълим жараёни улар ўртасидаги фарқни инобатга олган ҳолда лойиҳаланади;
- самарали таълим воситаларини танлаш мақсадида танлаш ва рақобатли босқичлар тавсия этилади. Лойиҳалашнинг тармоқланган стратегияси таълим жараёнини лойиҳалашнинг ўзига хос жиҳатларини чизиқли ва даврий стратегияларга нисбатан кенгроқ ёритади, бироқ бу ерда қайтувчанлик элементи етишмайди (37-шакл).



37-шакл. Тармоқланган стратегия схемаси

Тармоқланган стратегия босқичлари орасида 2 а, 2 б, 2 в босқичлар - параллел, 3-босқич саралаш, 4- ва 5-бос-

қичлар рақобатли, 6-босқич ва ҳоказолар оддий босқичлар ҳисобланади.

Қуйида "Ўзбекистон Республикаси давлати ва ҳуқуқи асослари" (8-синф) фанидан "Ҳуқуқбузарлик ва ҳуқуқий жавобгарлик" мавзуси бўйича тармоқланган стратегия асосида ишланган лойиҳа намунаси келтирилади (38-шакл).



38-шакл. «Ўз.Р давлати ва ҳуқуқи асослари» фанидан «Ҳуқуқбузарлик ва ҳуқуқий жавобгарлик» мавзуси бўйича тармоқланган стратегия асосидаги дарс лойиҳаси

Мослаштириш стратегияси. Мазкур стратегия етарли даражада тажрибага эга бўлмасдан туриб, таълим жараёнининг йирик бўлаги (бўлим, курс)ни лойиҳалаштиришда барча вариантлар, қисмларни бирдек қамраб олиш имкони бўлмаган вазиятларда қўлланилади. Ушбу вазиятда лойи-

ҳачи дастлаб маълум мавзулар (ўқув метариалларининг бир қисми)ни, кейин эса иккинчи ва ҳоказо қисмларни муайян кетма-кетликда лойиҳалаштиради. Босқичларни бу тартибда ажратиш шуниси билан қулайки, лойиҳанинг тугалланган қисмини амалиётга татбиқ этиш мумкин бўлади.

Мослаштириш стратегиясини қўллашда ўқитувчи лойиҳалашнинг ҳар бир босқичини дастлабки босқичлар билан боғлаган ҳолда амалга оширади. Бу ҳолат лойиҳалашнинг ўзига хос жиҳатини акс эттиради, шунингдек, саралашнинг узлуксиз давом этишини таъминлайди.

Мослаштириш стратегиясининг моҳияти қуйидаги схема асосида яққол ифодаланади (39-шакл):



40-шакл. Мослаштириш стратегиясининг схемаси

Ушбу стратегияга кўра ҳар бир босқичда фаолиятнинг тасдиқлаб борилиши талаб қилинади: аввало, биринчи босқичда фаолият мазмуни аниқланади, кейин бу фаолият амалга оширилади, биринчи босқич натижаларига асосан иккинчи босқич режалаштирилади, иккинчи босқич амалга оширилади ва ҳ.о. Ушбу стратегияни қўллаш учун ҳаракатланиш блоклари кетма-кет кўринишида лойиҳаланади. Жараённи тўғрилаш алоҳи-

да босқич сифатида ажратилмайди, у мослаштириш стратегия-сининг ички моҳияти ҳисобланади.

Қуйида "Ўзбекистон Республикаси давлати ва ҳуқуқи асослари" (8-синф) фанидан "Қонунчиликни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли" мавзуси бўйича мослаштириш стратегия асосида ишланган лойиҳа намунаси келтирилади (40-шакл).

Ўқув вазифалари:

1. Ўқувчиларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тўғрисида маълумот бериш.
2. Ўқувчиларни судлар, прокуратура органлари, ички ишлар вазирлиги органлари (дастлабки тергов ва суриштирув органлари, Миллий хавфсизлик хизмати), Адлия вазирлиги, нотариат ҳамда адвокатураларнинг фаолияти билан таништириш
3. Ўқувчилар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ижтимоий-ҳуқуқий фаолиятига тўғри баҳо берилишини таъминлаш. Ўқувчиларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хизматидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.

1–босқичда амалга ошириладиган ишлар мазмуни:
Ўқувчилар томонидан «ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари», «судлар», «прокуратура органлари», «дастлабки тергов органлари», «суриштирув органлари», «Миллий хавфсизлик хизмати –МХХ», «Адлия вазирлиги», «нотариат» ҳамда «адвокатура» тушунчаларининг ўзлаштирилишига эришиш

Босқич вазифаларини ҳал этиш:
1. Кичик гуруҳларни шакллантириш ва «6х6х6» методлари ёрдамида мавзуга оид таянч тушунчаларнинг моҳиятини ёритувчи карточкалар асосида ишлаш.
2.Луғатлар ёрдамида «Ўқув луғати»га таянч тушунчаларни қайд этиш. Манбалар: Юридик атамалар қомусий луғати.– Т.: Шарқ нашриёт концерни, 2003. –432 б.; Юридик энциклопедия -Т.: Шарқ нашриёт–матбаа концерни, 2001. – 656 б.

1–босқич натижаси:
таянч тушунчаларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш

2–босқич ишларининг мазмуни:
ўзлаштирилган тушунчаларни мустаҳкамлаш

Босқич вазифаларини ҳал этиш:
«Бешинчиси ортиқча» ва «Кластер» методлари ёрдамида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган таянч тушунчаларни мустаҳкамлаш.

3–босқич ишларининг мазмуни:
ўқувчиларнинг фаолиятини баҳолаш

2–босқич натижаси:
тушунчаларнинг мустаҳкамланиши

Босқич вазифаларини ҳал этиш:
кичик тест ҳамда блиц–тест ёрдамида гуруҳ ва жамоа тарзида ўқувчиларнинг фаолиятини баҳолаш

3–босқич натижаси:
ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси

40–шакл. Мослаштириш стратегияси асосида «Ўз.Р давлати ва ҳуқуқи асослари» (8–синф) фанидан «Қонунчиликни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли» мавзуси бўйича ишланган дарс лойиҳаси

Ўзгартириш стратегияси ўқитувчи томонидан таълим жараёни лойиҳасининг инвариант қисмини саралаш учун қўлланилади. Бу ўқитувчи аввалги ҳолда қўлланилган технологияни ўзгартириш, лойиҳага аҳамиятга эга бўлмаган ўзгаришлар киритиш, масалан, ўқув вазифалари йиғиндисини алмаштириш мақсадида қўлланилади. Демак, ўқитувчи таълим жараёнини лойиҳалашда ҳар сафар дастлабки ва якуний лойиҳалардан фарқли янги лойиҳани яратади. Жараённинг субъектив тавсифи доимий равишда ўзгариб боради. Мазкур вазиятда нафақат ўқувчи фаолиятини педагогик технологиялаштириш, шунингдек, ўқитувчи фаолиятининг инвариант ва вариатив қисмларни ёритувчи лойиҳаларни яратиш мумкин.

Ўзгартириш стратегиясининг умумий моҳияти қуйидаги схемада яққол намоён бўлади (41-шакл):



42-шакл. Ўзгартириш стратегиясининг схемаси

Ўзгартириш стратегиясини қўллаш имконияти ўқитувчи таълим жараёни лойиҳаларини ўз фаолиятида қўллаган ва шахсан ўзи ишлаб чиққан бўлса юзага келади. Таълим мазмунини ўрганишда гуруҳ ўқувчиларининг ўқув имкониятлари ва шахсий хусусиятларини инобатга олган

ҳолда лойиҳани ўзгартириш мумкин. Ўқитувчи бошқарув фаолиятининг таркибий тузилмаси, таълим жараёни учун зарур моддий воситалар ҳам шунга кўра табиий равишда ўзгаради.

Қуйида ўзгартириш стратегия асосида "Ҳуқуқшунослик" (10-11 - синфлар) фанидан "Ҳуқуқий маданият ва унинг ҳуқуқ ҳамда ахлоқ меъёрлари билан ўзаро алоқадорлиги" мавзуси бўйича ишланган лойиҳа намунаси келтирилади (42-расм).



42-шакл. «Ҳуқуқшунослик» (10-11-синфлар) фанидан «Ҳуқуқий маданият ва унинг ҳуқуқ ҳамда ахлоқ меъёрлари билан ўзаро алоқадорлиги» мавзуси бўйича ўзгартириш стратегия асосидаги дарс лойиҳаси

Тасодифий изланиш стратегияси бошқа стратегиялардан фарқли равишда фаолият жараёнининг умумий лойиҳасини яхлит кўринишда ифода этмайди. Ҳар қандай ўзгартириш таълим жараёни лойиҳасини зарур ўринларда мазмунан бойитишни талаб этади.

Тасодифий изланиш стратегияси фаолият жараёнида янги лойиҳани шакллантиришга имкон беради.

Тасодифий изланиш стратегиясини қўллаш тажрибаси амалий педагогик фаолият (айниқса, педагогика олий ўқув юртлари)да учрайди. Стратегия шартига кўра таълим жараёни илмийлик тамойилига мувофиқ лойиҳаланади. Мазкур стратегияни ўзига хос услублар (масалан, кўргазмали воситалар, ўқитиш дастурининг муайян қисми, методик адабиётлар ёки бошқа ўқитувчилар тажрибаси)дан фойдаланиш истаги юзага келганда қўллаш мумкин. Шунингдек, тасодифий изланиш ўқитувчи ижодий фаолиятининг таркибий қисми ҳам бўлиши мумкин. Шу билан бирга бу стратегия, албатта, лойиҳалаштирилган таълим жараёнининг бошқа қисмларини тўлдириши зарур (43-шакл).



43-шакл. Тасодифий изланишнинг стратегиясининг лойиҳаси

Қуйида тасодифий изланиш стратегияси асосида "Ҳуқуқшунослик" (10-11 - синфлар) фанидан "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" мавзуси бўйича ишланган лойиҳа намунаси келтирилади (44-шакл).

Бизнинг фикримизча, технологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалашда қуйидаги вазифалар бажарилади:

1. Берилган маълумотларни таҳлил этиш, таълим мақсади ва мазмуни (унинг алоҳида қисми), ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари, таълим шароити, шунингдек, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни белгилаш.



44-шакл. Тасодифий изланиш стратегияси асосида «Ҳуқуқшунослик» (10-11-синфлар) фанидан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзуси бўйича ишланган дарс лойиҳаси

2. Аниқланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқув материалларини саралаш.

3. Ўқув материали мазмунини ўқувчилар ўзлаштириши учун қулай бўлган моделлар кўринишида ифодалаш.

4. Лойиҳалаштирилган моделларни ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибалари, атроф-муҳитга ҳиссий-қадриятли муносабатлари ва фикрлаш даражасига мувофиқ яратиш.

5. Гносеологик, аксиологик ва креатив технологиялар (таълимнинг технологик воситалари)ни фаол равишда қўлламаслик.

6. Таълимнинг технологик воситаларини таълим жараёни шароитларидан келиб чиқиб ажратиш.

7. Ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти жараёнида уларнинг ўзлаштириш даражасини маълум босқичдан юқорироқ босқичга кўтарувчи ҳаракат кетма-кетлигини таъминлайдиган бир неча вариантларни ишлаб чиқиш.

8. Қўлланиладиган вариантларнинг дидактик мақсад билан мувофиқлигини таъминлаш.

9. Ўқувчилар фаолияти структурасининг ҳар бир вариантини педагогик технология мезонлар асосида таққослаш, баҳолаш ва улардан қулайини танлаб олиш.

10. Мотивацион ва шахсни ривожлантириш вазиятларини ишлаб чиқиш, уларни ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти таркибий тузилмаси асосида тузиш.

11. Ўқувчилар ўқув-билиш фаолияти таркибий тузилмасига мувофиқ ўқитувчининг бошқариш фаолияти таркибий тузилмасини аниқлаш.

12. Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, намойиш, лаборатория тажрибалари, аудио ҳамда видеоматериаллар ва ҳоказоларни яратиш.

13. Таълим жараёнида воситаларни қўллашда объектив шароитлар: ижтимоий, ишлаб чиқариш ва таълим муассасасини ўраб турган табиий иқлим, ўқув-моддий база,

шунингдек, мактаб ҳамда муайян синфнинг маънавий-психологик иқлимини ҳисобга олиш.

14. Таълим жараёнининг таркибий тузилмасини белгилашда ўқитувчи шахси, унинг касбий тайёргарлиги ва педагогик ишлаб чиқариш мазмунига таяниб иш кўриш.

15. Таълим жараёнининг ҳар бир босқичи учун белгиланган вақт тақсимоти ва педагогик муҳит (жиҳозларнинг жойлашуви, ўқувчиларнинг синф хонасида жойлашиш имкониятлари, ишлаб чиқариш ва ҳ.о.)ни ҳисобга олиш.

16. Таълим жараёнининг лойиҳасини меъёрий ҳужжатларда ёзма ва тасвирий тарзда расмийлаштириш.

Демак, таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчининг ушбу мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари йиғиндиси ва беш вариантдан иборат лойиҳалаш стратегиялари ўзига хос аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқитувчи таълим жараёнини лойиҳалашда эътироф этилган стратегиялардан ўзи учун мақбулини танлаши мумкин. Стратегиялардан бирининг танланиши ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, шахсий қизиқишлари, шунингдек, мавжуд ҳаётий вазиятларга боғлиқ.

III БОБ. ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Интерфаол методлар ва уларнинг тавсифи

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Педагогик технология ўз моҳиятига кўра субъектив хусусиятга эга, яъни, ҳар бир педагог таълим ва тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши лозим. Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар педагогик технологиялар:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириши;
- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;
- ўқувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;
- ўқувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;
- ўқувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиши;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Педагогик технологиялардан мажбуран фойдаланиш мумкин эмас. Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ёки улар томонидан қўлланилаётган илғор технологиялардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан бирга, уларни ижодий ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Қуйида таълим амалиётида фойдаланилаётган интерфаол методлардан бир нечтасининг моҳияти ва улардан фойдаланиш борасида сўз юритамиз.

"Фикрий ҳужум" ("Мозговая атака") методи

Мазкур метод ўқувчиларнинг машғулотлар жараёнидаги фаолликларини таъминлаш, уларни эркин фикр юритишга рағбатлантириш ҳамда бир хил фикрлаш инерциясидан озод этиш, муайян мавзу юзасидан ранг-баранг ғояларни тўплаш, шунингдек, ижодий вазифаларни ҳал этиш жараёнининг дастлабки босқичида пайдо бўлган фикрларни енгишга ўргатиш учун хизмат қилади.

"Фикрий ҳужум" методи А.Ф.Осборн томонидан тавсия этилган бўлиб, унинг асосий тамойили ва шарти машғулот (баҳс)нинг ҳар бир иштирокчиси томонидан ўртага ташланаётган фикрга нисбатан танқидни мутлақо таъқиқлаш, ҳар қандай луқма ва ҳазил-мутойибаларни рағбатлантиришдан иборатдир. Бундан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг машғулот (баҳс) жараёнидаги эркин иштирокини таъминлашдир. Таълим жараёнида ушбу методдан самарали ва муваффақиятли фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тафаккур кўламининг кенглигига боғлиқ бўлади.

"Фикрий ҳужум" методидан фойдаланиш чоғида ўқувчиларнинг сони 15 нафардан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир. Ушбу методга асосланган машғулот бир соатга қадар ташкил этилиши мумкин.

2 "Ялпи фикрий ҳужум" методи

Ушбу метод Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни бир неча ўн (20-60) нафар ўқувчилардан иборат синфларда қўллаш мумкин.

Метод ўқувчилар томонидан янги ғояларнинг ўртага ташланиши учун шароит яратиб беришга хизмат қилади. Ҳар бири 5 ёки 6 нафар ўқувчиларни ўз ичига олган гуруҳларга 15 дақиқа ичида ижобий ҳал этилиши лозим бўлган турли хил топшириқ ёки ижодий вазифалар берилади. Топшириқ ва ижодий вазифалар белгиланган вақт ичида ижобий ҳал этилгач, бу ҳақида гуруҳ аъзоларидан бири ахборот беради.

Гуруҳ томонидан берилган ахборот (топшириқ ёки ижодий вазифанинг ечими) ўқитувчи ва бошқа гуруҳлар аъзолари томонидан муҳокама қилинади ва унга баҳо берилади. Машғулот якунида ўқитувчи берилган топшириқ ёки ижодий вазифаларнинг ечимлари орасида энг яхши ва ўзига хос деб топилган жавобларни эълон қилади. Машғулот жараёнида гуруҳ аъзоларининг фаолиятлари уларнинг иштироклари даражасига кўра баҳолаб борилади.

3 "Фикрларнинг шиддатли ҳужуми" методи

Сўз юритилаётган метод Е.А.Александров томонидан асосланган ҳамда Г.Я.Буш томонидан қайта ишланган.

Методнинг моҳияти қуйидагичадир:

жамоа орасида муайян топшириқларни бажараётган ҳар бир ўқувчининг шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;
ўқувчиларда маълум жамоа (гуруҳ) томонидан билдирилган фикрга қарши ғояни илгари суриш лаёқатини юзага келтиришдан иборатдир.

Юқорида моҳияти баён этилган "Фикрларнинг шиддатли ҳужуми" методини ижтимоий, гуманитар ва табиий йўналишлардаги фанлар юзасидан ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида бирдек муваффақиятли қўллаш мумкин.

Ушбу методдан фойдаланишга асосланган машғулот бир неча босқичда ташкил этилади. Улар қуйидагилардир (45-шакл):



45-шакл. «Фикрларнинг шиддатли ҳужуми» методидан фойдаланиш босқичлари

Методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳолатлар юзага келади:

ўқувчилар томонидан муайян назарий билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришиш;
вақтни иқтисод қилиш;
ҳар бир ўқувчини фаолликка ундаш;
уларда эркин фикрлаш лаёқатини шакллантириш.

"6х6х6" методи

Ушбу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар ўқувчини муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. "6х6х6" методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6 та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

"6х6х6" методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:

гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;
улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;
гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;
илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади

Энг муҳими, машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

Ушбу методни 5, 6, 7 ва ҳатто 8 нафар ўқувчидан иборат бўлган бир неча гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин. Бироқ йирик гуруҳлар ўртасида "6х6х6" методи қўлланилганда вақтни кўпайтиришга тўғри келади. Чунки бундай машғулотларда мунозара учун ҳам, ахборот бериш учун ҳам бирмунча кўп вақт талаб этилади. Сўз юритилаётган метод қўлланилаётган машғулотларда гуруҳлар томонидан бир ёки бир неча мавзу (муаммо)ни муҳокама қилиш имконияти мавжуд.

"6х6х6" методидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчидан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаёқатига эга бўлишни талаб этади. Гуруҳларнинг тўғри шакллантирилмаслиги топшириқ ёки вазифаларнинг тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. "6х6х6" методи ёрдамида машғулотлар қуйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқади.

2. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан 6 та гуруҳга бўлинадилар. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қуйидагича йўл тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир ўқувчи ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.

3. Ўқувчилар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб,

мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатади ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг гуруҳлардан мунозараларни якунлашларини сўрайди.

5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар (топшириқ ечимлари)ни муҳокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар.

5 "Ақлий ҳужум" методи

Мазкур метод муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган метод саналиб, у машғулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш ҳамда ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. Бу метод ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туғилади. "Ақлий ҳужум" методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум қадриятларни аниқлаш ва уларга муқобил бўлган ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Методдан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим (46-шакл):

46-шакл. «Ақлий ҳужум» методининг асосий қоидалари

Дарс жараёнида "Ақлий ҳужум" методидан фойдаланишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

1. Ўқувчиларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, уларнинг мантиқий фикрларни билдиришларига эришиш.

2. Ҳар бир ўқувчи томонидан билдирилаётган фикрлар рағбатлантирилиб борилади. Билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олинади. Фикрларнинг рағ-

батлантирилиши навбатдаги-янги фикрларнинг туғилишига олиб келади.

3. Ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Аввал билдирилган фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

4. Машғулот жараёнида ўқувчилар фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди. Уларнинг фикрлари баҳоланиб борилса, ўқувчилар диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда янги фикрлар илгари сурилмайди. Методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканлигини ёдда тутган ҳолда уларнинг фаолиятини баҳолаб боришдан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

6 "Кластер" методи

Кластер (ғунча, боғлам) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у ўқувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. "Кластер" методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Кла-

стер" методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ўқувчилар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

"Кластер" методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади (47 –шакл):

47-шакл. «Кластер» методининг қоидалари

"Қарорлар шажараси" ("Қарорлар қабул қилиш технологияси") методи

"Қарорлар шажараси" методи муайян фан асослари борасидаги бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар ора-

сидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукаммал тушунишга хизмат қилади.

Гуруҳ ёки синф ўқувчилари иштирокида қўлланиладиган "Қарорлар шажараси" бир неча ўн нафар ўқувчиларнинг билимлари даражасини аниқлаш, уларнинг фикрларини жамлаш ва баҳолаш имконини беради. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хулосага келиш)да ўқувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда номақбул жиҳатларини муфассал таҳлил этиш имкониятини яратади. Машғулот жараёнида ўқувчилар қуйидаги чизма асосида тузилган жадвални тўлдирадилар (ёки ушбу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув тахтасидан фойдаланадилар).



"Қарорлар шажараси" методи қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин мунозара, таҳлил учун мавзуга оид бирор муаммони белгилайди. Гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулоса (қарор)ларни ёзиш учун плакатларни тайёрлайди.

2. Ўқитувчи ўқувчиларни 4 ёки 6 нафар кишилардан иборат гуруҳларга ажратади. Муаммонинг ҳал этилиши, у борада энг мақбул қарорнинг қабул қилиниши учун муайян вақт белгиланади.

3. Қарорни қабул қилиш жараёнида гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси томонидан билдирилаётган вариантларнинг мақбуллик ҳамда номақбуллик даражалари батафсил муҳокама қилинади. Ҳар бир вариантнинг афзаллик ва ноафзаллик жиҳатлари ёзиб борилади. Билдирилган вариантлар асосида муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилувчи усул хусусида гуруҳ аъзолари бир тўхтамга келиб оладилар.

4. Мунозара учун ажратилган вақт ниҳоясига етгач, ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз гуруҳи қарори борасида ахборот берадилар. Зарур ҳолларда ўқитувчи раҳбарлигида барча ўқувчилар билдирилган хулоса (қарор)ларни бир-бири билан қиёслайдилар.

Муаммо юзасидан билдирилган қарорлар борасида саволлар туғилгудек бўлса, уларга жавоблар қайтарилиб борилади, ноаниқликларга аниқлик киритилади. Агарда барча гуруҳлар томонидан муаммо юзасидан бир хил қарорга келинган бўлса, ўқитувчи бунинг сабабини изоҳлайди.

"Қарорлар шажараси" методининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу метод бевосита маълум лойиҳа асосида қўлланилади. Мазкур лойиҳа қуйидаги кўринишга эга:

«ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ» методи					
УМУМИЙ МУАММО					
1-қарор варианти		2-қарор варианти		3-қарор варианти	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги
ҚАРОР:					

“Тажриба воситасида ўқитиш цикли” (Д.Колб ғояси)

Мазкур метод қуйидаги тўрт омил асосига қурилади (48-шакл):



48-шакл. «Тажриба воситасида ўқитиш цикли» методининг асосий омиллари

Юқорида қайд этилган омилларнинг ҳар бири муайян шиор (ғоя)га асосланади. Чунончи:

1) ўқувчилар учун машқ (топшириқ)лар мазмунини танқидий ўрганиш ва улар устида фикр юритиш имконини берувчи шароитни ярат (рефлектив кузатиш);

2) ўқувчиларга зарур назарий билимларни бер;

3) муаммо юзасидан билдирилган фикрларни умумлаштириш ва хулосалаш учун шароит ярат (абстракт хулосалаш (концептуаллаш));

4) ўқувчиларга мукаммал шаклланган, айни вақтда яна бир бор текшириб чиқилиши лозим бўлган машқ (топшириқ)ларни ишлаб чиқиш имконини бер (фаол тажриба олиб боришга тайёрланиш);

5) якуний хулосани шахсий тажрибадан ўтказ ва фаолиятда ундан фойдалан (аниқ тажриба ўтказиш).

9 "Қора қути" методи

Таълим жараёнида мазкур методни қўллашдан мақсад - ўқувчилар томонидан мавзуни пухта ўзлаштиришга эришиш билан бирга уларни фаолликка ундаш, уларда ҳамкорликда ишлаш, маълум вазиятларни бошқариш ҳамда мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Методдан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

ўқувчилар жуфтликка бириктириладилар;
жуфтликларга мавзу моҳиятини ёритувчи асосий тушунчалар (таянч сўзлар, саналар, рақамлар, белгилар ва ҳ.о.)ни карточкаларга қайд этиш вазифаси юкланади;
ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда гуруҳлар томонидан топшириқнинг бажарилишини текширадилар;
топшириқни тўғри бажарган гуруҳнинг бир аъзоси ўқитувчи ролини бажаради ва топшириқнинг ечимини ёзув тахтасига ёзади;
синф ўқувчилари ёзув тахтасида қайд этилган фикрни шарҳлайдилар (таянч сўзлар, саналар, рақамлар, белгилар қандай маънони англатишини айтадилар);
тўғри жавоб берган ўқувчи ўқитувчи ролини бажариб, жуфтликларга мавзу моҳиятини ёритувчи схема, жадвал ёки тасвир яратишни топширади ва ўқитувчи ёрдамида топшириқнинг бажарилишини текширади.

10 "Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси, ...) ортиқча" методи

Ўқувчиларнинг мантиқий тафаккур юритиш кўникмаларига эга бўлишларида ушбу метод алоҳида аҳамиятга эга. Уни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

ўрганилаётган мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи тушунчалар тизимини шакллантириш;
ҳосил бўлган тизимдан мавзуга тааллуқли бўлган тўртта (бешта, олтита, ...) ва тааллуқли бўлмаган битта тушунчанинг ўрин олишига эришиш;
ўқувчиларга мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқлаш ва уни тизимдан чиқариш вазифасини топшириш;
ўқувчиларни ўз ҳаракатлари моҳиятини шарҳлашга ундаш (мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчилардан тизимда сақланиб қолган тушунчаларга ҳам изоҳ бериб ўтишлари ҳамда улар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни асослашларини талаб этиш лозим).

Мавзу моҳиятини ёритувчи тушунчалар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни кўрсата ва асослай олиш ўқувчиларда мустақил фикрлаш, шахсий ёндашувларини асослай олиш, шунингдек, тенгдошларининг фикрлари билан шахсий мулоҳазаларини ўзаро таққослаш кўникмаларини ҳам шакллантиради.

// "3/3" ("4/4", "5/5", ...) методи

Мазкур метод ҳам юқорида қайд этилган методларнинг муқобили ҳисобланиб, ўқувчилардан ўрганилаётган мавзу (ёки бўлим, боб) юзасидан таҳлилий мулоҳаза юритиш, шунингдек, энг муҳим таянч тушунчаларни ифодалай олишни талаб этади. Унга кўра ўқитувчи мавзу (бўлим, боб) юзасидан учта (тўртта, бешта ва ҳоказо) тўғри ва унга тенг нисбатда (учта, тўртта, бешта) бўлган ва ноўрин қўлланилган тушунчалар (сўзлар, белгилар, тасвирлар ва бошқалар)дан иборат тизимни шакллантиради. Ўқувчилар ушбу тизимдан мавзу (бўлим, боб)га та-

аллуқли бўлмаган тушунчаларни ажратадилар ва ҳаракатларининг моҳиятини изоҳлайдилар.

Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади:

ўқитувчи ўзаро тенг нисбатда мавзу (бўлим, боб)га оид ва оид бўлмаган асосий тушунчалар тизими яратади;
ўқувчилар мавзу (бўлим, боб)га оид ва оид бўлмаган асосий тушунчаларни аниқлайдилар ва даҳлдор бўлмаган асосий тушунчаларни тизимдан чиқарадилар;
ўқувчилар ўз ҳаракатларининг моҳиятини изоҳлайдилар.

Методдан индивидуал, гуруҳли ва оммавий шаклда ўқувчилар томонидан мавзунинг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш ҳамда уларнинг билимларини аниқлаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

12 "Расмларни тўғри жойлаштир" методи

Кичик гуруҳларда ишлашда ушбу методдан фойдаланиш ҳам ижобий натижаларни кафолатлайди. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

ўқитувчи томонидан ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини мантиқий кетма-кетликда ёритишга хизмат қилувчи тушунчаларни ифода этган махсус карточкалар мажмуи тайёрланади (ҳар бир карточканинг орқа томонига мавзу моҳиятини ёритувчи «ядро» тушунчанинг биттадан ҳарфи жойлаштирилади ва махсус қоплама билан беркитилади);
ҳар бир гуруҳга махсус карточкаларнинг алоҳида мажмуси топширилади ва карточкаларни улардаги тушунчаларга асосан мантиқий кетма-кетликда жойлаштириш вазифаси юкланади;
гуруҳлар томонидан топшириқ бажарилиб бўлингач, карточкаларнинг орқа томони ўгирилади ва махсус қоплама очилиб, топшириқнинг қай даражада тўғри бажарилганлиги аниқланади.

Агар топшириқ гуруҳлар томонидан тўғри бажарилган бўлса, якуний жараёнда карточкалар орқа томонга ўгирилганда мавзунинг моҳиятини ёритувчи "ядро" тушунча ҳосил бўлади.

Методдан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, бу жараёнда ўқувчиларда мавзуни муайян қисмларга бўлиб ўрганиш ва қисмлар ўртасидаги мантиқий боғлиқлик ҳамда алоқадорликни анализ ва синтез асосида аниқлаш кўникмалари ҳосил қилинади.

13 "Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш" методи

Ўқувчилар билан оммавий ва гуруҳ шаклида ишлашда ушбу методни қўллаш ниҳоятда қулай. Методдан машғулотлар сўнгида мавзуни мустаҳкамлашга оид тезкор савол-жавобни ташкил этишда фойдаланиш мумкин. Метод қуйидаги ҳаракатларни ташкил этиш асосида қўлланилади:

ўқитувчи томонидан ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини мантиқий кетма-кетликда ёритишга хизмат қилувчи тушунчаларни ифода этган махсус карточкалар мажмуи тайёрланади (ҳар бир карточканинг орқа томонига мавзу моҳиятини ёритувчи «ядро» тушунчанинг биттадан ҳарфи жойлаштирилади ва махсус қоплама билан беркитилади);
ҳар бир гуруҳга махсус карточкаларнинг алоҳида мажмуси топширилади ва карточкаларни улардаги тушунчаларга асосан мантиқий кетма-кетликда жойлаштириш вазифаси юкланади;
гуруҳлар томонидан топшириқ бажарилиб бўлингач, карточкаларнинг орқа томони ўгирилади ва махсус қоплама очилиб, топшириқнинг қай даражада тўғри бажарилганлиги аниқланади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг VIII синфида "Иқтисодий билим асослари" фани бўйича ташкил этилган машғулот жараёнида "Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш" методини қўллашда ўқувчиларга қуйидаги саволларни бериш мумкин:

1. Инсон эҳтиёжларини қондириш учун унга турли хил неъматлар (ресурслар) зарур бўладими?

2. Ҳаво, сув, қуёш нури ва иссиқлиги, шунингдек, фойдали қазилмаларни инсон кучи билан ҳосил қилиш мумкинми?

3. Инсон меҳнати, у томонидан ташкил этилаётган иқтисодий фаолиятнинг маҳсули маҳсулот деб аталадими?

4. Маҳсулотлар фақатгина моддий неъматлардангина иборатми?

5. Хизмат кўрсатишнинг муайян кўриниши маҳсулот бўла оладими?

6. Моддий неъмат яратмайдиган, бироқ натижаси инсонлар эҳтиёжини қондиришга қаратилган иқтисодий фаолият хизматлар деб аталадими?

7. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун иқтисодий ресурслар (хом-ашё, инсоннинг жисмоний ва ақлий кучи, турли механизм, машина ва асбоб—ускуналар, ишлаб чиқариш корхоналари)нинг бўлиши шартми?

8. Иқтисодий ресурслар миқдорининг "чекланган деб ҳисобланиши" тўғрими?

9. Жамиятда иқтисодий чекланганлик муаммоси мавжудми?

10. Иқтисодий чекланганлик муаммосининг иқтисодиётнинг асосий (бош, етакчи) муаммоси деб ҳисобланиши тўғрими?

14 "Видеотопишмоқ" методи

Сўнгги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот

воситалар (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида таълим жараёнида турли ахборот воситаларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси турибди. Видеотопишмоқ методидан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

ўқувчилар эътиборига ўрганилаётган мавзу моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи изоҳларсиз бир нечта видеолавҳа намойиш этилади;
ўқувчилар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайдилар;
жараёнларнинг моҳиятини дафтарларига қайд этадилар;
ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтарадилар.

15 "Юмалоқланган қор ўйини" методи

Ушбу метод ҳам мавзуни муайян қисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини беради ҳамда ўқувчиларда гуруҳ ва жуфтликда ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

тасвирли карточкалар тайёрланади:
уларнинг орқа томонига мавзуни ўзлаштиришга оид ўн-беш вариантдан иборат топшириқлар ёзилади;
синф ўқувчилари икки ёки уч гуруҳга бўлинадилар (гуруҳларни ҳосил қилишда тасвирли карточкалардан фойдаланилади);
ҳар бир гуруҳ аъзолари бир нечта жуфтликларга бириктириладилар;
ҳар бир жуфтлик бир вариантдаги топшириқни бажаради;
жараён якунида умумий хулосалар чиқарилади.

"Юмалоқланган қор ўйини" методидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш ниҳоятда қулай.

16 "Заковатли зукко" методи

Мавжуд билимларни пухта ўзлаштиришда ўқувчиларнинг фикрлаш, тафаккур юритиш лаёқатларига эгаликлари муҳим аҳамиятга эга. "Заковатли зукко" методи ўқувчиларда тезкор фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, уларнинг тафаккур тезликларини аниқлашга ёрдам беради. Метод ўз хоҳишларига кўра шахсий имкониятларини синаб кўриш истагида бўлган ўқувчилар учун қулай имкониятни яратади. Улар ўқитувчи томонидан берилган саволларга қисқа муддатларда тўғри ва аниқ жавоб қайтара олишлари зарур. Саволларнинг мураккаблик даражасига кўра ҳар бир саволга қайтарилган тўғри жавоб учун баллар белгиланади. Якуний балларнинг ўртача арифметик қийматини топиш асосида ўқувчиларнинг тафаккур тезлиги аниқланади.

Балларнинг белгиланиши ўқувчиларнинг шахсий имкониятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишларини таъминлайди.

Метод ўқувчилар билан якка тартибда, гуруҳли ва оммавий ишлашда бирдек қўлланилиши мумкин.

17 "Қарама-қарши муносабат" методи

Метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;
улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;
тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;
жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;
кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;
жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

Ўқувчилар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг эътиборларига қуйидаги жадвалларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир:

1. Якка тартибда ишлаш жараёнида фойдаланиш учун:

Мавзунинг аҳамияти			
№	Муҳим тушунчалар	№	Муҳим бўлмаган тушунчалар
1. 2. 3. 4. 5. ...		1. 2. 3. 4. 5. ...	

2. Жамоа асосида ишлаш жараёни учун:

Мавзунинг аҳамияти		
№	Жамиятнинг ижтимоий (иқтисодий, маданий) ҳаётидаги роли (ўрни)	Шахс ҳаётидаги роли (ўрни)
1. 2. 3. 4. 5. ...		

“Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим” методи

Ушбу метод ўқувчиларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида ўқувчилар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

1) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;

2) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги схема асосида ташкил этилади:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Ўқувчиларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.
2. Ўқувчиларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.
3. Ўқувчилар мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништириладилар.

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти қуйидагича:

синф ўқувчилари гуруҳларга бириктириладилар;
ўқувчиларнинг янги мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражаси ўрганилади;
ўқувчилар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;
ўқувчиларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади;
ўқувчиларнинг эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;
ўқитувчи янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан ўқувчиларни хабардор қилади;
ўқувчилар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;
баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;
машғулот якунида ягона лойиҳа яратилади.

15 "Зиг-заг" стратегияси (методи)

Метод ўқувчилар билан гуруҳ асосида ишлаш, мавзуни тезкор ва пухта ўзлаштиришга хизмат қилади. Методнинг афзаллиги қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

1) ўқувчиларда жамоа (ёки гуруҳ) бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланади;
2) мавзуни ўзлаштиришга сарфланадиган вақт тежалади.

"Зиг-заг" стратегиясини қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

синф ўқувчилари бир неча (5-7 та) гуруҳга бўлинади;
янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн ҳам тегишли равишда 5-7 та қисмга ажратилади;
ҳар бир гуруҳга мавзунинг муайян қисми (1-матн, 2-матн, ... ва ҳоказолар) берилади ва уни ўрганиш вазифаси топширилади;
белгиланган вақт мобайнида гуруҳлар матн устида ишлайдилар;
вақтни тежаш мақсадида гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади ва улар ўрганилган матнга оид асосий маълумотларни гуруҳдошларига сўзлаб берадилар;
лидерларнинг фикри гуруҳ аъзолари томонидан тўлдирилиши мумкин;
барча гуруҳлар ўзларига берилган матнни пухта ўзлаштирганларидан сўнг матнлар гуруҳлараро алмаштирилади;
бу босқичда ҳам юқоридаги фаолият такрорланади;
шу тахлитда мавзу моҳиятини ёритувчи яхлит матн ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади.

“Вен диаграммаси” стратегияси (методи)

Ушбу стратегия ўқувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. Стратегия кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади.

Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:



Стратегия ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни

қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ушбу стратегиядан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Стратегияни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

синф ўқувчилари тўрт гуруҳга бўлинади;
ёзув тахтасига топшириқни бажариш моҳиятини акс эттирувчи схема чизилади;
ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу (бўлим, боб) юзасидан алоҳида топшириқлар берилади;
топшириқлар бажарилгач, гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади;
лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдирадилар.

"Вен диаграммаси" стратегиясини қўллаш жараёнида гуруҳлар томонидан ташкил этилувчи фаолият моҳияти қуйидагичадир (фаолият моҳияти умумий ўрта таълим мактабларининг VII синфида ўқитиладиган "География" фани бўйича "Ўзбекистон табиатининг умумий тавсифи" бўлими юзасидан билимларни ўрганиш асосида очиб берилади):

Гуруҳлар	Диаграммаининг тартиб рақами	Топшириқлар мазмуни
1- гуруҳ	1-диаграмма	Ўзбекистон ҳудудидаги текисликлар
	2-диаграмма	Ўзбекистон ҳудудидаги тоғлар
	3-диаграмма	Ўзбекистон ҳудудидаги тоғ оралиқ ботиқлар
2- гуруҳ	1-диаграмма	Ўзбекистон ҳудудидаги нефт ва газ конлари
	2-диаграмма	Ўзбекистон ҳудудидаги кўмир конлари
	3-диаграмма	Ўзбекистон ҳудудидаги мис ва олтин конлари
3- гуруҳ	1-диаграмма	Ўзбекистон ҳудудидаги дарёлар
	2-диаграмма	Ўзбекистон ҳудудидаги кўллар
	3-диаграмма	Ўзбекистон ҳудудидаги сув омборлари
4- гуруҳ	1-диаграмма	Ўзбекистон ҳудудидаги чўллар
	2-диаграмма	Чўл ўсимликлари
	3-диаграмма	Чўл ҳайвонлари

“Инсерт” стратегияси

Стратегия ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг муайян тушунчаларга эгаликларини аниқлаш ва уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Стратегияни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

кичик гуруҳлар шакллантирилиб, улар номланади;
ҳар бир гуруҳдан ўзлаштирилиши режалаштирилаётган мавзуга оид иккита фикр билдириш сўралади;
ўқувчилар навбатма-навбат мулоҳазаларни баён этадилар;
баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади;
сўнгра ўқитувчи янги мавзу моҳиятини ёритувчи матнни гуруҳларга тарқатади;
гуруҳлар матн билан танишиб чиқиб, матн ва ўзлари билдирган фикрларнинг бир-бирига қай даражада мувофиқ келганлигини аниқлайдилар (ўхшашлик ва фарқлар махсус белгилар ёрдамида қайд этилади);
гуруҳ аъзолари шахсий қарашларини ифода этадилар ва махсус белгилар сони умумлаштирилади;
гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар белгиланади;
лидерлар синф жамоасини гуруҳ натижалари билан таништирадилар;
гуруҳларнинг ёндашувлари умумлаштирилиб, якуний хулоса чиқарилади.

Стратегияни қўллашда ўқувчилар қўйидаги схемалар бўйича фаолиятни ташкил этадилар:

1. Гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар билан матн қиёсий таққосланганда:

Махсус белгилар	Махсус белгиларнинг маъноси
Z	Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топган бўлса
S	Матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар ўз аксини топмаган бўлса
?	Матн билан танишиш жараёнида саволлар туғилса (тушунмовчиликлар юзага келса)

2. Лидерларнинг ҳисоботидан сўнг гуруҳларнинг натижаларини ўрганиш чоғида:

Махсус белгиларнинг тартиб рақамлари	Гуруҳларнинг номлари			
	Коперник	Галилей	Гиппократ	Ибн Сино
1.				
2.				
3.				

Стратегия ўқувчиларда мантиқий фикрлаш, шахсий хатолар устида ишлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Ролли ҳамда ишбоп ўйинлар

Айни вақтда таълимни ташкил этишда ролли ҳамда ишбоп ўйинлардан самарали фойдаланишга эътибор берилмоқда. Ўйин чоғида маҳсулдор эмас, балки жараёнли фаолият ташкил этилганлиги боис ўқувчилар тасвирий вазиятларни яратиш асосида ўзларининг атроф-муҳитга бўлган муносабатларини табиий намоён эта оладилар. Ўйинли фаол фаолият эса уларнинг ижодий имкониятларини ошириб, тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг назарий билимларни амалий кўникма ва малакаларга айлантириш, уларда таълимий фаолликни юзага келтириш, уларни ижтимоий муносабатлар жараёнига кенг жалб этишда ролли ҳамда ишбоп ўйинлар ўзига хос ўрин тутади.

Ўйин технологиялари таълим самарадорлигини таъминлаш, ўқувчиларда фаолликни юзага келтириш, билим,

кўникма, малакаларни шакллантириш, вақтни қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Ўйин жараёнида намоён бўлувчи психологик хусусиятлар ҳар ўқувчига шахсий имкониятларини намойиш эта олиш имконини беради, уларнинг ижтимоий ҳаётда эгаллаган ўрнини барқарорлаштиради, уларда ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ҳосил қилади.

Ўйин технологиялари назарий билимларни мустаҳкамлаб, амалий кўникмаларнинг малакаларга айланишини таъминлаб қолмай, ўқувчиларда муайян ахлоқий, иродавий сифатларни ҳам тарбиялайди.

Педагог ва психолог олимлар - Д.Н.Узнадзе, Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, С.А.Шмаков, Г.К.Селевко, П.Я.Гальперин, И.Оллоёров, А.А.Вербицкий ва бошқалар ўйинга асосланувчи фаолиятнинг моҳияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари борасида тадқиқот ишларини олиб борганлар. Айни вақтда биз бу борада зарур назарий ва амалий маълумотларга эгамиз.

Ўйинларни ташкил этиш мақсадлари қуйидагилардир:

таълимий (дидактик) мақсад;
тарбиявий мақсад;
фаолиятни ривожлантиришга йўналтирувчи мақсад;
ижтимоий мақсад.

С.Каллаган[1] нинг таъкидлашича, ролли ўйинларнинг муваффақиятли ташкил этилиши учун бир қатор шартларга амал қилиш зарур. Улар қуйидагилардир:

1 Одарённые дети. – Москва: Прогресс, 1991. – 357 с.

жамоа аъзолари ўртасида самимий муҳитни қарор топтириш;
ўйин жараёнида қатъий талаблар қўйилишини инкор этиш;
ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эркин, бемалол, ўзига ишонган ҳолда, хотиржам ҳаракат қилишларига эришиш;
синфда қулай шароитнинг мавжуд бўлиши (шовқин даражасини назорат қилиш, ўқувчиларни чалғитувчи ҳаракатларни содир этмаслик);
синфда тартиб ва тинчликни сақлаш мақсадида ўқувчиларнинг ўйин фаоллигига таъсир қилмаслик.

Г.К.Селевконинг фикрича, ўйин психопедагогик жараён саналиб, у қуйидаги тузилмага эга бўлади (49–шакл):



49-шакл. Дидактик ўйинларнинг умумий тавсифи

Қуйида "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанинг ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган ўйинлардан бир нечтасининг умумий лойиҳасини келтирамиз.

"Мактаб ўртоқлик суди"

Суднинг асосий вазифаси – мактаб Устави ҳамда ички тартиб-қоидалари, умумжамият ахлоқ ва ҳуқуқий меъёрлари талабларини бузган, уларга амал қилишдан бош тортган, педагогик назоратдан четда қолган ўқувчилар хат-

ти-ҳаракатларини таҳлил этиш, уларнинг сабабларини ўрганиш, хулосалар ва бундай хатти-ҳаракатларнинг барҳам топишига кўмак берувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

"Мактаб ўртоқлик суди" фаолиятини узлуксиз олиб бориш мақсадида

оммавий-ахборот воситалари, хусусан, вақтли матбуот нашрлари саҳифаларида берилаётган, вояга етмаган ёшлар ва уларнинг фаолиятлари масаласига тааллуқли бўлган материалларни ўрганиб, уларнинг мазмунини ролли жараённи ҳосил этиш орқали ўқувчиларга намойиш қилиш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бунинг учун машғулот мавзуи ва мазмунидан четга чиқмаган ҳолда суд жараёни сценарийси ишлаб чиқилади ва ижро этилади. Ҳаётий воқелик тасвир этилган ушбу жараённинг бориши, якунлари хусусидаги хабар "Қонун ва ёшлар" номли махсус деворий газета саҳифаларида ёритиб бориш ўйин самарасини тўлақонли тасаввур этиш имконини беради.

Суд жараёнининг ташкил этилишида

ўқувчилардан иборат суд раиси, судья ва халқ маслаҳатчилари, адвокат ҳамда давлат қораловчиси (прокурор)нинг роли ва уларнинг муваффақиятли бажарилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ролларни бажариш вақтида ўйин иштирокчиларининг юридик нутқ ҳамда маданият қоидаларига амал қилишлари ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилади, бу ҳолат ўқувчиларда юридик сўз ва ибораларни тўғри қўллаш, фикрни тингловчиларга аниқ етказиб бериш, нотиқлик маҳоратини шакллантириш имконини берди. Суд ишида ота-

оналар, маҳалла фаоллари, фахрий ёки турдош синфлар, шунингдек, бошқа босқич синфларининг ўқувчилари ҳам кузатувчи сифатида иштирок этишлари мумкин.

"Адолат ўлкасига саёҳат"

Ролли ўйинлардан яна бири - "Адолат ўлкасига саёҳат" деб номланган. Ўйиннинг мақсади - ўқувчилар ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, уларда ҳуқуқий идрок ва зеҳнни шакллантириш. Мазкур ўйин беллашув тарзида ҳам уюштирилиши мумкин. Унда икки ёки тўртта гуруҳ иштирок этиб, бир қатор шартларни бажарадилар.

"Адолат ўлкаси"да қуйидаги кўчалар мавжуддир (50-шакл):



50-шакл. «Адолат ўлкаси»нинг шартли номлар билан номланувчи кўчалари

Ўйинни ташкил этиш жараёнида гуруҳлар мазкур кўчаларда бўлган вақтларида улар номи билан боғлиқ шартларни бажаришлари лозим. Қуйида "Адолат ўлкаси"нинг шартли номлар билан номланувчи "кўчалари" ҳамда ушбу кўчалар моҳияти хусусидаги фикрларни ифода этамиз.

Билағонлар кўчаси

Бу ерда ҳар гуруҳ портретларда тасвирланган ёки ўзлари танлаб олган варақаларда номлари ёзилган давлат, сиёсат

ва ҳуқуқ арбобларининг ҳаёти, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари керак бўлади. Ўйинда

Аристотел, Платон, Абу Наср Форобий, Бурҳониддин Марғиноний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Давоний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Дониш, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Шароф Рашидов, Жаҳон Обидова, Хадича Сулаймонова, Ислом Каримов кабилар тўғрисидаги маълумотларни бериш талаб этилади.

Шунингдек, мазкур "кўчада" "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", "Бола ҳуқуқлари конвенцияси", БМТ, Гаага суди, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи "Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи омбудсман" тўғрисида маълумотларнинг берилиши каби шартдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Конституция кўчаси

У ерда ҳар бир гуруҳнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмунини қай даражада билишлари ҳамда шарҳлай олишлари аниқланади. Гуруҳ аъзоларининг бу борадаги билимларини аниқлаш Республика Қомуси бўйича тузилган саволларга уларнинг берган жавобларини беш балли тизим бўйича баҳолаш асосида кечади.

Изқуварлар кўчаси

Бу ерда гуруҳларга 8 ёки 10 та юридик сўздан иборат ҳикоя тузиш вазифаси топширилади.

Гуруҳлар ўзларига берилган қуйидаги сўзликлар: суд, ўғрилик, жазо муддати, қораловчи, ҳукм, суриштириш, қарор, йил ва ҳоказолар ёрдамида шартни бажаришлари мумкин.

Сўзликлар беллашув ҳайъати томонидан тақдим этилади. Ёки бошқа мазмундаги шартларни бажаришлари мумкин. Масалан, А.Конан-Дойлнинг «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари» номли асаридан олинган, жиноий хатти-ҳаракатлар сирини очиш борасидаги сюжет берилиши мумкин.

Жумбоқ кўчаси

Бу ерда гуруҳлар эътиборига ҳуқуқий мазмундаги ребус ёки кроссворд (бошқотирмалар)ларни ечиш вазифаси ёки қуйидаги кўринишдаги жадвал мазмунини ёритиш топширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйида берилган бўлим ва бобларининг қандай номланишини айтинг:

1-бўлим 1-боб	5-бўлим XXI-боб	3-бўлим XIV-боб
2-бўлим VII- боб	6-бўлим	4-бўлим XVI-боб

б) Қуйида берилган ифодалар қайси юридик ҳужжатларнинг мазмунини ёритмоқда:

Топшириқлар		
Ушбу Қонун фуқароларга таълим-тарбия бериш; касб-ҳунар ўрганишнинг ҳуқуқий асосла-рини белгилайди ҳамда фуқаро-ларнинг билим олишдан иборат конституция-вий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган	Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаб-лари ўз фаолиятла-рида «Таълим тўғ-рисида»ги Қонунга; шу қонунга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Низомга амал қилади	Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатлам-ларининг ҳуқуқий саводхон-ликка эришишлари, юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқу-қий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратади

Ушбу кўчада берилувчи шартларнинг таркиби ҳуқуқий лингвистикадан ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан: берилган қўшимчалар орасида шундай бир мустақил сўзларни ёзиш талаб этилади, натижада юридик атама ёки икки, уч сўздан иборат тизим ҳосил бўлсин:

МУ . . . ЛИК – эркак кишининг исми ёрдамида ҳосил қилинувчи қасд тури (му**қоби**ллик)

ҚО . . . ЛИК – алоқа алмашув воситаси ёрдамида ҳосил қилинувчи жиноят таркиби (қо**тил**лик)

ТАЛ . . . ЧИ – лаҳза, муддат ёрдамида ҳосил қилинувчи жиноят содир этган шахс (тал**он**чи)

БОС . . .ЧИ – пичоқ солинувчи махсус ниқоб ёрдамида ҳосил қилинадиган жиноятчи номи (бос**қин**чи)

ТАД . . . КОР – саноқ сони ёрдамида ҳосил қилинувчи жисмоний шахс, маълум соҳа эгаси (тад**бир**кор)

КО . . . ТИВ – санъат тури ёрдамида ҳосил қилинувчи мулкчилик шакли (ко**опера**тив)

Тафаккур кўчаси

Бу ерда ҳар бир гуруҳ «Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари» курси доирасидаги исталган мавзу юзасидан кўрсатма-ли қурол, жадвал ёки шарҳ тайёрлаши керак бўлади.

Маҳорат кўчаси

Бу ерда ҳар бир гуруҳ ҳуқуқий мавзудаги шеър, қўшиқ

ижро этиб беришлари керак (мазкур шартда ахлоқий мавзудаги, хусусан, адолат, ҳақиқат, одиллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, диёнат, виждон каби туйғулар ҳақидаги бадиий асар намуналаридан ҳам фойдаланиш мумкин).

Ролли ўйинлар асосида ташкил этилган беллашувлар ўқувчиларда назарий ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаш, ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш эҳтиёжининг юзага келишига туртки беради.

Демак, ўйин технологияларининг шакллари турличадир. Бироқ, уларнинг барчаси ўз мазмунига кўра ягона мақсад сари йўналтирилади. Яъни, улар ўқувчиларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш, эгалланган назарий билимларидан амалиётда мустақил ва самарали фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий муносабатларни уюштиришга тайёрлаш, ижтимоий фаолликни шакллантириш, етук ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, теран ва соғлом фикр, кенг дунёқараш эгаси бўлган комил шахсни камол топтиришга хизмат қилади.

IV БОБ. ХУСУСИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ

Хусусий фанларни ўқитиш жараёнига таълим технологияларини татбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари

Хусусий фанларни ўқитиш жараёнида янги таълим технологияларини татбиқ этиш хусусий фанлар мазмунини янгилаш, уларнинг асослари борасида ўқувчиларга чуқур назарий билимларни бериш, назарий билимлар асосида амалий фаолият кўникма ва малакаларини шакллантириш, такомилаштириш имконини беради. Хусусий фанларни ўқитиш жараёнида янги таълим технологияларидан фойдаланиш шахс камолотини таъминлашга хизмат қилувчи мустақил фикр юритиш, ўз устида ишлаш, фаолиятга нисбатан ижодий ёндашиш каби хислатларнинг ҳам шаклланишига замин яратади. Шу боис биз қуйида хусусий фанларни ўқитиш жараёнида таълим технологияларидан фойдаланиш, уларнинг бу борадаги ички имкониятларини очиб бериш хусусида сўз юритмоқчимиз (ушбу банд мазмуни ЎзПФИТИ олимлари томонидан билдирилган таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар асосида ёритилди).

Тарих фанлари бўйича

Ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, тарих фанларини ўқитиш жараёнида комьпютер хизматидан фойдаланиш анъанавий дарс услубларини янги педагогик технологиялар услуби билан қўшиб олиб бориш имкониятини беради.

Компьютердан фойдаланиш асосида фан доирасида ўқувчиларнинг билим савиясини ошириш, кўникма ҳамда малакаларини ҳосил қилиш анча енгил кечади.

Бундан ташқари ўқувчиларга сабоқ беришда уларнинг индивидуал имкониятлари, шунингдек, улар томонидан билимларни ўзлаштириш тезлигини ҳисобга олиш мумкин.

Компьютерга жойлаштирилган тарихий маълумот, ҳужжат ва манбалар матни ўқувчига мустақил билим олиш

малакасини ҳосил қилишда ёрдам бериши билан бирга тарихий воқеликка мустақил ёндашиш, уларнинг моҳиятини идрок қилиш имкониятини беради.

Компьютернинг техник имкониятларини ҳисобга олиб таълим беришнинг ушбу босқичларини қуйидагича дастурлаш мақсадга мувофиқ (51-шакл):



51-шакл. Компьютер воситасида ўқув жараёнини лойиҳалаш

Компьютер имкониятларини эътиборга олган ҳолда дастурлаштиришни қуйидаги икки турга ажратиш мумкин:

1. Компьютердан ёрдамчи дастур асосида фойдаланиш (бунда ўқувчи томонидан ўрганилган мавзулар бўйича ўзлаштирган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакаларнинг даражаси аниқланади).

Мазкур жараёнда ўқувчиларнинг шахсий ривожланишларини инобатга олиш асосида улар томонидан фанлар асосларини ўзлаштириш даражасини маълум гуруҳларга бўлиш, яъни, уларга индивидуал тарзда таълим беришни ташкил этиш мумкин.

2. Ўқувчининг диққати, хотирасини мустаҳкамлаб, уни шахсий ютуқларни қўлга киритишга рағбатлантириш.

Таълим жараёнига таълим технологиясини жорий этиш ўқитувчидан педагогик фаолиятга нисбатан ижодий ёнда-

шишни талаб этади ҳамда ўқувчиларда мустақил таълим олишга нисбатан эҳтиёжни юзага келтиради.

Технологик ёндашув ўқувчиларга ДТС ва дастур талаблари асосида билим беришни назорат қилишнинг энг қулай воситаларидан биридир.

Айни вақтда республикада фаолият юритаётган таълим муассасаларида рейтинг асосида ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш анъанаси шаклланмоқда. Рейтинг назорати ўзига хос назорат тури бўлиб, уни таълим жараёнига татбиқ этиш бир қатор шартлар асосида амалга оширилади. Хусусан:

52-шакл. Рейтинг асосида ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш шартлари

Предмет бўйича ҳар бир синф ўқувчиларининг билим даражаси, кўникма ва малакаларини баллар асосида баҳолашда "Умумий ўрта таълим мактаблари учун тарихдан Давлат таълим стандартлари" ҳамда тарих фанлари бўйича ўқув дастурларида ифода этилган асосий талабларга риоя этиш инобатга олинади.

Хусусан, 7–синфда "Жаҳон тарихи" фани бўйича ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар баллар асосида қуйидагича баҳоланиши мақсадга мувофиқдир:

1. Тарихий воқеа ва жараёнларни жаҳон тарихининг муайян даври билан таққослаш, мавзулар бўйича режа ва жадваллар тузиш -1 балл.

2. Тарихий материалларни таҳлил этиш, тарихий воқеаларнинг сабабини аниқлаш, уларнинг натижалари ва аҳамиятини умумлаштириш –1 балл.

3. Манбалар асосида ўз хулосаларини асослай билиш, дарслик материалларини баён этиш –1 балл.

4. Тарихий шахсларга баҳо бериш, тарихий хариталардан фойдалана билиш –1 балл.

5. Тарихий ҳужжатлар билан мустақил ишлаш, воқеа ва ҳодисалар моҳиятини умумлаштириш ҳамда бугунги кун билан боғлай олиш –1 балл.

Ўқув дастури мазмунида белгиланган меъёрлар асосида ўқувчининг билим савиясини аниқлаш, кўникма ва малакаларнинг ифодаланишини эътиборга олган ҳолда якуний баҳо қўйилади.

Масалан, ўқувчи ўқув дастури бўйича тўлиқ билимини намоён этган ҳолда шакллантирилиши зарур бўлган кўникма ва малакаларга нисбатан асосланган талабнинг 4-5 - бандларини бажара олмади. Демак, унга 3 балл қўйилади.

Қуйида ўқувчиларнинг билимини баҳолаш ва аниқлаш тартиби борасида сўз юритилади.

Сўз юритилаётган жараёнда баҳолаш тизими қўлланилади. Бизнинг назаримизда баҳолаш тизими қуйидаги унсурлардан иборатдир:

а) ўқув фанлари бўйича чорак давомида ЖН ва ОН бўйича қўйиладиган дастлабки баллар;

б) ўқув фанлари бўйича ўқувчининг ЖН ва ОН баллари асосидаги умумий балл;

в) умумий ўрта таълим мактаби битирувчисининг ўқув фанлари бўйича якуний бали.

Ўқув фанининг йиллик максимал балини аниқлаш ўқув режасида белгиланган ҳафталик юкламанинг умумий ҳажмига кўра амалга оширилади. Масалан, ҳафтада бир соат ўқитилиши режалаштирилган ўқув фани учун максимал рейтинг бали 100 балл, ҳафтада 2 соат ўқитиладиган ўқув фани учун 200 балл тарзида белгиланади.

Тарих ва ҳуқуқ фани бўйича максимал балл ЖН, ОН ва ЯН ўртасида тақсимланади. Бунда ЖНга максимал баллнинг 55 фоиздан кам бўлмаган миқдори, ОН ва ЯНлар учун эса қолган миқдори ажратилади.

Ўқувчиларнинг билимини баҳолашда назорат шаклидан қатъи назар ЖН учун максимал 5 балл, ОН учун эса одатда 10 балл белгиланади. ЯННинг максимал балини IV чоракда амалга оширилган ОННинг умумий баллари ҳисобидан ўқитувчининг ўзи белгилайди.

Мусиқа фани бўйича

Мусиқа маданияти таълимида қўлланилаётган педагогик технологияларнинг самарадорлигини ўлчаш мезонлари соҳа бўйича таълимни давлат стандартлари ва ўқув дастурлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Мусиқа маданияти давлат таълим стандартлари асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқа фани асослари бўйича ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани мустаҳкамлаш, образли тасаввур ҳосил қилиш, ижодкорлик, мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, бадиий ва мусиқий дид каби хислатларни ривожлантириш талабларидан келиб чиқади. Айни вақтда бу борада муайян самарадорликка эришишнинг асосий йўли сифатида мусиқа дарсларининг ташкил этилишига нисбатан технологик ёндашув эътироф этилмоқда.

Педагогик технологияларнинг самарадорлиги мусиқий таълимни маълум мақсад асосида, шунингдек, мақбул шакл, усул ва воситалар ёрдамида ташкил этилиши билан таъминланади. Жумладан: техник воситалар, компьютер ва

бошқа мусиқий чолғулар услублари, кўргазмали жиҳозлар, амалий машғулотлар, педагогик ва психологик воситалар, илғор ўқитувчиларнинг илғор тажрибалари, дарсларнинг ноанъанавий шакллари, баҳолашнинг янги тизими кабилар педагогик технологиялар самарадорлигини аниқлашнинг муҳим мезонлари бўлиб хизмат қилади.

Педагогик технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш мезонлари дарс жараёнида ўқувчилар томонидан қуйидаги ўқув фаолиятларини назарий ҳамда амалий тарзда бажариш борасидаги билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиш даражаси билан белгиланади:



53-шакл. Ўқувчиларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари

Мусиқий оҳангни тинглай олиш ва куйлаш таълим мазмунининг асосини ташкил этади. Шунингдек, чолғучилик, мусиқавий ҳаракатлар, ижодкорлик фаолиятларини кенг кўламда ташкил этиш, мусиқий тавсифларини ифодалаш имкониятини яратади. Ўзбек халқ мусиқаси, ўзбек ҳамда жаҳон мусиқий асарларидан намуналар, шашмақом шўъбалари, маҳаллий мусиқа услубларидан намуналар тинглаш орқали ўқувчиларда мусиқий саводхонлик шаклланади.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолияти ўқувчиларни мусиқий ўқув қобилияти ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун зарурдир. Синфда жамоа бўлиб куйлаш жараёнида ўқувчи ўзининг овоз ижросини бошқариш, устозларининг ижросини тинглаш, уларни кузатиш ҳамда биргаликда куйлашга интилади.

Ўзбек халқ қўшиқлари, ўзбек бастакорлари, жаҳон ва қардош халқларининг маҳаллий мусиқа услубларига оид фольклор қўшиқлари, мақом айтиш йўлларидан намуналар ижро этиш орқали уларда ижрочилик маҳорати шакллана боради.

Мусиқий саводхонлик барча билимларни назарий жиҳатдан бирлаштирувчи фаолият сифатида муҳим аҳамиятга эга. Дарс, дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида қандай фаолият (тинглаш, ижро этиш, мусиқий ҳаракатлар) ташкил этилмасин, муайян мавзудаги мусиқий асар ўрганилади ва ўқувчиларда уларнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни, жанри, шакли, тузилиши, ижро услуби борасида янги тушунчалар ҳосил бўлади. Шу боис, мусиқий саводхонлик фақатгина нота ёзувларини ўрганишдан иборат бўлмай, балки ўқувчиларнинг умумий мусиқий лаёқатини таркиб топтирувчи умумий билим, тушунчалар мажмуаси (ижро анъаналари ва услуби, халқ ва бастакорлик мусиқаси, уларнинг фарқлари, миллий мусиқанинг ўзига хос хусусиятлари, классик мусиқа, нота саводи)ни ташкил этади.



54-шакл. Мусиқий саводхонлик асослари

Мусиқа тинглаш якканавоз ва жўровозликни ажрата билиш, ансамбль ва оркестр ижросини фарқлай олиш, созлар ва созлар тембрини ажрата олиш, мусиқий дид ва идрокни ривожлантиришни таъминлайди. Ўзбек қардош ва жаҳон халқлари бастакорлари асарларидан намуналар тинглаш асосида ўқувчиларда шаклланган эстетик дид ва маданият такомиллашиб боради.

Болалар ижрочилигининг шаклланганлик даражаси ва рақс

ижрочилиги, якка ва жамоа бўлиб ижро этиш, халқ ва касбий мусиқий асарлар, болалар куй ва қўшиқлари, оммавий, халқ куй-қўшиқлари, мақом, достон, замонавий мусиқий асарлар, машҳур созанда ва хонандаларининг ижоди тўғрисида маълумотларга эга бўлиш; мусиқанинг замонавийлиги, куй, гармония, ритм, усул, суръат, ўлчов, регистр, динамик белгилар билан танишиш, мажор ва минор ладларини фарқлай билиш; оддий мусиқа шакллари - бир, икки ва уч қисмли мусиқий асарлар; куплетли, рондо, соната, сюиталар ҳақида тушунчаларга эга бўлиш; мусиқий жанрлар - ашула, рақс, вальс, марш, опера, балет, мусиқий драма, чолғу мусиқаси, кантата, квартет, симфония каби жанрларни бир-биридан фарқлай олиш, асосий мусиқий фаолият турлари, бастакор, композицион, ижрочи созандалар ижоди билан танишиш; ижрочилар ансамбли, оркестр, халқ ва малакали созандалар ижрочилиги ҳақида тушунчага эга бўлиш, хор ижрочилиги - болалар, аёллар ҳамда эркаклар хори, халқ хорлари, давлат хори ижрочилиги билан танишиш; партиялар - сопрано, альт, тенор, бас овозларни фарқлай олиш; ифодавий восита ва усулларни тўғри англаш, амалий мусиқий-ижодий фаолиятида уларни қўллаш борасидаги билим ва малакалар билан баҳоланади.

Тасвирий санъат фани бўйича

Тасвирий санъат таълимида қўлланилаётган педагогик технологияларнинг самарадорлигини ўлчаш мезонлари соҳа бўйича таълимнинг давлат таълим стандартлари, ўқув дастурининг мазмунига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади.

Тасвирий санъат асосларини ёритувчи соҳалар қуйидагилардан иборатдир (55-шакл).



55-шакл. Тасвирий санъат асосларини ёритувчи соҳалар

Ўқувчиларнинг тасвирий санъат асослари борасидаги назарий билим ва амалий малакаларини белгиловчи мезонлар

Санъатшунослик асослари бўйича

Санъатшунослик асослари

тасвирий ва амалий санъат, меъморчилик ва дизайн тарихи, ўзига хос ва умумий жиҳатлари, образли ифодавий тили, тасвирий восита, усул, тамойилларини билиш; тасвирий санъатнинг турлари (ранг - тасвир, графика, ҳайкалтарошлик) ва жанрлари (портрет, манзара, анимал, батал, натюрморт)дан хабардорликлари; санъатдаги миллий (қадимий миллий тасвирий ва амалий санъат, нақкошлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик ва ҳ.о.) ва умуминсоний (европа классик, реалистик ранг - тасвири, француз импрессионизми, посимпрессионизми ва бошқалар) бадиий қадриятлар, уларнинг синтетик жараёнларини билиш, борлиқ ва санъатдаги гўзалликни кўра олиш, англаш, уларга шахсий муносабат билдира олиш каби билим, кўникма ва малакалар

Тасвирий саводхонлик бўйича

тасвирий - амалий дизайн санъати, меъморчиликнинг ижтимоий - маиший турмушдаги ўрни, санъат асарларининг функционал аҳамияти, вазифалари, санъатдаги мотив, рамз, тасвирий - ифодавий восита, усул ва тамойилларни тўғри англаш, уларни амалий, тасвирий фаолиятда қўллай олиш

Тасвирий фаолият бўйича

ранг - тасвир, ҳайкалтарошлик, графика соҳаларида натуранинг характерини тасвирлай олиш, унда буюм (натуранинг фазовий ҳолати, ҳажми, нисбати, фактураси (материали)ни тўғри тасвирлаш; натурани тасвирлашда тасвирий санъат қонуниятлари (чизиқли ва ҳаво перспективаси, композицион марказ ва композицион мувозанат)ни билиш, буюм (натура)нинг фазовий ҳолати, материали, фактурасини тўғри тасвирлашда рангшунослик, ёруғ ва соя қонуниятларидан тўғри фойдаланиш; тасвирий фаолиятнинг ўзига хос технологик жараёнларини билиш, уларга амал қилиш

Композицион фаолият бўйича

тур ва жанрларда мустақил композиция ярата олиш, унда турли техника ва усуллардан фойдаланиш, жанрларни синтетик тарзда (манзара - портрет, портрет - натюрморт; поренистик - анималистик; маиший - манзара ва ҳ.о.) қўллай олиш; тасвирий санъат ва дизайн санъатидан мустақил равишда мавзули, нақшинкор, шартли - тасвирий, рамзий композициялар яратиш, ушбу жараёнда эскизлардан тўғри ва унумли фойдалана билиш; турли усул (импрессионизм, пуантемизм, фовизм ва ҳ.о.), техникада композиция ярата олиш; амалий безак композициясида табиий шаклларни стилизациялаштириш орқали бадиий - рамзий образ яратиш, рангшунослик ечимларни тўғри ҳал этиш

56-шакл. Тасвирий санъат борасидаги билим ва малакаларни белгиловчи мезонлар

Она тили фани бўйича

Ўқувчиларнинг она тили фани асослари бўйича назарий билим, амалий малака ва кўникмаларга эга бўлишлари учун педагогик фаолият жараёнида қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

57 - шакл. Она тили фанининг самарадорлигини таъминловчи ҳолатлар

Ўқувчиларнинг ўқув фанларини ўзлаштириш даражаси рейтинг усулида баҳоланади. Янги педагогик технологиянинг самарадорлигни аниқлашда ҳам рейтинг тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Табиий фанлар бўйича

Педагогик технологиянинг муваффақиятли лойиҳаланиши ва якуний натижанинг кафолатланиши ўқитувчининг дидактик масалалар моҳиятини англаб етиш даражаси ва дарсда уларни тўғри баҳолай олишига боғлиқдир.

Ҳар бир дарсда таълимнинг аниқ мақсади белгиланиши ўқитиш технологиясини лойиҳалашда муҳим шартлардан бири саналади. Бунда фан мавзулари бўйича ўқитишнинг ташхисланувчи мақсади аниқланади. Дарҳақиқат, ҳар қандай фан ўзининг пайдо бўлган вақтидан бошлаб катта билимлар ҳажмини тўплаган ва у юқори тезликда бойитиб боряпти. Ўқитиш фақат зарурий ахборотларнигина танлаб олиш ва ўқувчининг ўзлаштириш қобилиятларига мос ҳолда улар ҳажмини миқдорий ўлчамга келтириш зарур.

Ҳар қандай фан босқичма-босқич ўрганган ҳолда ривожланиб боради. Ривожланишнинг узлуксиз жараёни турли фанларда турлича, ҳатто бир фан бўлимлари ўртасида ҳам нотекис кечади. Шу боис ўқув мавзулари бўйича мақсадни аниқ белгилаш учун абстракция поғоналари ва унга мос ўқув унсурини баён қилш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (58-шакл).



58-шакл. Мавзулар бўйича таълим мақсадини белгилашнинг абстракция поғоналари

Ўқув предметининг илмийлик даражаси ва бу параметрлар ёрдамида ўқувчилар билим сифатини баҳолаш учун коэффициент киритилади. Ўқувчилар томонидан ўқув унсурини қай даражада ўзлаштириш уларнинг фаолиятига боғлиқ. Фаолият кўрсатма воситасида ёки кўрсатмасиз мустақил равишда бажарилади. Маҳсулдор фаолият маълум педагогик кўрсатмалар асосида ташкил этилади, бироқ бу ерда ҳаракатлар кетма-кетлиги, тартиб қоидалари айни вазиятда янгиланган ёки ҳеч кимга маълум бўлмаган усуллар воситасида амалга ошади.

Юқорида тилга олинган ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун муносиб тестлар ишланиши керак. Тест - бу бирор бир фаолиятни бажариш учун маълум даражадаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлардир. Тестнинг тўғри бажарилганлигини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида ҳар бир тестга эксперт методи ёрдамида эталон ишлаб чиқилади.

Эталон ёрдамида тест ечимига олиб келадиган жиддий амаллар сонини аниқлаш қийин эмас. Ўқувчининг жавоби эталон билан солиштирилгач, тестнинг сифатли бажарилганлиги тўғрисида тегишли хулосага келинади ва тўғри ечилган амаллар сони ёрдамида ўзлаштириш коэффициенти аниқланади.

Шундай қилиб, педагогик айланмага ўқувчиларнинг тажрибани ўзлаштириш даражаси сифатини ўзлаштириш коэффициенти ёрдамида аниқ ҳисоблаш методикасини киритиш педагогик технологиянинг муҳим тамойилларидан бирини ифодалашга имкон беради. Бу таълимнинг тугалланганлик тамойилидир. Мазкур тамойил мактабда ўқитиш жараёни самарасиз кечиши борасидаги муаммоларнинг ечими ва йўналишларини излаб топиш имконини беради.

Дидактик масалаларнинг учинчиси - "таълим мазмуни" ёки ахборотларнинг муайян мажмуаси бўлиб, улар ёрдамида ёш авлодга умуминсоний ва миллий тажрибалар узатилади.

Ўқув юртларида ўрганилаётган фанларнинг ўзлаштириш унсури ниҳоятда кўп, бироқ ҳар бир ўқув юрти турига қараб ўзлаштириш унсурининг сони чекланади. Мисол тариқасида биология фанини олайлик. Бу фан мавзулари бўйича ўзлаштириш унсури умумтаълим мактаблари учун алоҳида, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари учун алоҳида, олий ўқув юртлари учун алоҳида аниқланади. Бунинг учун эса ўқув дастурлари ишлаб чиқилади.

Маълумки билимларнинг ўқувчилар томонидан эгалланиши уларнинг хусусий ўқув фаолияти натижаси туфайли рўй беради. Ҳар қандай ўқув фаолияти умумий лойиҳа бўйича қурилади ва тузатувчи ҳаракатларни мужассамлаштиради. Бу ҳаракатларни ўқувчилар бевосита ўқитувчи ва дарслик ёрдамида бажаришлари мумкин. Ўзлаштириш унсури ўқув ҳаракатларининг алоҳида, ўзлаштиришнинг маълум босқичида намоён бўлади. Чунончи, мўлжалли ҳаракатнинг бажарилиши ва ўқув топшириқларининг ўзлаштирилиши қуйидагича таъминланади:

а) ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан берилган тайёр топшириқларнинг моҳиятини тушуниб етишлари;

б) уларнинг топшириқларни фаол қабул қилишлари;

в) ўқувчиларнинг мустақил равишда ўқув топшириқларини бажаришлари;

г) улар томонидан муайян ўқув топшириқларининг мустақил равишда бажарилиши.

Ўқув фаолиятининг муҳим тавсифномаларидан бири - унинг натижасидир. Ечимнинг объектив тўғрилиги, натижани олгунга қадар содир этилган ҳаракат ва қадамлар сони, вақт сарфи, субъект учун фаолиятнинг муҳимлиги, унинг якунидан ўқувчининг қаноатланиши, сарфланган ақлий ва жисмоний куч ҳажми ва бошқалар ўқув фаолиятининг самарали якунини кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

Қуйида ижтимоий гуманитар ва табиий фанларни ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойда-

ланишга оид дарс ишланмаларини келтирамиз.

Демак, юқорида баён этилган фикрлардан англанганидек, хусусий фанларни ўқитиш жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишда ўқув фанларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Навбатдаги бобда хусусий фанларни ўқитиш жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишга оид дарс ишланмаларидан намуналар келтирамиз.

Дарс лойиҳалари

Тарих фани бўйича (5–синф учун)

Дарснинг мавзуси: Дукчи Эшон қўзғолони.

Дарснинг мақсади: Дукчи Эшон қўзғолони хусусида ўқувчиларга маълумотлар бериш асосида уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш.

Дарс жараёнида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Ўқувчиларга Дукчи Эшон қўзғолони, унинг келиб чиқиш сабаблари, қўзғолоннинг бориши ва якунлари тўғрисида маълумотлар бериш.

2. Ўқувчиларнинг мавзуни чуқур ўзлаштиришларига эришиш.

3. Ўқувчиларда халқ ўтмиши ва миллий қаҳрамонлар ҳаёти ва фаолиятига нисбатан ҳурмат уйғотиш.

4. Ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш.

Дарс жиҳозлари: изоҳли луғат, “Ўзбекистоннинг тарихий шахслари” номли альбом, тасвир, жадвал, адабиётлар.

Дарс жараёнида қўлланилувчи интерфаол методлар: суҳбат, савол–жавоб, тест, “Қора қути”, “5Х5Х5” ҳамда “Кластер” методлари.

Дарснинг режаси:

1. Дукчи Эшон –тарихий шахс ва миллий қаҳрамонлардан бири.

2. Дукчи Эшон қўзғолонини келтириб чиқарган сабаблар.
3. Дукчи Эшон қўзғолонининг бориши.
4. Қўзғолоннинг якуни.

Дарснинг бориши:

I. "5X5X5" методи ёрдамида билимларни ўзлаштириш.

Синф ўқувчилари 5 нафардан бўлиб 5 та гуруҳга бўлинадилар. Мавзунинг умумий матни 5 қисмга бўлиниб, ҳар бир қисм ҳар бир гуруҳга берилади ва гуруҳларга матнни ўрганиб чиқиш вазифаси топширилади. Матн гуруҳлар томонидан ўрганилгандан сўнг, гуруҳлар қайта ташкил этилади (ушбу ўринда ҳар бир гуруҳда аввалги бешта гуруҳнинг бир нафар аъзоси бўлиши шарт). Гуруҳлар қайта ташкил этилгандан сўнг ҳар бир ўқувчи ўзи ўзлаштирган маълумотларни қолган ўқувчиларга ҳикоя қилиб беради. Шу тарзда мавзу матн ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади.

II. Савол—жавоблар асосида суҳбат ташкил этиш. Ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Дукчи Эшон қандай шахс?
2. Дукчи Эшон раҳбарлигидаги қўзғолоннинг бошланишига қандай омиллар сабаб бўлди?
3. Дукчи Эшон раҳбарлигидаги қўзғолон қачон бошланди?
4. Ушбу қўзғолон қандай якунланди?
5. Подшо маъмурияти қўзғолончиларни қандай жазолади?

III. "Қора қути" методи ёрдамида ўзлаштирилган тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ушбу метод воситасида қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади: ўқувчилар жуфтликка бирикадилар ва уларга Дукчи Эшон қўзғолонининг моҳиятини ёритувчи асосий саналарни карточкаларга қайд этиш вазифаси юкланади. Ўқитувчи топшириқнинг гуруҳлар томонидан қандай бажарилганлигини текширади, уни тўғри бажарган жуфт-

ликнинг бир аъзоси ўқитувчи ролини бажаради ва ёзув тахтасига қуйидаги тарихий саналарни ёзади: **1887 йил, 1898 йил 11-май, 1898 йил 18-май.**

Сўнгра ўқувчилардан ушбу саналар қандай маънони англатишини сўрайди, тўғри жавоб бера олган ўқувчи ўқитувчи ролини ижро этади ва ўқувчилардан мавзу моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи бешта тушунча карточкаларга ёзишни сўрайди. Ушбу ўқувчи ўқитувчи ёрдамида топшириқни жуфтликлар ўқувчилари қандай бажарганларини текширадилар ва ёзув тахтасига қуйидаги атамаларни ёзадилар: Муҳаммад Али, Мингтепа, эшон, Андижон, дор. Ўқитувчи ролини бажараётган ўқувчи тенгдошларидан ушбу сўзлар нималарни англатишини сўрайди.

IY. "Бешинчиси ортиқча" методи ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Ўқувчиларга қуйидаги вазифани бажариш топширилади: берилган тушунчалар рўйхатидан мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчаларни аниқланг ва уларни рўйхатдан чиқаринг, ҳаракатларингиз моҳиятини изоҳланг. Тушунчалар: **Андижон, Муқанна, Мингтепа, дор, Муҳаммад Али.**

Y. "Кластер" методи ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Ўқувчилар гуруҳларга бўлинадилар ва уларга белгиланган вақт ичида мавзу бўйича қандай тушунчаларни ўзлаштирган бўлсалар, уларни қоғозга ёзиш вазифаси топширилади. Фикрлар тугагандан сўнг гуруҳ аъзолари тушунчаларни мантиқий жиҳатдан бир—бирига боғлаб чиқадилар (60-шакл).

Вазифани бажариш жараёнида фикрларнинг тўғри ёки нотўғрилигига аҳамият бермаслик, ниманики ўйлаган бўлса, шуни ёзиб бориш талаб этилади. Ёзувнинг техник (орфографик, мантиқий ва ҳоказо) жиҳатларига эътибор бермаслик айтиб ўтилади.

Дукчи Эшон қўзғолони



Ҳуқуқ фани бўйича

Дарс мавзуси: Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлатнинг устувор вазифаларидан бирига айланиши.

Дарс мақсади: Фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлишларининг ижтимоий жамият учун аҳамияти борасида ўқувчиларда тушунчалар ҳосил қилиш орқали уларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш эҳтиёжини қарор топтириш.

Дарс жараёнида ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар:

1. Ўқувчиларни жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги давлат сиёсати мазмунидан огоҳ этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида баён этилган ҳуқуқий маданият ва уни шакллантириш борасидаги қарашлар билан ўқувчиларни таништириш.

3. Ўқувчиларга "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" тўғрисида маълумотлар бериш.

4. Ўқувчиларга жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш.

5. Ўқувчиларда ҳуқуқий онг, унинг моҳияти ҳамда хусусиятлари тўғрисидаги тушунчаларни ҳосил қилиш.

6. Ўқувчиларга ҳуқуқий маданият, унинг моҳияти, хусусиятлари, таркиб топиш йўллари хусусида батафсил маълумотлар бериш.

7. Ўқувчилар томонидан "қонунийлик", "ҳуқуқий тартибот", "ҳуқуқий таълим", "ҳуқуқий тарбия", "ҳуқуқий онг" ва "ҳуқуқий маданият" тушунчалари ўзлаштирилишига эришиш.

Машғулот мазмуни:

1. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги давлат сиёсатининг мазмуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида илгари сурилган ғоялар.

3. "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" мазмуни.

4. Қонунийлик ва ҳуқуқ тарғиботининг жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти.

5. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳамда уларнинг моҳияти, хусусиятлари.

6. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш йўллари ва босқичлари.

Дарс жараёнида қўлланилувчи метод ва воситалар: тушунтириш, оғзаки ҳикоя, намойиш этиш, ўқув манба-

лари ва кўрсатмали қуроллар билан ишлаш, машқ қилдириш, суҳбат, муаммоли вазиятларни ҳал этиш, техник воситалардан фойдаланиш, дебат, чизмалар, тарқатма материаллар.

Дарс шакллари: маъруза, суҳбат, синф-дарс, муаммоли вазиятларни ҳал этиш.

Усуллар: нутқ, оёқ-қўл ва гавда ҳаракатларидан унумли фойдаланиш.

Мақсаднинг натижаланганлиги: ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш эҳтиёжи юзага келади, агарда машғулот жараёнида қуйидаги дидактик талаблар амал қилинса:

- мақсаднинг аниқлиги;
- машғулот мазмунининг пухталиги, шакл, метод ва воситаларининг самарали эканлиги;
- машғулот жараёнида техник воситалар хизматидан самарали фойдаланиш;
- машғулот жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларининг ҳисобга олинганлиги, ўқувчилар мустақиллигининг таъминланганлиги;
- ўқувчиларнинг машғулотга бўлган ижобий муносабатлари, фаолликлари ва бошқалар.

Назорат ва баҳолаш усуллари: якка тартибдаги, гуруҳли ва оммавий сўровлар, тест асосида ўқувчилар томонидан мавзунинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш.

Назорат учун тавсия этиладиган саволлар:

1. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги давлат сиёсати мазмунини Сиз қандай тушундингиз?

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асаслларида илгари сурилган ҳуқуқий маданият борасидаги фикрларни баён этинг.

3. "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" мазмуни нималардан иборат?

4. Ҳуқуқий онг нима?

5. Ҳуқуқий маданият деганда Сиз нимани тушунасиз?

6. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни таркиб топтириш йўллари ва босқичларини айтиб беринг.

7. Қонунийлик нима?

8. Ҳуқуқий тартибот нимани англатади?

9. Ҳуқуқий таълим нима?

10. Ҳуқуқий тарбия қандай ташкил этилади?

11. Сиз ўзингизда ҳуқуқий маданият унсурлари мавжуд деб ўйлайсизми?

12. Фуқаролар томонидан қонунлари беҳурмат қилинадиган жамият тақдирини Сиз қандай белгилаган бўлардингиз?

13. Юксак даражада ҳуқуқий маданиятли инсон бўлиш мумкинми?

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси улар томонидан тайёрланган реферат, ёзма иш, оғзаки журнал, деворий газета, чизма ва бошқалар асосида текширилади.

Ўқувчиларнинг мавзуни ўзлаштириш даражаси умумий рейтинг назорати асосида баҳоланади.

Адабиёт фани бўйича (5-синф)

Дарснинг мавзуси: Ў.Ҳошимовнинг ҳаёти ва ижоди. "Дунёнинг ишлари".

Дарснинг мақсади: Ўқувчиларни Ў.Ҳошимовнинг ҳаёти ва ижоди билан таништириш ҳамда "Дунёнинг ишлари" асарининг моҳиятини ўрганиш.

Дарс жараёнида қуйидаги вазифалар бажарилади:

1. Ўқувчиларга Ў.Ҳошимовнинг ҳаёти ва ижоди борасидаги билимларни бериш.

2. Ўқувчиларни "Дунёнинг ишлари" асарининг мазмуни билан таништириш.

3. Ўқувчилар томонидан асарнинг мазмуни ва моҳиятининг чуқур ўзлаштирилишини таъминлаш.

4. Ўқувчиларда оналарнинг буюк зот эканликлари тўғрисидаги тушунчани қарор топтириш.

5. Уларда оналарга нисбатан чексиз ҳурматни уйғотиш.

Дарс жиҳози: Ў.Ҳошимовнинг портрети, адиб ижоди хусусида маълумот берувчи жадвал, "Дунёнинг ишлари" асарининг нусхаси.

Дарс жараёнида қўлланилувчи методлар: суҳбат, савол-жавоб, "5Х5Х5", "3/3", "Тафаккур чўққиси".

Дарснинг режаси:

1. Ў.Ҳошимов – замонавий ўзбек адабиётининг етук намояндаларидан бири.

2. "Дунёнинг ишлари" асарининг асосий ғояси.

3. Асарда оналарга хос бўлган фазилатларнинг ёритилиши.

Дарснинг бориши:

I. "4Х8Х4Х8" методи ёрдамида билимларни ўзлаштириш.

Синф ўқувчилари 4 нафардан бўлиб 8 та гуруҳга бўлинадилар. Мавзунинг умумий матни 8 қисмга бўлиниб, ҳар бир қисм ҳар бир гуруҳга берилади ва гуруҳларга матнни ўрганиб чиқиш вазифаси топширилади.

Гуруҳларга қуйидаги дарслик матнининг қуйидаги қисмлари тавсия этилади:

1-гуруҳга - Ў.Ҳошимовнинг ҳаёти ва фаолиятига оид қисм.

2-гуруҳга - асарнинг "Оқ, ойдин кечалар" номли банди.

3-гуруҳга - асарнинг "Туш" номли банди.

4-гуруҳга - асарнинг "Гилам пайпоқ" номли бандининг 1-ярми.

5-гуруҳга - асарнинг "Гилам пайпоқ" номли бандининг 2-ярми.

6-гуруҳга - асарнинг "Алла" номли бандининг 1-ярми.

7-гуруҳга - асарнинг "Алла" номли бандининг 2-ярми.

8-гуруҳга - асарнинг "Илтижо" номли банди.

Матн гуруҳлар томонидан ўрганилгандан сўнг, гуруҳлар қайта ташкил этилади (ушбу ўринда ҳар бир гуруҳда аввалги бешта гуруҳнинг бир нафар аъзоси бўлиши шарт). Гуруҳлар қайта ташкил этилгандан сўнг ҳар бир ўқувчи ўзи ўзлаштирган маълумотларни қолган ўқувчиларга ҳикоя қилиб беради. Шу тарзда мавзу матн ўқувчилар томонидан ўзлаштирилади.

II. Савол-жавоблар асосида суҳбат ташкил этиш. Ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Ў.Ҳошимовнинг ҳаёти ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Адиб томонидан қандай асарлар яратилган?
3. "Дунёнинг ишлари" қандай жанрда ёзилган асар саналади?
4. Ушбу асарнинг асосий қаҳрамонлари кимлар?
5. Асарда оналарга хос бўлган қандай фазилатлар ифода этилган?
6. Асар билан танишиш натижасида қандай таассуротларга эга бўлдингиз?

II. "Қора қути" методи ёрдамида ўзлаштирилган тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ушбу метод воситасида қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади: ўқувчилар жуфтликка бирикадилар ва уларга адиб Ў.Ҳошимовнинг ҳаёти ҳақида маълумот берувчи тушунчаларни карточкаларга қайд этиш вазифаси юкланади. Ўқитувчи топшириқнинг гуруҳлар томонидан қандай бажарилганлигини текширади, уни тўғри бажарган жуфтликнинг бир аъзоси ўқитувчи ролини бажаради ва ёзув тахтасига қуйидаги тарихий саналарни ёзади: **1941 йил, Тошкент шаҳри, Дўмбиробод маҳалласи, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси.**

Сўнгра ўқувчилардан ушбу саналар нимани англатишини сўрайди, тўғри жавоб бера олган ўқувчи ўқитувчи ролини ижро этади. Навбатдаги босқичда ўқувчилардан адиб томонидан яратилган олтита асарнинг номини

карточкаларга ёзиш сўралади. Ушбу ўқувчи ўқитувчи ёрдамида топшириқни мавжуд жуфтликларга бириктирилган ўқувчилар қандай бажарганликларини текширади ва ёзув тахтасига қуйидаги атамаларни ёзади: **"Баҳор қайтмайди", "Икки эшик ораси", "Нур борки, соя бор", "Тушда кечган умрлар", "Дунёнинг ишлари", "Урушнинг сўнгги қурбони".** Ўқитувчи ролини бажараётган ўқувчи тенгдошларидан ушбу сўзлар нималарни англатишини сўрайди.

III. "3/3" методи ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Ўқувчиларга қуйидаги вазифани бажариш топширилади: берилган тушунчалар рўйхатидан Ў.Ҳошимов томонидан яратилмаган асар номини аниқланг ва уларни рўйхатдан чиқаринг, ҳаракатларингиз моҳиятини изоҳланг.

Тушунчалар: **"Тушда кечган умрлар", "Жаннат қидирганлар", "Уфқ", "Икки эшик ораси", "Баҳор қайтмайди", "Ёдгор"**.

IY. "Тафаккур чўққиси" методи ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Ўқувчиларга мавзу юзасидан мантиқий фикрлашни талаб этувчи қуйидаги саволлар берилади:

1. Сизлар қандай фикрдасизлар: нима учун асар "Дунёнинг ишлари" деб номланган?

2. Боланинг тушида онасининг чироқ кўтариб юрганларини кўриши Сизларнинг фикрингизча нимани англатади?

3. Айтинглар-чи, алланинг қудрати нимада?

4. Адибнинг "... дунёдаги ҳамма оналар яхши" деган сўзларининг маъносини қандай изоҳлайсизлар?

Ботаника фани бўйича (5-синф учун)

Дарснинг мавзуси: Ҳужайра ва унинг таркиби (умумлаштирувчи дарс).

Дарснинг мақсади: ўқувчилар томонидан ҳужайра, унинг тузилиши, таркибий қисмлари ва уларнинг вазифалари борасида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш; ноанъанавий методлар ёрдамида уларда мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, фан асосларини ўзлаштиришга бўлган қизиқишлари ҳамда билиш фаолликларини ошириш.

Дарс жиҳози: Ҳужайранинг динамик модели, "Ўсимликлар ҳужайрасининг тузилиши ва ҳаёти" номли диафильм, ўсимликлар ҳужайраси ва уларнинг моҳияти хусусида ҳикоя қилувчи видеолавҳа. "Ҳужайра ва унинг таркиби" мавзуси бўйича назорат варағи.

Дарс жараёнида ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар:

1. "Ҳужайра ва унинг таркиби" мавзуси бўйича умумий обзорни ташкил этиш.

2. Ноанъанавий методлар ёрдамида ўқувчилар томонидан "Ҳужайра ва унинг таркиби" мавзуси бўйича ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

3. Ўқувчиларга "Ҳужайра ва унинг таркиби" мавзуси бўйича назорат варағи билан ишлаш қоидалари борасида тушунчалар бериш.

4. Ўқувчиларнинг билимларини умумий тарзда баҳолаш.

Дарснинг бориши:

I. Қуйидаги саволлар асосида ўқувчиларнинг "Ҳужайра ва унинг таркиби" мавзусининг ўзлаштирганлик даражаси аниқланади:

1. Ўсимликлар организми нималардан тузилган?

2. Ўсимлик ҳужайраларини қандай асбоблар ёрдамида ўрганиш мумкин?

II. Кичик гуруҳлар (жуфтлик)да ишлаш.

Ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлиш асосида фаолият олиб боришда "Расмларни жойлаштир" номли интерфаол методдан фойдаланиш ўзининг ижобий натижасини беради.

"Расмларни жойлаштир" номли методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Жуфтликлар ўқувчиларига ўқитувчи томонидан тайёрланган ҳамда ҳар бир карточканинг бир томонига ҳужайра таркибий қисмларини англатувчи **"Ҳужайра", "Ҳужайра қобиғи", "Протопласт", "Цитоплазма", "Мағиз", "Вакуол" ва "Пластида"** каби сўзлар ёзилган карточкалар тўплами берилади. Гуруҳлар ўқувчиларининг фаолият юритишлари учун шундай кўрсатмалар берилади:

1. Мавзу юзасидан ўзлаштирган билимларингизга таяниб тақдим этилган карточкаларни мантиқий кетма-кетликда жойлаштиринг.

2. Карточкаларнинг орқа томонини ўгиринг ва топшириқни тўғри бажарганлигингизни текширинг (агар вазифа тўғри бажарилган бўлса, ҳар бир карточканинг орқа томонига ёзилган ҳарфлар ёрдамида ҳосил бўлган "ўсимлик" сўзи ўқилади).

Топшириқнинг бажарилиш ҳолатига мувофиқ ўқувчилар "Назорат варағи"нинг биринчи поғонасига шахсий фаолиятлари учун баҳо (балл тизимида) қўядилар.

III. Саволларга асосланувчи суҳбатни ташкил этиш. Мазкур ҳолатда ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинади:

1. Ўсимликлар ҳужайраси қандай қисмлардан иборат?

2. Ҳужайра протопласти қандай қисмлар мажмуидан ташкил топган?

3. Ҳужайра қобиғи қандай вазифани бажаради?

IY. "Қора қути" методи ёрдамида ўзлаштирилган тушунчаларни мустаҳкамлаш.

Ушбу метод воситасида жуфтлик асосида қуйидаги ҳаракатлар ташкил этилади: ўқувчилар навбат билан ўқитувчи ролини бажарадилар. Синф тахтасига цитоплазма, мағиз, вакуол, пластида ҳамда тўқима каби атамалар ёзилади, дастлаб ўқитувчи ролини бажараётган ўқувчи қайд этилган рўйхатга ҳужайра моҳиятини ёритувчи асосий тушунчалар киритилганлигини текширади. Сўнгра ўқувчилардан синф тахтасида ўз ифодасини топган атамаларга изоҳ бериш сўралади, тўғри жавоб бера олган ўқувчи ўқитувчи вазифасини бажаради. Ўқувчилар бу босқичдаги фаолиятлари учун ҳам назорат варағининг иккинчи поғонасига ўзлари учун баҳо қўядилар.

Y."Бешинчиси ортиқча" методи ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Ўқувчиларга қуйидаги вазифани бажариш топширилади: берилган тушунчалар рўйхатидан мавзуга тааллуқли бўлмаган тушунчаларни аниқланг ва уларни рўйхатдан чиқаринг, ҳаракатларингиз моҳиятини изоҳланг.

Тушунчалар: нафас олиш, ўсиш, кўпайиш, озиқланиш, югуриш.

YI. Видеотопишмоқ.

Изоҳларсиз ҳужайраларнинг ўсиши ва бўлиниши ҳақида маълумот берувчи иккита видеолавҳа намойиш этилади.

Ўқувчилар қуйидаги вазифани бажаришлари лозим: ҳар бир лавҳада қандай жараён моҳияти ёритилганлигини изоҳланг ва жараёнларни босқичма-босқич дафтарга қайд этиб боринг.

Ушбу босқичдаги фаолият ўқувчилар томонидан қуйидаги саволларга жавоб қайтариш билан якунланади:

1. Ҳужайралар ўсиш жараёнида қандай ўзгаради?
2. Ҳужайраларнинг бўлиниши жараёнида мағизда қандай ўзгаришлар содир бўлади?
3. "Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш"

методи ёрдамида билимларни мустаҳкамлаш.

Методнинг моҳияти: ўқувчиларга қизил ва яшил рангли карточкалар тарқатилади. Ўқитувчи томонидан берилган саволларнинг ҳар бирига ўқувчилар қизил (тасдиқ маъносини билдирувчи) ёки яшил (инкор маъносини билдирувчи) рангли карточкаларни кўрсатиш асосида жавоб қайтарадилар.

Ўқитувчи томонидан қуйидаги саволлар берилиши мумкин:

1. Ўсимликлар ҳужайралардан таркиб топганми?
2. Ҳужайраларнинг шакли ва ҳажми бир хилда бўладими?
3. Ҳужайраларда мағиз, цитоплазма, қобиқ, вакуол каби органоидлар мавжудми?
4. Ҳужайранинг хлоропластларида ёруғлик таъсирида фотосинтез жараёни содир бўладими?
5. Цитоплазма ҳужайрани озиқ модда ҳамда кислород билан таъминлашга хизмат қиладими?
6. Ҳужайра нафас оладими?
7. Тўқима турли вазифаларни бажарувчи ҳужайраларнинг йиғиндисими?
8. Ҳужайралар бўлиниш йўли билан кўпаядими?

YII. "Юмалоқланган қор ўйини" методи ёрдамида билимларни мустаҳкамлаш.

Синф ўқувчилари парталар қаторлари бўйича уч гуруҳга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ ўқувчилари турли ўсимлик (помидор, пиёз, чигит ва ҳоказо)ларнинг тасвири туширилган ва орқа томонида 3 ёки 4 та вазифа ёзилган карточкаларни оладилар. Биринчи гуруҳ ўқувчилари помидор ҳужайрасининг тузилиши, иккинчи гуруҳ ўқувчилари пиёз пўсти ҳужайрасининг тузилиши, учинчи гуруҳ ўқувчилари эса чигит ҳужайраси тузилишига оид топшириқларни бажарадилар. Топшириқ жуфтлик асосида бажарилади: биринчи саволга биринчи гуруҳнинг даст-

лабки жуфтлиги жавоб қайтаради, иккинчи саволга биринчи гуруҳнинг иккинчи жуфтлиги жавоб қайтаради ва ҳоказо. Фаолият якунида топшириқларнинг бажарилиши юзасидан умумий хулосалар чиқарилади.

Карточкаларда қуйидаги саволлар ўз аксини топиши мумкин: **1-рақамли карточка**

1. Расмда тасвирланган ўсимлик ҳужайраси бошқа ўсимликларнинг ҳужайраларидан қандай фарқланади?

2. Ҳужайра қобиғи қандай кўринишда бўлади?

3. Унинг ҳужайраси таркибида қандай рангли пластидлар мавжуд?

2-рақамли карточка

1. Расмда тасвирланган ўсимлик ҳужайраси қандай шаклга эга?

2. Ҳужайра қобиғи қандай кўринишда бўлади?

3. Унинг ҳужайраси таркибига кирувчи пластидлар қандай рангда бўлади?

3-рақамли карточка.

1. Расмда тасвирланган ўсимлик ҳужайрасининг узунлиги неча сантиметргача етади?

2. Ҳужайра қобиғи қандай кўринишда бўлади?

3. Унинг ҳужайраси таркибида қандай рангли пластидлар мавжуд?

YIII. "Қарама-қарши муносабат" методи ёрдамида билимларни мустаҳкамлаш.

Мазкур метод ёрдамида "Ҳужайра менинг ҳаётимда" ва "Мен ҳужайралар ҳаётида" мавзуларида матн тузилади. Топшириқни бажариш жараёни қуйидагича амалга оширилади:

1. Ҳужайраларнинг аҳамиятини эсланг.

2. Ҳужайралар Сизнинг ҳаётингизда қандай рол ўйнайди? (фикрингизни бир неча сўз бирикмалари асосида баён этинг).

3. Ўйлаган фикрларни кетма-кетликда ёзинг.

4. Қайд этилган фикрлар орасидан ўз нуқтаи назарингизга кўра энг муҳим деб билганларингизни ажратинг ва қуйида берилган жадвалнинг 1–бандига ёзинг.

5. Иккинчи даражали деб билган ғояларни жадвалнинг 2-бандига ёзинг.

№	Ҳужайра менинг ҳаётимда	№	Ҳужайра менинг ҳаётимда
1.	Ҳаётимнинг асоси	1.	Изланувчи
2.	Озиқ манбаи	2.	Табиатнинг кичик бир бўлаги
3.	Атмосферани кислород билан бойитади	3.	Истеъмолчи
4.	Озиқ-овқат саноати хом-ашёси	4.	Фойдаланувчи
5.	Ўғит	5.	Яратувчи

6. 4-5 нафар ўқувчи биргаликда шахсий ёндашувни муҳокама қилинг.

Сўнгра синф жамоасининг умумий фикрига кўра синф тахтасида қуйидаги тасвир ифодаланади:

Ҳужайранинг аҳамияти		
№	Табиатдаги	Инсон ҳаётидаги
1.	Ҳаётнинг асоси	Озиқ-овқат маҳсулоти
2.	Кислород манбаи	Насл давомчиси
3.	Асосий органик модда манбаи	Ишлаб чиқариш хомашёси
4.	Ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи манба	

XI. "Заковатли зукко" методи ёрдамида билимларни мустаҳкамлаш.

Тўплаган баллар нисбатига кўра машғулот жараёнида фаол иштирок этган ўқувчилар ўз хоҳишларига кўра

ўқитувчи томонидан бериладиган қуйидаги саволларга қисқа муддатда жавоб қайтарадилар:

1.Ҳужайраларни қаерларда учратиш мумкин?

2. Ҳужайра ким томонидан кашф қилинган?

3. Ҳужайра қандай асбоблар ёрдамида ўрганилади?

4. Ҳужайра қандай таркибий қисмларга бўлинади?

5. Ҳужайрада қандай ҳаётий жараёнлар содир бўлади?

6. Тўқима нима?

X. Дарсни якунлаш. Балларни ҳисоблаш. Ўз-ўзини назорат қилиш варағига якуний баллар йиғиндисини ёзиш.

Назорат варағи			
	Интерфаол методлар ёрдамида ташкил этилган босқичлар	Баллар миқдори	Шахсий фаолият учун қўйилган баллар
1.	Расмларни жойлаштир	0-3	
2.	Саволларга асосланувчи суҳбат	0-2	
3	Қора қути	0-5	
4.	Бешинчиси ортиқча	0-2	
5.	Видеотопшириқ	0-3	
6.	Қизил ва яшил рангли карточкалар билан ишлаш	0-8	
7.	Юмалоқланган қор ўйини	0-5	
8.	Қарама-қарши муносабат	0-5	
9.	Заковатли зукко	5	

"Ўсимлик ҳужайрасининг тузилиши" мавзусига оид асосий тушунчалар

№	Тушунчалар	Тушунча мазмуни	Билимлар ҳажми
1.	Ҳужайралар	Барча ҳаётий жараёнларни ўзида мужассамлаштирган ўсимлик органларининг таркибий бирлиги усулига кўра: автотрофлар, гетеротрофлар (ҳаракатланадиган, ҳаракатланмайдиган)	1.Тузилишига кўра: бир неча таркибий қисмлардан ташкил топган. 2.Тирик ҳужайрада нафас олиш, озиқланиш, ўсиш, кўпайиш хусусиятларига эга. 3.Ҳужайралар шакли, ранги, йирик-майдалиги, ички тузилиши ва функциясига кўра фарқ қилади.4.Кўпайиш усули: бўлиниш йўли билан кўпаяди.
2.	Ҳужайра қобиғи	Ҳужайрани ташқи томондан ўраб туради ва қалин, пишиқ, ўтказувчан бўлади	Вазифаси: ҳужайра протопластини ташқи таъсирлардан ҳимоя қилади ва озиқ моддаларни ўтказиш вазифасини бажаради
3.	Протопласт	Ҳужайра таркибига кирган қисмлар мажмуаси	У цитоплазма, бирёки бир неча ҳужайра мағизи, пластида ва вакуоллардан ташкил топган
4.	Цитоплазма	Протопластнинг доимий ҳаракатдаги асосий таркибий қисми	Рангига кўра: рангсиз, тиниқ. Ҳолатига кўра: суюқ ёки шилимшиқ. Вазифаси: ҳужайранинг барча қисмларини кислород ва озиқ-моддалар билан таъминлайди
5.	Мағиз	Ҳужайранинг деярли марказида жойлашган таркибий қисм	Шакли, ҳажми, йирик-майдалиги, ёши ва яшаш шароитига кўра турлича бўлади. Вазифаси: ҳужайра бўлинишида катта рол ўйнайди
6.	Пластидалар	Ҳужайранинг фақат ўсимликларга хос бўлган асосий таркибий қисмларидан бири	Пластидалар асосан уч хил бўлади: лейкопластлар – рангсиз, хромопластлар – қўнғир-қизил, хлоропластлар – яшил. Пластидалар ўсимлик ва меваларга ранг беради.

№	Тушунчалар	Тушунча мазмуни	Билимлар ҳажми
7.	Вакуол	Цитоплазма ичидаги ҳужайра шираси билан тўлган пуфакча	Шакли: ҳар хил. Пуфакчани вакуол қобиғи ўраб туради. Ҳужайра шираси таркибига сув ва унда эриган турли моддалар киради, меваларнинг таъми айнан шу ширага боғлиқ бўлади
8.	Тўқима	Тузилишига кўра ўхшаш бўлган ва бир хил вазифани бажарадиган ҳужайралар йиғиндиси	

Машғулот якунида синф тахтасида ўрганилган мавзу моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи тушунчалардан иборат қуйидаги схема ўз ифодасини топади:

Ҳужайра ва унинг таркиби



Зоология фани бўйича (7-синф учун)

Дарснинг мавзуси: Ҳайвон организмининг тузилиши, ҳайвонлар классификацияси.

Дарснинг мақсади: Ўқувчиларга ҳайвон организмининг тузилиши, ҳайвонлар классификацияси ҳақида умумий маълумот бериш; ҳайвон ҳамда ўсимлик организмининг ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини аниқлаш асосида эгаллаган билимларини янада мустаҳкамлаш.

Дарс жараёнида қўлланилувчи методлар: анъанавий ва интерфаол методлар.

Дарснинг режаси:

1. Ҳайвон организмининг тузилиши.
2. Ҳайвон органлари ва органлар системаси.
3. Ҳайвонлар классификацияси.
4. Ҳайвон ҳамда ўсимлик организмининг ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари.

Дарснинг бориши:

I. Дарснинг дастлабки босқичи "Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" номли интерфаол метод асосида ташкил этилади.

Синф ўқувчилари беш гуруҳга бўлинадилар, ҳар бир гуруҳга ном берилади (гуруҳ номларини ўқувчилар танлайдилар). Синф тахтаси уч қисмга бўлинади. Биринчи бўлимнинг юқори қисмига "Биламан", иккинчи бўлимнинг юқори қисмига "Билишни хоҳлайман", учинчи бўлимнинг юқори қисмига "Билиб олдим" деб ёзиб қўйилади.

Сўнгра ўқитувчи ўқувчилардан янги мавзу борасида қандай тушунчаларга эга эканликларини сўрайди, улар томонидан баён этилган тушунчалар "Биламан" номли бандга ёзилади. Ушбу ҳаракат ўқувчилар фикрларини тугатгунларига қадар давом эттирилади. Мазкур жараёнда барча ўқувчиларнинг фаоллиги таъминланиши лозим. Ўқувчилар ниманики ўйласалар, шу фикр (агар у нотўғри бўлса ҳам)ни айтишлари мумкин. Зеро, машғулот жараёнида ўқувчиларнинг фаолияти чекланмайди. Бундай ёндашув уларда эр-

кин, мустақил фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилиши зарур.

Ўқитувчи ўқувчилардан янги мавзу юзасидан қандай тушунчаларни ўзлаштиришни хоҳлашларини сўрайди ва уларни яна ўйлашга даъват этади. Ўқувчилар томонидан айтилган тушунчалар "Билишни хоҳлайман" номли бандда ўз аксини топади.

Ҳар икки банд бўйича фаолият якунлангач, ўқитувчи ўқувчиларга "Ҳайвон организмининг тузилиши, ҳайвонлар классификацияси" мавзусига оид матнни тарқатади. Матн мавзу юзасидан ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган асосий маълумотлардан тузилади. Ўқувчилар матнни ўқиб чиққанларидан сўнг "Янги мавзу бўйича яна нималарни билиб олдим?" деган саволга жавоб топишлари лозим. Ҳар бир гуруҳ ўқувчилари ўзаро фикрлашиб олганларидан сўнг ўзлаштирган янги тушунчаларни баён этадилар. Улар томонидан қайд этилган тушунчаларни ўқитувчи ёзув тахтасида ўз аксини топган жадвалнинг "Билиб олдим" номли бандига ёзиб боради. Намуна сифатида қуйидаги жадвални келтирамиз:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
Бош, оёқ, ичак, тери, гўшт, суяк, ёғ, туя, оғиз, тил, орган, организм, товуқ, сигир, эч ки, қўй, нафас олади, товуш чиқаради, озиқланади	Тузилиши, ҳужайраси, классификацияси, пайдо бўлиши, парвариш қилиш ва кўпайтириш борасидаги маълумотларни	Ҳайвон ҳужайраси ва унинг тузилиши, ўсимлик ҳужайраси билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, ҳайвон организми эпителий, бириктирувчи, мускул ва нерв тўқималаридан ташкил топганлиги, уларнинг тузилиши ва вазифаси, органлар ва органлар тизими, классификацияси, зоология фани ва унинг ривожланиш тарихи хусусидаги маълумотларни

I. Дарслик билан ишлаш. Гуруҳлар умумий мавзу таркибидан ўрин олган кичик мавзулар билан танишиб чиқадилар. Гуруҳларга қуйидаги кичик мавзулар берилади:

1-гуруҳга →	Ҳайвонларнинг ўсимликларга ўхшашлиги ва улардан фарқи
2-гуруҳга →	Ҳайвон тўқималари ва органлари
3-гуруҳга →	Ҳайвон органлари ва органлар системаси
4-гуруҳга →	Ҳайвонлар классификацияси
5-гуруҳга →	Зоология - ҳайвонларни ўрганадиган фан ва унинг ривожланиш тарихи

Ҳар бир гуруҳга улар ўзлаштираётган кичик мавзуларга оид жадвал ёки схемалар тарқатилади. Мисол учун:

1. Ҳайвон ҳужайраларининг ўсимлик ҳужайраларига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари (1-тасвир).
2. Ҳайвон тўқималари ва органлари (2-тасвир).
3. Органлар ва органлар системаси (3-тасвир).
4. Ҳайвонлар классификацияси (4-тасвир).
5. Зоология фанининг ривожланиш тарихи (5-тасвир).

1-тасвир

2-тасвир

Ҳайвон тўқималари ва органлари

№	Тўқима номи	Вазифаси
1.	Эпителий тўқимаси	Ясси кубсимон ва цилиндрсимон ҳужайралардан иборат бўлиб, ҳимоя вазифасини бажаради. Терининг устки қавати ва ичак деворининг ички қисми эпителий тўқимасидан тузилган
2.	Бириктирувчи тўқима	Органлар оралиғини тўлдириб туради ва уч хил бўлади: суюқ (қон, лимфа, тўқима суюқлиги), тиғиз (суяк, тоғай, пай), ғовак (паренхима). Вазифаси: органларни боғлаш, кислород ва озиқ моддаларни ташиш, тўплаш.
3.	Мускул тўқимаси	Қисқариш хусусиятга эга толалардан тузилган ва ҳаракатланиш вазифасини бажаради.
4.	Нерв тўқимаси	Нерв ҳужайралари ва ҳужайра оралиғи моддасидан иборат. Бош мия, орқа мия, нерв тугунлар шу тўқимадан тузилган. Вазифаси: атроф-муҳит ва органлардан келадиган таъсирларни қабул қилиш ва ўтказиш

3-тасвир

Органлар ва органлар системаси



4-тасвир

Ҳайвонлар классификацияси

Тур → Уруғ → Оила → Туркум → Синф → Тип

5-тасвир

Зоология фанининг ривожланиш тарихи

Жаҳон миқиёсида		
Олимлар	Сана	Фанга қўшган ҳиссаси
Арасту	IV аср	500 га яқин ҳайвонга таъриф берган
А.Левенгук (голланд)	XVI охири-XVII бошлари	Ҳайвонлар органларини микроскоп ёрдамида ўрганиш анъанасини бошлаб берган
К.Линней (швед)		Ҳайвонларни тур, уруғ, туркум ва синфларга ажратган ҳолда ўрганиш таклифини илгари сурган
Ч. Дарвин (инглиз)	1859 йил	Органик оламнинг ривожланиши ҳақидаги таълимотни яратган
	XIX	Ҳайвонларнинг эмбриологик ривожланиши ва қазилма қолдиқларини ўрганишга оид тадқиқотлар амалга оширилган
	XX	Жаҳон океани ҳайвонот дунёсини ўрганиш соҳасида самарали тадқиқотлар олиб борилган
Ўзбекистон миқёсида		
Д.Н.Кашкаров		Ҳайвонлар экологиясини ўрганиш бўйича илк тадқиқотларни олиб борган
Р.Ф.Боровский Л.М.Исаев ва бошқалар		Марказий Осиё ҳудудида яшовчи паразит ҳайвонларни йўқотиш бўйича тадқиқотлар олиб борган
Т.З.Зоҳидов, О.Р.Богданов		Умуртқали ҳайвонлар, уларнинг ҳаёт тарзи, органларининг тузилиши ва хусусиятларини ўрганган
А.М.Муҳаммадиев, С.Н.Алимуҳамедов, В.В.Яхонтов, Р.Олимжонов, М.А.Султонов, А.Т.Тўлаганов, Ж.А.Азимов		Умуртқасиз ҳайвонлар, уларнинг ҳаёт тарзи, органларининг тузилиши ва хусусиятларини ўрганиш борасида самарали тадқиқотларни олиб борганлар

Гуруҳ аъзолари ўзларига ажратилган ўқув материали билан танишиб чиққанларидан сўнг берилган лидерлар томонидан гуруҳ томонидан ўрганилган кичик мавзуга оид жадвал ёки схеманинг моҳияти қолган ўқувчиларга очиб берилади. Ана шу тахлитда янги мавзуга оид билимлар асослари ўзлаштирилади.

Одам ва унинг саломатлиги фани бўйича (8-синф учун)

Мавзу: Инсон танасининг тузилиши ва вазифаларининг эволюцион тараққиёти. Ҳужайра ҳақида умумий тушунча.

Дарснинг мақсади: ўқувчиларга одам организми ҳужайравий тузилиши ҳақида маълумот бериш, ҳужайра органоидларининг тузилиши ва вазифалари билан таништириш, ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари билан ўхшашлик ва фарқини таққослаш орқали ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ўстириш.

Дарс жараёнида қўлланилувчи методлар: анъанавий ва интерфаол методлар, моделлаштириш.

Дарс жиҳозлари: ҳужайранинг тузилиши, шакллари ва кўпайиши борасида маълумот берувчи, шунингдек, тўқималарни акс эттирувчи тасвирлар.

Дарснинг режаси:

1. Инсон танасининг тузилиши ва вазифаларининг эволюцион тараққиёти.
2. Ҳужайранинг тузилиши.
3. Ҳужайранинг кимёвий таркиби.

Дарснинг бориши:

I. Саволлар асосидаги суҳбатни ташкил этиш.

Ўқувчиларга қуйидаги саволларни бериш мумкин:

1. “Одам ва унинг саломатлиги” фанини биз нима учун ўрганамиз?
2. Инсон организми нималардан тузилган?

3. Инсон организми ҳужайрасининг таркибий тузилмаси хусусида нималарни биласиз?

II. "Зигзаг" стратегияси асосида янги мавзунинг моҳияти очиб берилади.

Синф ўқувчилари 7 та гуруҳга бўлинадилар ва гуруҳлар номланади. Гуруҳларга янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн қисмларга ажратилади ва ажратилган қисмлар мазмуни билан танишиб чиқиш вазифаси гуруҳларга топширилади. Ўқувчилар матнларни диққат билан ўрганадилар ва гапириб берадилар. Вақтни тежаш мақсадида гуруҳлар аъзолари орасидан лидерлар белгиланади ва қайд этилган вазифа улар томонидан бажарилади. Лидерларнинг фикрлари гуруҳ аъзолари томонидан тўлдирилиши мумкин. Барча гуруҳларнинг ўқувчилари ўзларига топширилган матн мазмуни хусусида сўзлаб берганларидан сўнг, матнлар гуруҳлараро алмаштирилиб, аввалги фаолият такрорланади.

Гуруҳларга қуйидаги матнлар тақдим этилади:

1-матн

Ҳужайра ҳақида умумий тушунча

Ўсимлик, ҳайвон организми ҳужайралардан тузилганлиги каби, одам организми ҳам ҳужайралардан тузилган. Ҳужайраларни цитология фани ўрганади. Унинг маълумотларига кўра одам организмида тахминан 10^{14} - 10^{18} (юз триллион ва ундан кўп) ҳужайра бор. Бош мия ярим шарларининг пўстлоқ қисмида ўртача 16 миллиард нерв ҳужайраси мавжуд.

Ҳужайраларнинг тузилиши микроскоп ёрдамида биринчи бўлиб инглиз физиги Р.Гук томонидан ўрганилган (биринчи микроскоп 1625 йилда Ф. Стеллути томонидан ихтиро қилинган).

Электрон микроскопнинг яратилиши ҳужайранинг илгари маълум бўлмаган қисмларини ўрганишга имкон берди.

Одам организми турли тўқима ва органлари ҳужайраларининг шакли турлича, яъни, шарсимон, дуксимон, овал, юлдузсимон ва ҳоказо шаклларда бўлади. Ҳужайраларнинг

ҳажми ҳам турличадир, уларнинг қажми 5-10 микрондан 100 микронгача ва ундан катта бўлиши ҳам мумкин.

2-матн

Ҳужайранинг тузилиши

Барча тўқима ва аъзолар ҳужайраларининг умумий тузилиши ўхшаш бўлади. Ҳужайра қуйидаги уч қисмдан таркиб топади: мембрана (парда), цитоплазма ва ядро.

Ҳужайра мембранаси унинг устини қоплаб турувчи юпқа парда бўлиб, оқсил ва ёғ(липид)лардан ташкил топган. У ҳужайраларда моддалар алмашинуви жараёни, яъни, ҳужайранинг озиқ моддалар ва кислород билан таъминланиши, шунингдек, моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган заҳарли чиқиндиларнинг ҳужайрадан қонга ўтказилишида муҳим аҳамиятга эга. Мембрана ҳужайра ичи ва ташқарисидаги (ҳужайралараро) суюқликлардаги ионларнинг таркиби мувозанатда бўлишини таъминлайди. Ҳужайра ичи ва ташқарисидаги суюқликларда ионлар таркибининг ҳар хил бўлиши (ҳужайра ичидаги суюқликда калий ионлари, ташқарисидаги суюқликда эса натрий ионлари концентрацияси юқори бўлади) ҳужайрада биологик ток (биоток) ҳосил қилади. Биоток махсус асбоблар ёрдамида аниқланади. Ушбу ҳолат турли тўқима ва органлар фаолиятини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, юрак мускулларининг биотоклари электрокардиограф асбоби ёрдамида махсус лентага ёзиб олинади, ёзув натижаларига кўра мутахассислар юракнинг фаолияти хусусида хулоса чиқарадилар, касаллик тури аниқланади.

3-матн

Ҳужайра цитоплазмаси

Ҳужайра цитоплазмаси мембрананинг ичида жойлашган. Цитоплазманинг таркиби органик ва анорганик моддалардан иборат. Цитоплазма органоидларига: митохондрия, ички мембрана, лизосома, Гольжи аппарати, рибосома, центрасома кабилар киради. Бу органоидларнинг ҳар бири махсус вазифани бажаради. Митохондрия ҳужайраларнинг энергия станцияси ёки куч берувчи маркази

ҳисобланади, яъни, уларда аденозинтрифосфат кислота (АТФ) ва креатинфосфат кислота (КФ) синтез қилинади ва тўпланади. Ҳужайра қўзғалиб иш бажарганда, ушбу кислоталар парчаланиб, энергия ҳосил қилади. Рибосомалар ҳужайрада оқсилларни синтезлайди, шунинг учун улар "оқсиллар фабрикаси" деб номланади. Лизосомалар ферментлардан иборат бўлиб, улар ҳужайрадаги озиқ моддаларни майда заррачаларга бўлади (парчалайди). Шу туфайли улар шартли равишда ҳужайранинг овқат ҳазм қилиш органи деб аталади. Центросома ядро яқинида жойлашган бўлиб, ҳужайранинг бўлинишида муҳим рол ўйнайди. Гольжи аппарати тўрсимон шаклда бўлиб, ҳужайранинг бўлинишида, унинг баъзи эскирган қисмларининг янгиланишида иштирок этади.

4-матн

Ядро ва унинг вазифаси

Ядро қизил қон таначаларидан ташқари барча ҳужайраларда бўлади. У қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) ҳужайрада моддалар алмашинуви ва оқсил синтезни бошқаради;

2) ҳужайрада кечадиган барча физиологик ва морфологик жараёнларни идора қилади;

3) ирсий ахборотларни сақлайди.

Ҳужайра ядроси қуйидаги таркибий тузилмага эга:



Одамнинг соматик ҳужайраларида 46 та хромосома, жинсий ҳужайраларида эса 23 та хромосома бўлади. Ҳар

қайси хромосома таркибида мингтагача ва ундан ҳам кўпроқ ген бўлади. Хромосома ва генлар ҳужайранинг насл аппарати ҳисобланади.

Ташқи муҳитнинг баъзи зарарли омиллари, яъни, радиация, кимёвий ва наркотик моддалар, спиртли ичимликлар, баъзи касаллик қўзғатувчи микроб ва вирусларнинг заҳари ҳужайранинг насл аппарати - хромосома ва генларга таъсир этиб, уларнинг фаолиятини бузади ва турли ирсий касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

5-матн

Ҳужайранинг кимёвий таркиби

Ҳужайранинг барча таркибий қисмлари анорганик ва органик моддалардан ташкил топган. Ҳужайра таркибида фосфор, олтингугурт, калций, калий, натрий, хлор, темир, магний, кремний каби макроэлементлар ва йод, ми.., кобальт, рух, никел, олтин каби микроэлементлар бўлади. Ҳужайра таркибининг 70 % дан кўпроғини сув ташкил қилади ва у ўзининг эритувчанлик хусусияти билан барча ҳаётий жараёнларда иштирок этади. Сув, макро ва микроэлементлар ҳужайранинг анорганик моддаларидир.

Ҳужайра таркибидаги органик моддаларга оқсил, ёғ, углевод ҳамда нуклеин кислоталар киради.

Оқсиллар таркибининг асосини углерод, водород, кислород, азот ташкил этади, фосфор, олтингугурт ҳам бўлади. Оқсил ҳужайранинг кўпайиши ҳамда эскирган қисмларнинг тикланишида асосий вазифани бажаради.

Ёғлар асосан углерод, водород ва кислороддан иборат бўлиб, пластик ва энергетик вазифани бажаради.

Углеводлар ҳам углерод, водород ва кислороддан ташкил топиб, энергетик аҳамиятга эга.

6-матн

Ҳужайранинг бўлиниши

Ҳужайралар икки хил усулда бўлинади: амитоз ва митоз.

Амитоз оддий бўлиниш усули бўлиб, бунда ҳужайра

мембранаси, цитоплазма ва ядро иккига бўлинади. Баъзан фақат ядронинг ўзи, хромосома ҳосил қилмасдан бўлиниб, иккита ва кўп ядроли ҳужайра ҳосил бўлади.

Амитоз усулида бўлиниш сийдик пуфаги, ҳомила устини қоплаб турувчи юпқа (амнион) парда ҳужайралари, шунингдек, вегетатив нерв тугунлари ҳужайраларида учрайди.

Митоз бўлинишда ҳужайра мембранаси, цитоплазма ва ядро узунлашиб, ядро таркибида янги хромосомалар ҳосил бўлади ва иккига бўлинади. Натижада бир хил насл аппаратига эга бир хил ёш ҳужайралар ҳосил бўлади. Митоз бўлинишда ҳужайралар сонининг ошиши ҳисобига ёш организм ўсади ва ривожланади, нобуд бўлган ҳужайралар ўрнига янгилари ҳосил бўлади.

Митоз тўхтовсиз кечадиган жараён бўлиб, қуйидаги тўрт босқичда давом этади: профаза, метофаза, анафаза ва телофаза. Митознинг давом этиш вақти тўқиманинг тури, организмнинг физиологик ҳолати ва ташқи муҳит шароитига кўра турлича бўлади.

7-матн

Ҳужайранинг ҳаётий жараёнлари

Ҳар бир тўқима ва аъзонинг ҳужайралари маълум вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Масалан, безларнинг ҳужайраси фермет ёки гормон ишлаб чиқаради. Миянинг ҳужайраси нерв ҳужайраларининг таъсирларини қабул қилиш, уларни анализ ва синтез қилиш, шунингдек, ишчи органларда ҳаракатларни бошқариш вазифасини бажаради.

Ҳужайраларнинг нормал яшаши, ўз вазифасини бажариши, кўпайиши учун уларда узлуксиз равишда моддалар алмашинуви амалга ошади. Овқат ҳазм қилиш органларида парчаланиб қонга сўрилган озиқ моддалар ҳужайраларга ўтади ва бир қисми ҳужайра таркибий қисмларининг мунтазам янгиланиб туриши, кўпайиши учун пластик материал сифатида ўзлаштирилади. Қолган қисми эса нафас олиш органларидан келган кислород билан

оксидланиб, энергия ҳосил қилиши ҳисобига ҳужайра қўзғалади.

Озиқ моддаларнинг кислород иштирокида оксидланиши ва парчаланиши натижасида ҳосил бўлган қолдиқ моддалар (карбонад кислота, мочевина-аммиак, сийдик кислота, креатинин, минерал тузлар) ҳужайрадан қонга ўтади ва айириш органлари орқали ташқарига чиқариб юборилади. Ушбу жараёнлар гормонлар ва нерв системаси орқали бошқарилади.

Шу тарзда барча матнлар мазмуни гуруҳлар томонидан ўрганилиб чиқилгач, ўқувчилар "Ҳужайра ҳақида умумий тушунча" мавзуси бўйича асосий тушунча (элемент)ларни ажратадилар, тушунчаларнинг ўзаро мантиқий боғлиқлигини аниқлайдилар, юзага келган ғоялар асосида мавзуга оид схема ишлаб чиқадилар. Қуйида намуна сифатида "Цитоплазма органоидлари" номли схемани келтирамиз (1- ва 2-тасвирлар).

Дастлаб ўқувчилар эътиборига ўқитувчи томонидан ишланган схема ҳавола этилади. Сўнгра ўзлаштирилган билимлар асосида ўқувчиларнинг ўзларига шундай схемаларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилади.

1-тасвир

Цитоплазма органоидлари



2-тасвир

Ҳужайранинг кимёвий таркиби

Биология фани бўйича (9-синф учун)

Дарс мавзуси: Эукариот ҳужайра.

Дарснинг мақсади: Ўқувчилар томонидан инсон организмининг ҳужайравий тузилиши борасида ўзлаштирилган билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш.

Дарс жараёнида қўлланилувчи методлар: анъанавий ва интерфаол методлар, моделлаштириш.

Дарс жиҳозлари: микроскоп, ўсимлик, ҳайвон ва инсон организми ҳужайраларининг микропрепаратлари, ўқув фильмлари, жадваллар.

Дарснинг бориши:

I. "Вен диаграммаси" стратегиясини қўллаш асосида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Синф ўқувчилари тўрт гуруҳга бўлинадилар, гуруҳлар номланади. Синф тахтасига қуйидаги тартибда учта доира чизилади:



Гуруҳларга қуйидаги топшириқлар берилади:

1-гуруҳ ўсимлик ва ҳайвон ҳужайраси тузилишидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни таққослайдилар. Ўсимлик ҳужайрасигагина хос бўлган органоидлар диаграмманинг 1-қисмига, ҳайвон ҳужайрасигагина хос бўлган органоидлар диаграмманинг 2-қисмига ва ҳар иккала организмда учрайдиган органоидлар 1- ва 2-диаграммаларнинг кесишмасидан ҳосил бўлган қисмига ёзилади.

2-гуруҳ ҳайвон ва одам ҳужайрасининг тузилишини таққослайди ва диаграмманинг 1-қисмга ҳайвон ҳужайрасигагина хос бўлган органоидлар, 2-қисмга одам ҳужайрасигагина хос бўлган органоидлар, ҳар иккала организм ҳужайрасига хос бўлган органоидлар эса 1- ва 2-қисмлар кесишмасига ёзилади.

3-гуруҳ одам ва ўсимлик ҳужайралари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни топишга ҳаракат қиладилар. Улар одам ҳужайрасигагина хос бўлган органоидларни диаграмманинг 1-қисмига, ўсимлик ҳужайрасигагина хос бўлган органоидларни диаграмманинг 2-қисмига, ҳар икки организмга хос бўлган органоидларни эса 1- ва 2-қисмлар кесишган жойига ёзадилар.

4-гуруҳ аъзолари ҳар уччала доира кесишмасидан ҳосил бўлган марказий қисмга ўсимлик, ҳайвон ва одам организми ҳужайрасига хос бўлган органоидларни ёзадилар.

Гуруҳлар томонидан вазифа бажарилиб бўлингач, лидерлар танланади. Лидерлар ўқувчилар томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс эттирилган диаграммани тўлдирадилар.

II. Дарслик билан ишлаш.

Ўқувчилар дарсликдан ҳужайра органоидлари ва уларнинг вазифалари борасида маълумот берувчи матнни диққат билан ўрганадилар. Умумий матннинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлайдилар ва умумлаштирадилар, яъни, моделлаштирадилар.

Гуруҳларнинг аъзолари ўзаро кенгашиб, ўқув мате-

риалини моделлаштирадилар. Моделлаштириш жараёнида уларнинг ушбу жараёнга нисбатан ижодий ёндашувлари, мавзу моҳиятини очиб берувчи асосий тушунчаларни қай даражада ўзлаштирганликлари, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни англай олишлари каби ҳолатлар муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчилар томонидан яратилган моделлаш улар томонидан мавзунинг пухта ўзлаштирилганлигини кўрсатувчи муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Мисол учун:



Гуруҳлар фаолиятларига кўра рағбатлантирилади ва барча гуруҳлар томонидан билдирилган фикрлар умумлаштирилади.

Физика фани бўйича (9-синф)

Дарс мавзуси: Ёруғликнинг кимёвий ва биологик таъсири. Фотография. Фотосинтез ва унинг аҳамияти.

Дарснинг мақсади: ўқувчиларга ёруғликнинг кимёвий ва биологик таъсирлари, фотография ҳамда фотосинтез ҳодисаси ва унинг аҳамияти борасидаги билимларини бериш, улар томонидан ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Дарс жараёнида қўлланилувчи методлар: анъанавий

ва интерфаол методлар, моделлаштириш.

Дарс жиҳозлари: ёруғликнинг кимёвий ва биологик аҳамияти ҳамда фотосинтез жараёнининг моҳиятини ёритувчи кўргазмали қуроллар.

Дарснинг бориши:

I. Саволлар асосида суҳбат ташкил этиш.

Ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Ёруғликнинг табиатдаги аҳамияти қандай?

2. Фотосинтез нима? У қаерда ва қачон содир бўлади?

II. "Инсерт" стратегияси асосида билимларни мустаҳкамлаш.

Синф ўқувчилари гуруҳларга бўлинадилар, гуруҳлар номланади. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ўқувчиларидан мавзуга оид иккитадан фикр билдиришларини сўрайди. Гуруҳлар навбати билан (ушбу жараёнда гуруҳнинг барча аъзолари фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадга мувофиқдир) фикр билдирадилар. Баён этилган фикрлар ёзув тахтасига ёзиб борилади. Фаолият якунлангач, ўқитувчи "Ёруғликнинг кимёвий ва биологик таъсири. Фотография. Фотосинтез ва унинг аҳамияти" мавзусини ёритишга хизмат қилувчи матнни ўқувчиларга тарқатади. Сўнгра шундай топшириқ берилади:

а) матн билан танишиб чиқинг;

б) матннинг ҳар бир қаторига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

Z - матнда гуруҳлар томонидан билдирилган фикр ўз аксини топган бўлса;

S - матнда гуруҳлар томонидан билдирилмаган фикр ёритилган бўлса;

D - матнда бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлса;

E - матн билан танишиш жараёнида тушунмовчиликлар юзага келса.

Сўнгра гуруҳ аъзолари шахсий қарашларини ўзаро ўртоқлашадилар, гуруҳ бўйича белгилар сони умумлаштирилади. Лидерлар воситасида ҳар бир белгининг миқдо-

ри баён этилади ва изоҳланади. Ўқитувчи гуруҳлар томонидан қайд этилган сонларни уларнинг номлари ёзилган устунга ёзиб боради. Чунончи:

№	Илғорлар	Лидерлар	Бинафша	Юлдузлар	Зукколар
1.	12	12	12	11	12
2.	18	20	6	10	15
3.	1	4	1	-	3
4.	3	1	-	-	-

Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ лидери фикрини тугатгач, юзага келган қарама-қаршилик ва тушунмовчиликларни ўқувчилар тўғри ҳал этишларига ва тушуниб олишларига ёрдам беради.

Шундан сўнг, гуруҳлар дарсликда берилган матн билан танишиб чиқиб, асосий тушунчаларни ажратадилар ва улар ўртасидаги мантиқий муносабатларни очиб беришга ҳаракат қиладилар (моделлаштирадилар). Гуруҳлар томонидан илгари сурилган фикрлар умумлаштирилиб, лидерлар томонидан синф жамоасига етказилади.

Кимё фани бўйича (8-синф учун)

Дарс мавзуси: Табиатда азот. Табиатда азотнинг айланиши.

Дарснинг мақсади: Ўқувчиларга азотнинг табиатдаги аҳамияти, айланиш жараёнлари моҳияти хусусида маълумотлар бериш.

Дарс жараёнида қўлланилувчи методлар: анъанавий ва интерфаол методлар, моделлаштириш.

Дарс жиҳозлари: азотнинг табиатда айланиши ва аҳамиятини ёритувчи кўргазмали қуроллар.

Дарснинг бориши:

I. Саволлар асосида ташкил этилувчи суҳбат.

Ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Азот қандай физик, биологик ва кимёвий хоссаларга эга?

2. Табиатда азотнинг қандай бирикмалари мавжуд?

II. "Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" номли метод ёрдамида билимларни мустаҳкамлаш.

Синф ўқувчилари бешта гуруҳга бўлинадилар, гуруҳлар номланади. Ёзув тахтаси уч қисмга ажратилади. Биринчи банднинг юқори қисмига "Биламан", иккинчи банднинг юқори қисмига "Билишни хоҳлайман", учинчи банднинг юқори қисмига эса "Билиб олдим" деган сўзлар ёзилади.

Сўнгра ўқитувчи ўқувчилардан мавзу юзасидан қандай маълумотларга эга эканликларини сўрайди ва билдирилган фикрларни "Биламан" номли бандга ёзиб қўяди. Ушбу ҳаракат гуруҳлар томонидан фикрлар тўла баён этилгунга қадар давом этади. Мазкур жараёнда гуруҳларнинг барча аъзолари фаол иштирок этишларига аҳамият бериш зарур. Ўқувчилар томонидан билдирилаётган нотўғри фикрлар ҳам инкор этилмаслиги зарур (зеро, бундай ҳаракат ўқувчиларнинг фаоллигига салбий таъсир кўрсатади).

Кейинги босқичда ўқитувчи ўқувчилардан янги мавзу бўйича қандай маълумотларни ўзлаштириш истагида эканликларини сўрайди ва ўқувчиларни яна ўйлашга даъват этади. Гуруҳлардан навбати билан фикр сўралади. Ўқувчилар томонидан билдирилган фикрлар "Билишни хоҳлайман" номли устунга ёзиб борилади.

Сўнгги босқичда ўқувчиларга "Табиатда азот. Табиатда азотнинг айланиши" мавзусига оид матнларни тарқатади. Ушбу матн мавзу бўйича энг асосий тушунчаларни ўз ичига олади. Ўқувчилар матн билан танишиб чиққанларидан сўнг фикр юритишлари ҳамда мавзуга оид яна қандай маълумотларни ўзлаштирганликларини аниқлашлари лозим. Ўқувчилар ўз хулосалари асосида фикрларини баён этадилар, ушбу фикрлар "Билиб олдим" номли устунга ёзиб борилади.

Мазкур жараён ўқувчиларнинг фан асосларини қай даражада пухта ўзлаштирганликлари борасидаги маълу-

мотларга эга бўлиш, уларнинг ўз—ўзини назорат қилишларини таъминлашга имконият яратади.

Намуна сифатиида қуйидаги жадвални келтирамиз:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
Табиатда азотнинг 2 та изотопи учрайди, аммиак, нитрат кислота, азот бирикмалари, азот оксидлари, дуккакли ўсимликларда азотни ўзлаштирувчи азотбактериялар бўлади, азот ўсимликларнинг ўсишига ёрдам беради, ҳаво таркибида 78 %, одам танасида эса 3 % азот бўлади	Табиатда айланиш жараёни, табиатдаги аҳамияти, ўсимликларнинг азотни ўзлаштириш жараёни, амалий жиҳатдан фойдаланиш ҳамда инсон организмига таъсири борасидаги маълумотларни	Ўсимлик ва ҳайвонлар азотни эркин ўзлаштира олмасликлари, ўсимликлар азотни NH_4 ва NO_3 ҳолида ўзлаштиришлари, чақмоқнинг тупроқни азот билан бойитишдаги роли, ҳайвонлар ўсимликларни, инсон эса ўсимлик ва ҳайвонларни истеъмол қилиш орқали азотни ўзлаштиришлари, азотнинг табиатдаги айланиши, шунингдек, табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти хусусидаги маълумотларни

III. Дарслик билан ишлаш асосида билимларни мустаҳкамлаш.

Ўқувчилар тўрт гуруҳга бўлинадилар, ҳар бир гуруҳга мавзу юзасидан турли кичик матнлар берилади.

1-гуруҳга матннинг 1-абзаци; 2-гуруҳга 2- ва 3-абзацлар; 3-гуруҳга 4- ва 5-абзацлар ҳамда 4-гуруҳга матннинг қолган қисми.

Гуруҳларга улар томонидан ўрганилган ўқув материалини лойиҳалаш вазифаси юклатилади.

Гуруҳлар матн билан танишадилар, мазмуни гуруҳда муҳокама қилинади, фикрлар алмашилади, умумлаштирадилар. Умумлаштирилган фикрлар лидерлар томонидан баён этилади.

Қуйида мавзу матнининг биринчи қисми бўйича биринчи гуруҳ томонидан тайёрланиши лозим бўлган лойиҳалардан намуналар келтирамиз (1- ва 2-тасвир).

1-тасвир



2-тасвир



V БОБ. ТАРБИЯВИЙ ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ ЭТИШГА НИСБАТАН ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ

Тарбия жараёнига технологик ёндашув ва уни лойиҳалаш

Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш ўқувчилар томонидан мавжуд илмий билимларни пухта ўзлаштирилишини кафолатловчи ёндашув ҳисобланади. Бизга яхши маълумки, "таълим технологияси" тушунчаси таълим жараёнининг моҳияти, унинг босқичлари, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида кечадиган таълимий муносабатларнинг мазмунини англатишга хизмат қилади.

"Педагогик технология" тушунчаси эса ўз моҳиятига кўра педагогик фаолиятнинг энг муҳим икки жиҳати, яъни, таълим ҳамда тарбия жараёнининг технологиялаштирилишини ифода этиши зарур. Бироқ сўнгги беш йил мобайнида янги педагогик технологиялар ва педагогик фаолиятни уюштириш жараёнида улардан фойдаланиш мавзусида яратилган манбаларнинг деярли барчасида таълим жараёнининг технологиялаштириш муаммоси учун асосий объект тарзида қабул қилинганлигининг гувоҳи бўлдик.

Ҳолбуки, баркамол шахсни шакллантириш муаммосининг ижтимоий зарурият сифатида эътироф этилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни қарор топтириш, мазкур жараённи технологиялаштиришга эришиш муҳим педагогик вазифалардан бири эканлигини янада чуқурроқ англаймиз.

Тарбия жараёнини технологиялаштириш аниқ мақсадга ва ижтимоий ғояга асосланган ҳамда ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан уюштирилиши демакдир.

Таълим жараёнидан фарқли равишда, тарбия жараёнини технологиялаштиришда мазкур жараённинг самарасини қисқа муддат оралиғида кўра олиш имконияти йўқ. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятлар тарбиявий жараённи технологиялаштиришга нисбатан ижодий ва масъулиятли ёндашиш зарурлигини тақозо этади.

Умумий ўрта таълим муассасалари амалиётидан маълумки, узоқ йиллар давомида мазкур муассасада фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги тарбиявий тадбирларни ташкил этишга нисбатан "тарбиявий ишлар режасида белгиланган тадбирларни ўтказишга мажбурман" қабилида ёндашиб келганлар. Уларнинг асосий эътибори ўзлари раҳбарлик қилаётган синф ўқувчиларини аввалдан тайёрланган сценарийни ёд олиш ва унга қатъий амал қилишга мажбурлаш, шунингдек, "мактаб маъмурияти ҳамда жамоаси олдида изза бўлиб қолишга йўл қўймаслик" тамойилига мувофиқ тарбиявий тадбирни уюштиришга қаратилган эди. Эндиликда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан бундай ёндашувлардан воз кечиш мақсадга мувофиқ. Зеро, тайёр сценарий асосида муайян тадбирни ташкил этиш жараёнида унинг асосий субъектлари бўлган ўқувчилар фаол иштирокчи ва тадбир натижасини белгиловчи шахс сифатида эмас, балки оддий ижрочи сифатида қатнашадилар. Бу ҳолат эса бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан:

1) ўқувчиларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан салбий муносабат шаклланади;
2) ўқувчиларда мустақил фикрлаш ҳамда ижодкорлик қобилиятининг тарбияланиши учун имконият яратилмайди;
3) ўқувчиларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилиши уларнинг шахс сифатида камол топишларини таъминлашга йўналтирилганлиги ҳақида эмас, балки синфнинг таълим муассасаси жамоаси олдида "сохта обрў" орттириши учун хизмат қилувчи восита эканлиги тўғрисидаги хулосанинг шаклланиши учун шароит юзага келади.

Умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этилувчи тарбиявий тадбирларга нисбатан технологик ёндашув қуйидаги ҳолатларнинг намоён бўлиши билан тавсифланади: тарбиявий тадбир мавзуси ва ғоясини ўқувчилар томонидан билдирилган шахсий ташаббуслар, уларнинг хоҳиш-истакларига кўра белгилаш; тарбиявий тадбир сценарийсини ишлаб чиқишда ўқувчиларнинг мустақил фаолият юритишлари учун шарт-шароитларни яратиш; тарбиявий тадбир мазмунида ўз ифодасини топган ролларнинг мажбурий тарзда эмас, балки ўқувчиларнинг лаёқати, қобилияти, шунингдек, қизиқишларини инобатга олиш асосида тақсимланишига эришиш; тарбиявий тадбирнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида ўқитувчининг роли буйруқ беришдан иборат бўлмай, аксинча, ўқувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш ҳамда зарур ўринларда маслаҳат бериш сифатида акс этишига эришиш; тарбиявий тадбир мақсадининг натижаланганлигини синф, гуруҳ ўқувчиларининг фаол иштирокига таянган ҳолда муҳокама қилиш. Муҳокама жараёнида ўқитувчи томонидан турли танбеҳларнинг берилишига йўл қўймаслик, аксинча йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг ўқувчиларнинг ўзлари томонидан аниқланиб, уларни бартараф этиш (кейинги тадбирни ўтказиш жараёнида уларнинг такрорланишининг олдини олиш) йўлида чора-тадбирларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия жараёнини технологиялаштиришда мазкур жараённи лойиҳалаштириш ҳамда унинг асосларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Тарбия жараёнини лойиҳалаш қуйидаги босқичларда кечади:

Тарбия жараёнини лойиҳалаш босқичлари:
1) тарбиявий тадбир мавзусига доир материалларни йиғиш;
2) тарбиявий тадбир мақсади ва вазифаларини белгилаш;
3) тарбиявий тадбирнинг мазмунини ишлаб чиқиш;
4) тарбиявий тадбир шакли, методлари ва воситаларини танлаш;
5) тарбиявий тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш (давомийлиги) вақтини белгилаш;
6) тарбиявий тадбир сценарийсини ишлаб чиқиш;
7) ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, уларнинг фаоллик даражаларини норасмий (ўқувчиларни бу ҳақида хабардор қилмасдан) баҳолаш;
8) лойиҳани амалий фаолиятда қўллаш;
9) тарбиявий тадбирни ташкил этиш жараёни;
10) тарбиявий тадбирнинг ўтказилиш ҳолати (самарали, самарасиз, муваффақиятли, муваффақиятсиз кечганлиги)ни муҳокама қилиш ва якуний хулоса чиқариш.

Бу жараёнда тарбиявий тадбирларнинг ташкил этилишига нисбатан технологик ёндашув моҳияти ўқувчилар мустақиллигини таъминлашда қуйидаги омилларнинг мавжудлигига эътиборни қаратишни ҳам тақозо этади:

ўқувчиларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиш ва рағбатнинг мавжудлиги;
ўқувчиларнинг тарбиявий тадбирларни мустақил ташкил этиш борасида муайян тажрибаларга эга эканликлари;
тарбиявий тадбир ғоясининг ўқувчилар ички эҳтиёжларига мос келиши.

Умумий ўрта таълим муассасалари амалиётида юқорида баён этилган омилларни инобатга олиш ва шу асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш уларнинг муваффақиятли ташкил этилишини таъминлаб қолмай, балки ўқувчиларда уларнинг ўтказилишига нисбатан ижобий муносабатни шакллантиради, маънавий-ахлоқий сифатларнинг тарбияланиши учун қулай шароитни ҳосил қилади.

"Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги" мавзусидаги амалий ташвиқот

Тадбирнинг олиб борилишидан кўзланган мақсад - табиий муҳитнинг инсон ҳаётидаги ўрни, атроф-муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига кўрсатадиган салбий таъсири, ушбу ҳолатнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида ўқувчиларга маълумотлар бериш ҳамда уларда атроф-муҳит тозалиги ва ўз саломатлигини сақлаш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Асосий вазифалар:

1. Табиий муҳитнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли тўғрисида ўқувчиларга маълумотлар бериш.
2. Атроф-муҳитнинг ифлосланишини таъминловчи субъектив омиллар (инсонлар томонидан содир этилаётган хатти-ҳаракатлар) моҳиятини ўқувчиларга тушунтириш.
3. Ўқувчиларда атроф-муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига кўрсатадиган салбий таъсирини кўргазмали (амалий) равишда намойиш этиш орқали муайян тушунчаларни ҳосил қилиш.
4. Ўқувчиларни экомуҳит ифлосланишининг олдини олиш, шунингдек, инсон саломатлигини сақлашга қўйиладиган экологик ва гигиеник талаблар моҳиятидан хабардор этиш.
5. Ўқувчиларда экотизим барқарорлиги ва ўз саломатликларини сақлаш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Тадбирнинг амалга ошириш жараёнида қўлланилган

жиҳоз (материал)лар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: тоза ва ифлосланган сув, тупроқ намуналари, сув, ҳаво ва тупроқ ифлосланишининг инсон саломатлигига етказувчи салбий таъсирини акс эттирувчи плакатлар, атроф-муҳит ва инсон саломатлигининг ўзаро боғлиқлигини ифода этувчи ҳикматли сўзлар, мақоллар ёзилган лавҳалар, "Табиат ва инсон" номли деворий газета, мавзу юзасидан яратилган илмий, илмий-оммабоп ва педагогик асарлар, оммавий ахборот воситалари материалларидан иборат жамланма (тўплам).

"Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги" мавзуидаги назарий-амалий ташвиқотнинг таркибий тузилмаси бир неча қисмлардан таркиб топади. Чунончи:

1. "Табиий муҳитнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли" - тадбир иштирокчилари иштирокидаги диалог.

2. "Инсон фаолияти ва экологик муаммолар" - қисқача маълумотнома.

3. "Атроф-муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига таъсири" - мутахассис (эколог, тиббиёт ходими, педагог)ларнинг маслаҳатлари (тавсиялари).

4. "Экологик муаммоларнинг олдини олиш учун нималарга амал қилиш лозим?" - эковикторина.

5. "Гигиеник қоидалар моҳиятидан қай даражада хабардорсиз?" - савол-жавоблар.

Айтиш жоизки, тадбир жараёнида амалга оширилган ишлар моҳиятида мумкин қадар кўпроқ ўқувчилар иштирокидаги жонли мулоқот, амалий хатти-ҳаракатларнинг бўлишига алоҳида эътибор берилади. Зеро, тадбирларнинг стандарт кўринишда, фақатгина панд-насиҳатлар ёки илмий ғояларга асосланиб қолмаслиги, аксинча, оддий тушунчалар, иштирокчиларни фаолликка даъват этувчи иборалар, амалий хатти-ҳаракатлар билан бойитилиши тадбир иштирокчиларининг салбий муносабатда бўлишларининг олдини олишда энг муҳим омил эканлиги назардан четда қолдирилмайди.

"Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги" мавзуидаги амалий ташвиқот характеридаги тадбирнинг дастлабки босқичида ўқувчиларга "Табиий муҳит - менинг ҳаётимда" мавзусида шахсий фикр-мулоҳаза ҳамда қарашларини баён этиш таклиф этилади. Бундан кўзда тутилган мақсад қисқа муддат бўлсада ўқувчиларни табиий муҳитнинг улар ҳаётидаги муҳим аҳамияти тўғрисида фикрлаш ва мулоҳаза юритишга ундашдир.

Тадбир жараёнида ўқувчиларга улар истиқомат қилаётган ҳудудлардаги экологик ва санитария ҳолатини таҳлил этиш асосида атроф-муҳит мусаффолигининг инсон ҳаётидаги муҳим ўрни борасида тушунчалар бериш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, маиший чиқиндиларни тўплаш, уларни бирламчи сақлаш, ташиш ва кўмиб ташлаш жараёнидаги масъулиятсизлик, қоидабузарлик ҳолатларининг содир этилиши аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит барқарорлигига жиддий хавф туғдиришига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ўқувчиларнинг диққатини хонадонларда маиший оқаваларни зарарлантириш ишларининг олиб борилишига нисбатан бепарво бўлаётганлигимиз, шунингдек, шаҳар шароитида уларни қайта тозалашда мавжуд талабларга етарли даражада амал қилинмаётганлиги боис озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида инсон организми учун зарарли бўлган кимёвий моддалар миқдорининг ортиб бораётганлиги, бунинг натижасида ичбуруғ, гепатит ва бошқа ошқозон-ичак касалликлари кенг тарқалмоқдаки, бу албатта мазкур муаммога бўлган эътиборни кучайтиришни тақозо этишига алоҳида урғу бериш ижобий натижалар беради.

Атроф-муҳит ифлосланиши, шунингдек, инсон саломатлигини сақлашга қуйидаги оддий экогигиеник талабларга оғишмай амал қилиш зарур эканлиги ўқувчиларга уқтирилиб борилиши лозим:

1. Доимо озода юришга одатланинг.
2. Эрталаб ҳамда кечқурун уйқуга ётишдан олдин яхшилаб ювининг, айниқса, оғиз бўшлиғини чайиш ва тиш-

ларни ювишни ёддан чиқарманг.

3. Ҳафтада икки марта (камида бир марта) ички кийимларни алмаштиринг.

4. Чойшаб, ёстиқ жилдларининг ҳафтада бир марта яхшилаб ювилишига эътибор беринг.

5. Қиш фаслида ҳафтада бир марта, ёзда эса ҳафтада икки марта ҳаммом (ванна, душ) қабул қилинг.

6. Қўл ва оёқ тирноқларини тез-тез олиб туринг.

7. Хоналар (айниқса, ётоқхона)ни эрталаб яхшилаб шамоллатишни ёддан чиқарманг.

8. Танангизни сув ва ҳаво ёрдамида чиниқтириб боришга ҳаракат қилинг.

9. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан аввал қўлингизни совун ёрдамида ювинг, меваларни аввал илиқ, сўнгра совуқ сувда чайигандан сўнг истеъмол қилинг.

10. Узоқ муддат сақланган (айниқса, тез бузиладиган, гарчи улар совитгичда сақланган бўлсада) овқатларни истеъмол қилишдан сақланинг.

11. Гўшт маҳсулотларини ишлатишда аввал уларнинг яхшилаб чайилиши, сўнгра тоза қовирилиши (буғланиши, димланиши)га эътибор беринг.

12. Ёз мавсумида фақат музлатгичлардагина сақланаётган гўшт маҳсулотларини харид қилинг.

13. СЭС (санитария-эпидемия станцияси) доирасида фаолият юритувчи лабораторияларда назоратдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжудлигидагина тез бузилувчи озиқ-овқат (шу жумладан, гўшт, балиқ ва сут маҳсулотлари) маҳсулотларини харид қилинг.

14. Ичимлик сувини қайнатилгандан сўнг истеъмол қилинг.

15. Хонадонларда турли юқумли касалликларни тарқатувчи ҳашоратлар (пашша, чивин, суварак, бит, бурга, каламуш, сичқон ва ҳоказолар)нинг бўлмаслиги учун курашинг. Бунинг учун хонадонлар ёки турар-жойларда вақти-вақти билан дезинфекция тадбирларининг ўтказиб турилишига эътибор беринг.

16. Қушларнинг - табиат санитарлари, яшил ўсимликларнинг эса ҳаёт учун муҳим модда - кислород манбаи эканлигини ёдда тутиб, уларнинг нобуд бўлишининг олдини олиш борасида фаоллик кўрсатинг.

17. Сув ҳавзаларининг тоза бўлиши ва уларнинг турли ахлат чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олишга ҳаракат қилинг.

18. Атмосферани заҳарли газ (чунончи, автомобил, трактор, мотоцикл, шунингдек, турли чиқинди (шу жумладан, хазон)ларни ёқиш натижасида ҳосил бўлувчи тутунлар билан ифлосланишига йўл қўйманг.

19. Жонли табиатга зиён етказаётган тенгдошингизни бу йўлдан қайтаринг.

20. Ҳар куни уйқуга ётишдан олдин ўзингизга қуйидаги саволни беринг: "Мен табиат муҳофазаси йўлида қандай ҳаракатларни амалга оширдим?".

"Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги" мавзусидаги амалий ташвиқот жараёнида юқорида қайд этилган эслатмаларнинг тадбир ташкилотчилари, мутахассислар, шунингдек, бошловчи томонидан вақти—вақти билан лавҳалар воситасида такрорланиб турилишига алоҳида эътибор берилиши уларнинг ўқувчилар томонидан ижобий қабул қилинишини таъминлайди. Шунингдек, тадбир якунида иштирокчиларнинг тадбирдан олган таассуротларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Тадбир якунида фаол иштирок этган иштирокчиларни рағбатлантириш ўқувчиларда тарбиявий тадбирларнинг уюштирилишига нисбатан қизиқишнинг юзага келишини таъминлайди. Тақдирлаш учун ажратилган совғаларнинг маънавий қимматга эга бўлиши эътиборга лойиқдир. Бундай совғалар сирасидан ўқувчилар кўмагида табиий ўсимликлардан тайёрланган буклет ва гербарийлар, улар томонидан экологик мазмунда яратилган ижодий ишларнинг ўрин олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

"Қушлар байрами"

Тадбирнинг ўтказилишидан кўзланган мақсад - ўқувчиларда қушларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни ҳимоя қилиш ҳиссини тарбиялашдан иборат.

Тадбирнинг ўтказилиш жараёнида қуйидаги педагогик вазифаларни ижобий ҳал қилиш назарда тутилади:

1. Минтақа ҳудудларида истиқомат қилувчи қушлар тўғрисида ўқувчиларга батафсил маълумотлар бериш.

2. Ўқувчиларни қушларнинг ягона экотизимдаги ўрни ва роли борасидаги назарий билимлардан хабардор қилиш.

3. Ўқувчиларда қушларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш.

4. Ўқувчиларда қушлар муҳофазасини йўлга қўйиш борасидаги амалий фаолиятни ташкил этиш кўникмасини ҳосил қилиш.

5. Ўқувчиларнинг табиатни муҳофаза этиш борасидаги фаолликларини кучайтириш.

"Қушлар байрами" тадбирида турли синф ўқувчиларидан иборат жамоалар иштирок этадилар. Жамоаларнинг тадбирдаги иштироки бир неча шартларга кўра таъминланади, яъни, жамоалар тадбир жараёнида қуйидаги шартларни бажарадилар:

1. Қушлар ҳаёти, яшаш тарзи, уларнинг экотизимдаги роли ва ўрни ҳақида маълумот берувчи деворий газета тайёрлаш.

2. Мавзу асосида яратилган ижодий ишлар (буклет, альбом, реферат ва иншолар) танлови.

3. Қушлар учун инлар ясаш.

4. Жамоалар эга бўлган қушлар турлари тўғрисида ахборотлар бериш.

5. "Қушлар ҳаётини яхши биласизми?" - блиц-танлов.

6. Қушлар тўғрисидаги шеър, деклорация, қўшиқ ва ҳоказолардан иборат бадиий чиқишларни намойиш қилиш.

Тадбирнинг ташкил этилиши, ўтказилиши юзасидан

назоратни олиб бориш учун махсус ҳайъат таркиби белгиланади. Ҳайъат таркибига жойлардаги Халқ таълими бўлимларининг ходимлари, биология ва зоология фанлари ўқитувчилари, шунингдек, меҳнат таълими усталари (қушлар учун ясалган инларнинг сифатини бақолашда уларнинг ёрдамларидан фойдаланилади) киритиладилар.

Жамоаларнинг ҳар бир шарт бўйича амалга оширилган фаолиятлари беш балли баҳолаш тизими асосида баҳолаб борилади. Тадбир шартлари таркибига табиат муҳофазаси, қушлар ҳаёти, яшаш тарзи хусусидаги ижодий қарашларни намойиш этиш шарти ҳам киритилиши мумкин, бундан кўзланган мақсад ўқувчиларни табиат билан яқиндан муносабатда бўлиш, уларнинг атроф-муҳит тўғрисидаги тасаввурларини янада бойитиш, уларда ахлоқий-эстетик сифатларни ҳосил қилиш ва экологик тафаккурларини шакллантиришдан иборат.

"Қушлар байрами" номли тадбир якунида мутахассис (зоология фани ўқитувчилари)лар томонидан қушларнинг табиат муҳофазасида тутган ўрни ва роли хусусида якуний маълумот берилади. Ушбу маълумот чумчуқ, саъва, майна, қизилиштон, бойўғли, қалдирғоч, лайлак, читтак, жўрчи, бургут, лочин, қалдирғоч, қарға, ҳакка каби қушларнинг фойдали хусусиятлари тўғрисидаги тасвирий-назарий далиллар билан бойитилган ҳолда ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола этилади. Маълумотномада қушларнинг полиз, дала ва боғларда зараркунанда ҳашоратлар, уларнинг личинкалари, шунингдек, кемирувчилар билан озиқланиб, экинларнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратишлари, турли меваларнинг дони ёки уруғларининг бир жойдан иккинчи жойга тарқалашига ёрдам бериши, айрим санитар қушларнинг эса ҳайвонлар терисини турли қурт-қумурсқалардан тозалаб, уларнинг нобуд бўлмаслиги олдини олишдаги роли беқиёс эканлиги келтирилиб ўтилади.

Ўқувчиларга қушларни муҳофаза қилиш учун қуйи-

даги хатти-ҳаракатларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги тушунтирилади:

1. Қушларнинг инларини бузмаслик.
2. Қушларни ёки уларнинг тухумларини нобуд қилмаслик.
3. Қиш фаслида қушлар учун донхўрак ҳамда инларни ясаш.
4. Қиш фаслида вақти-вақти билан донхўракка турли озуқаларни сепиб туриш.
5. Қушларни тутиб, уларни қафасда сақламаслик.
6. Жароҳатланган қушларга мумкин қадар ёрдам бериш, уларни эҳтиётлаб парвариш қилиш.
7. Қушларнинг табиатга етказувчи фойдаси, уларнинг экотизимдаги роли ва ўрнини ўз тенгдошлари ёки ёши кичик ўқувчиларга тушунтириш.

Тадбир якунида ўқувчиларнинг "Қушлар байрами" хусусидаги таассуротлари тингланади.

"Сув - ҳаёт манбаи" номли экологик экскурсия

Сув тирик табиат ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга. Экологик муаммолар доирасида сувнинг ифлосланиши, тоза чучук сувнинг етишмаслиги, унинг шўрланиши муаммоси ўта долзарб муаммо ҳисобланади. Зеро, сув-ҳаёт гарови, тириклик, мавжудлик кафолатидир. Айни вақтда сувни эҳтиёт қилиш, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш - ҳар биримиз учун табиий рефлекс даражасидаги одатга айланиши зарур. Мазкур ҳолат ижтимоий зарурият бўлиши билан бирга яшаш шарти ҳамдир. Шу боис ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантириш уларда сувга, ундан фойдаланишга нисбатан масъулиятли ёндашувни қарор топтириш негизида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ саналади.

"Сув-ҳаёт манбаи" номли экологик экскурсиянинг ташкил этилишидан кўзланган мақсад - ўқувчиларни

ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудда жойлашган сув ҳавзалари ва уларнинг ҳолати билан яқиндан таништириш.

Мазкур тадбирни ўтказиш жараёнида қуйидаги педагогик вазифалар ҳал этилади:

1. Ўқувчиларни ўзлари яшаб турган ҳудуддан оқиб ўтадиган сув ҳавзалари билан яқиндан таништириш.

2. Мазкур сув ҳавзаларининг қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳалари, шунингдек, маиший турмушдаги аҳамиятини ўрганиш.

3. Сув ҳавзаларининг санитария ҳолатини таҳлил қилиш.

4. Сув сифатини (оддий усуллар ёрдамида) аниқлаш.

5. Сув ҳавзаларининг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган амалий фаолиятни ташкил этиш.

Экологик экскурсия учун танланган объектлар: мазкур тадбир ўтказилаётган умумий ўрта таълим мактаблари жойлашган ҳудудларда жойлашган сув ҳавзалари.

"Сув-ҳаёт манбаи" номли экологик экскурсиянинг давомийлиги- 1 ҳафта-дастлабки 2 кунда ўрганилаётган ҳудуддан оқиб ўтадиган сув ҳавзалари, уларнинг жойлашув ўрни, ҳолати ўрганилади, кейинги 2 кунда мазкур сув ҳавзаларининг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан олиб бориладиган амалий фаолият режаси тузилади ва фаолият бевосита амалга оширилади.

Навбатдаги икки кунда "Менинг шаҳрим (қишлоғим)да жойлашган сув ҳавзалари" номли экологик карта ҳамда "Сиз учун таниш, бироқ моҳияти англанмаган манзара" номли стенд тайёрланади. Экологик карта ва стендларда ўқувчилар яшайдиган ҳудуддан оқиб ўтадиган сув ҳавзаларининг мавжуд ҳолати, мазкур сув ҳавзаларининг ифлосланишига сабаб бўлаётган омиллар хусусидаги лавҳалар, далилларнинг ифода этилишига алоҳида эътибор қаратилади. Экологик экскурсиянинг еттинчи кунида "Сув заҳиралари - миллий бойлигимиз" мавзусида давра суҳбати ташкил этилади. Давра суҳбатида ўқув-

чиларнинг фаол иштирок этишларига алоҳида эътибор қаратилади. Тадбир якунида иштирокчилар диққатига ўқувчилар томонидан тайёрланган экологик карта ва стенд ҳавола қилинади. Тадбир якунида якуний хулосага келинади ва сув ҳавзаларининг санитария ҳолати устидан назоратни ташкил этиш борасидаги ишчи режа ишлаб чиқилади ва у маҳаллаларнинг Фуқаролар Кенгашига тақдим этилади.

"Томчида ҳаёт акси" ижодий ишлар кўрик-танлови

"Томчида ҳаёт акси" ижодий ишлар кўрик-танловининг мақсади - ўқувчиларнинг табиат билан яқиндан муносабатда бўлишларини таъминлаш орқали уларда табиатга нисбатан меҳр—-муҳаббат уйғотиш.

Қуйидаги педагогик вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилганлиги тадбир самарадорлигининг таъминланишида асос бўлиб хизмат қилади:

1. Ижодий ишлар йўналиши (наср, назм, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, нақкошлик, реферат ва ҳоказолар)нинг турлича бўлиши.

2. Ўқувчиларнинг мустақил мавзу ва йўналишни белгилашдаги эркинлик ва мустақилликларининг таъминланганлиги.

3. Ўқувчиларнинг сув ва унинг ижтимоий, иқтисодий аҳамияти тўғрисидаги тасаввурларини тўлақонли баён этишлари учун шарт-шароитнинг яратилганлиги.

Ўқувчилар томонидан бажарилган ижодий ишлар муайян йўналишлар бўйича махсус ҳайъат томонидан баҳоланади. Ҳайъат таркибига мусиқашунос, адабиётшунос, эколог, рассом ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган мутахассислар жалб этилади. Тадбир жараёнида ижодий ишлар ғоявий, бадиий ҳамда эстетик талқинига кўра муносиб тақдирланади.

Тадбирнинг ташкил этилиши, ўтказилиши ва якун-

лари хусусидаги муҳокама жараёнида ҳар бир бола томонидан қатъий амал қилиниши лозим бўлган қоидалар мажмуи ишлаб чиқилади. Улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Ичимлик суви миқдорининг кескин камайиб бораётганлигини доимо ёдда тутинг!

2. Ўз эҳтиёжингиздан ортиқча сувнинг сарф бўлишига йўл қўйманг.

3. Жўмраги очиқ қолган сув қурилмасининг жўмрагини ёпиб қўйинг.

4. Тишингизни ювaётган вақтингизда сув қурилмасидан узлуксиз равишда сувнинг оқиб туришига йўл қўйманг. Тишни ювишда стаканга сув қуйиб олинг ва ундан фойдаланинг. Тишни тозалаш жараёнида мазкур усулнинг қулайлигини ўзингиз ҳам ҳис этасиз.

5. Носозлиги маълум бўлган сув иншоотлари тўғрисида масъул идораларга хабар беринг.

6. Очиқ сув ҳавзалари (ариқ, зовур, канал, кўл, сой ва дарёлар)дан тўғридан-тўғри сув ичманг.

7. Сувни қайнатилгандан сўнг истеъмол қилинг!

8. Сув ҳавзалари ифлосланишининг олдини олинг! Сувга турли чиқинди ҳамда ахлатларни ташламанг.

9. Сув ҳавзасига яқин жойда транспорт воситалари (трактор, автомашина ҳамда велосипед)ни ювманг.

10. Сувга мағзавани тўкманг!

11. Шаҳар шароитида ичимлик суви билан экин ва кўчатларнинг суғорилишининг олдини олинг. Бу мақсадда иккиламчи сув манбалари (идишларга йиғилган ёмғир суви)дан фойдаланиш мумкинлигини унутманг.

12. Ичимлик сувининг махсус идишларда усти ёпиқ ҳолда сақланишига эътибор беринг!

13. Сувни ифлослантираётган тенгдошингизни бу ҳаракатлардан тўхтатинг!

14. Ёши кичик ўқувчиларга сувни ифлослантирмаслик зарурлигини тушунтиринг.

"Адабиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси"

Ўқувчиларнинг атроф-муҳит, табиий шароитлар, уларнинг ўзгариши, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатнинг мавжуд ҳолати, табиатнинг инсоннинг маънавий жиҳатдан шаклланишига кўрсатаётган таъсири масалалари бадиий адабиётларда ҳам чуқур ёритилгандир. Бу мазмундаги бадиий адабиётлар билан танишиб бориш жараёнида, ўқувчилар табиат ва инсон ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро алоқадорлик ва бирлик моҳиятини тушуниб борадилар. Асар қаҳрамонларининг атроф-муҳитга муносабати, табиат муҳофазаси йўлида амалга ошираётган хатти-ҳаракатларини таҳлил этиб, экологик инқирознинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлашга ҳаракат қилади. Мазкур ҳолат эса ўқувчи (китобхон)да экологик онг ва маданиятнинг шаклланишига замин ҳозирлайди. Бу боис ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантириш ҳаракати доирасида ўқувчилар ўртасида экологик адабиётларни кенг тарғиб этиш асосида уларнинг эко-эстетик, маънавий-ахлоҳий сифатларини шакллантириш ҳамда такомиллаштиришга ёрдам берувчи тадбирларни ҳам уюштириш ҳамда ушбу тадбирлардан бирини "Адабиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси" деб номлаш мумкин.

Тадбир қуйидаги мақсадни амалга оширишни кўзда тутади: ўқувчиларни атроф-муҳит муҳофазаси, инсон ва табиат муносабати мавзуларида яратилган бадиий адабиётлар билан таништириш, уларда мазкур адабиётни ўрганишга нисбатан қизиқишни уйғотиш ва уларнинг ахлоқий, эстетик ҳамда экологик маданиятларини шакллантириш.

"Адабиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси" номли тадбирни уюштириш жараёнида қуйидаги ижтимоий-педагогик вазифалар амалга оширилади:

1. Ўқувчиларга "Табиат ва инсон" мавзусида яратилган бадиий адабиётлар тўғрисида маълумотлар бериш.

2. Ўқувчиларда мазкур асарларни ўрганишга нисбатан қизиқишни ҳосил қилиш.

3. Ўқувчиларнинг ахлоқий, эстетик ва экологик дидини тарбиялаш.

4. Уларда ахлоқий, эстетик ва экологик дунёқарашни шакллантириш.

5. Ўқувчиларда табиатга нисбатан муҳаббатни уйғотиш.

6. Ўқувчиларда атроф-муҳит муҳофазасига нисбатан масъулиятни қарор топтириш.

Тадбир қуйидаги таркибий тузилмага асосланган ҳолда ўтказилади:

1. "Табиат ва инсон муносабатларининг бадиий адабиётлардаги инъикоси"- маълумотнома.

2. "Бадиий образ ва экотизим"- викторина.

3. "Пейзажнинг бадиий асар моҳиятини очиб беришдаги роли"- экологик мазмундаги бадиий асарлар кўргазмаси.

"Адабиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси" номли тадбирнинг биринчи қисмида бошловчининг қисқача нутқидан сўнг ўқувчилар томонидан табиат, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли, инсон ва табиат муносабатининг моҳияти, улар ўртасидаги узвий бирлик ва алоқадорликни очиб беришга хизмат қилувчи асарлар, уларнинг мазмуни тўғрисида тадбир иштирокчиларига маълумотлар берилади.

Тадбирнинг иккинчи қисмида мазкур асарлар юзасидан тузилган викторина саволлари билан иштирокчиларга мурожаат қилиниб, уларнинг билимлари даражаси ўрганилади, ғолиблар тақдирланади.

Тадбир сўнгида "Пейзажнинг бадиий асар моҳиятини очиб беришдаги роли" мавзусидаги китоблар кўргазмаси ташкил этилади. Кўргазмадан О.Ҳакимовнинг "Тоғда ўсган бола", А.Мухторнинг "Чинор", О.Ёқубовнинг "Диёнат" ва "Гирдоб", П.Қодировнинг "Олмос камар", Ш.Холмирзаевнинг "Сўнгги бекат", Э.Самандарнинг "Дарёсини йўқотган қирғоқ", Т.Муроднинг "Отамдан қолган далалар", Ч.Айтматовнинг "Оқ кема", "Соҳил

бўйлаб чопаётган олапар", К.Г.Паустовскийнинг "Пещерская сторона", М.М.Пришвиннинг "Кладовая солнца", И.С.Тургеневнинг "Бежин луг", Н.А.Некрасовнинг "Железная дорога" ва "Размышление у парадного подъезда", М.Шолоховнинг "Очилмаган қўриқ", "Тинч Дон", С.Аҳмаднинг "Уфқ", А.Абдураззоқнинг "Энг чиройли бойчечак", Қ.Ўтаев ва О.Бегалиевларнинг "Табиатга раҳмат", А.П.Чеховнинг "Каштанка", А.А.Милннинг "Винни-пух", Р.Киплингнинг "Маугли", В.Бианнининг "Лесную газету", Ж.Лондоннинг "Белўй клўк", Б.Васильевнинг "Не стреляйте в белых лебедей", Ю.Нагибиннинг "На тихом озере" каби асарлари ўрин олиши мумкин.

"Адабиёт ва атроф-муҳит муҳофазаси" номли тадбир сўнгида анъанага кўра иштирокчиларнинг ушбу тадбир хусусидаги фикрлари ўрганилади.

Демак, ҳар бир ўқитувчининг тарбиявий жараённи ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашуви тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини таъминлабгина қолмай, ўқувчиларнинг уларга бўлган қизиқишларини оширади. Таъсир кучига эга тарбиявий тадбирлар эса ўқувчиларда маънавий-ахлоқий ва иродавий сифатларни тарбиялашга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ўқув қўлланмада ўз ифодасини топган ижтимоий, гуманитар ва табиий фанлар, шунингдек, тарбиявий тадбирларнинг ишланмалари моҳиятидан англанадики, умумий ўрта таълим мактаблари янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида катта имкониятларга эга. Мазкур имкониятларни англай олиш, педагогик фаолиятга нисбатан бир оз ижодий ва технологик ёндашиш машғулотларнинг қизиқарли бўлишини таъминлаш билан бирга ўқувчилар томонидан ҳар бир мавзу бўйича билимларнинг пухта эгалланиши учун замин яратади. Дарҳақиқат, ўқув машғулотлар, шунингдек, тарбиявий жараённинг доимий равишда бир хилда такрорланиши ўқувчиларда лоқайдлик, билим олишга нисбатан масъулиятсизлик кайфиятини ҳосил қилади. Айни вақтда бундай ҳолатнинг олдини олишнинг энг самарали йўли сифатида таълим муассасалари фаолиятига илғор педагогик технологияларни изчил ва мақсадга мувофиқ равишда татбиқ этиш эътироф этилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, технологик ёндашув асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга. Шу боис таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳар бир педагогнинг шахсий имкониятлари, касбий маҳорати ҳамда ижодкорлик лаёқати даражасига боғлиқ.

Ўқув қўлланмасида келтирилган дарс лойиҳалари умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда барча турдаги таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагоглар учун намуна сифатида тавсия этилмоқда. Умид қиламизки, ушбу лойиҳалар ҳамкасбларимиз учун амалий қўлланма бўла олади.

Муаллифлар дарс лойиҳалари, шунингдек, ўқув қўлланма тажрибали, ижодкор ўқитувчиларни бефарқ қолдирмаслиги ҳамда уларнинг муносабатларини билдиришларига умид қиладилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997.

2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-т. - Тошкент: Ўзбекистон. 2000.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Тошкент: Ўзбекистон. 1999.

4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Тошкент: Ўзбекистон. 1998.

5. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. - Тошкент: Ўзбекистон. 1995.

6. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси //Маърифат г. - 1993. март.

7. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" /Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1997.

8. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни (1997 йил 29 августда қабул қилинган) / Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Ўзбекистон. 1997.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (1999 йил, 16 август) //Халқ таълими ж. 1999. № 5.

10. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти //Халқ таълими ж. 1999. № 5.

11. Арнаутов В.В.,Монахов В.М. Оптимизация учебного процесса. - Москва: Михайловка. МЦОП. 1997.

12. Баркамол авлод орзуси /Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Р.Аҳлидинов, Ҳ.Саидов. - Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни. 1999.

13. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. - Москва: ИРПО. 1995.

14. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - Москва: Педагогика. 1989.

15. Беспалько В.П.,Татур Ю.Г. Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесса подготовки специалистов. - Москва: Высшая школа. 1988.

16. Беспалько В.П. Теоритические основы стандартизации образования // Педагогическое обеспечение государственного стандарта образования. - Москва: ИРПО. 1994.

17. Вульфов Б.З.,Иванов В.Д. Основы педагогики. - Москва: УРАО. 1999.

18. Вертгеймер М. Продуктивное мышление. - Москва: Прогресс. 1987.

19. Гузеев В.В. Можно ли построить полностью детерминированный образовательный процесс //Ж. Школьные технологии. 2000. № 1.

20. Джумабоева Ф.А. Повышение качества обучения и объективности оценки знаний студентов на основе инвариантных тестов //Автореф.дисс. ... канд.пед.наук. - Тошкент: 1999.

21. Исламгулова С.К. Технологизация процесса обучения в школе: теория и опыт. - Алматы. Творческая педагогика. 2003.

22. Йўлдошев Ж.F., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Қўлланма. - Тошкент: Ўқитувчи. 2004.

23. Кларин М.В. Личностная ориентация в непрерывном образовании //Ж. Педагогика. № 2. 1996.

24. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. - Москва: Знание. 1989.

25. Монахов В.М. Аксиматический подход к проектированию педагогической технологии //Ж. Педагогика. 1997. № 6.

26. Монахов В.М. Методология педагогической технологии академика В.А.Монахова. - Москва: Михайлов-

ка. МЦОП. 1997.

27. Монахов В.М.,Смыковская Т.К. Проектирование авторской (собственной) методической системы учителя //Ж. Школьная технология. 2001. № 4.

28. Монахов В.М. Технологическая карта - паспорт проектируемого учебного процесса. - Новокузнецк: ИПК. 1996.

29. Олий педагогика ўқув юртларининг ўқув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг илмий асослари //Республика илмий-методик конф. материаллари. - Тошкент: ТДПУ. 2000.

30. Очилов М. Янги педгогик технологиялар. - Қарши. Насаф. 2000.

31. Педагогика /Акад. С.Р.Ражабовнинг умумий таҳрири остида. - Тошкент: Ўқитувчи. 1981.

32. Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истиқболлари //Республика илмий-амалий конф. мат. - Тошкент: ЎзПФИТИ. 2003.

33. Подласий И.П. Педагогика. В 2-х томах. Т.1. - Москва: Гуманитарный издательский центр Владос. 1999.

34. Психология /Қисқача изоҳли луғат. - Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ. 1998.

35. Саидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). - Тошкент: Молия нашриёти. 2003.

36. Саидаҳмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. - Тошкент: РТМ. 2000.

37. Селевко Г.К. Взгляд на проблему //Ж. Педагогика. 1997. №9.

38. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. -Москва: Народное образование. 1998.

39. Сластёнин В.А. Доминанта деятельности //Ж. Педагогика. 1997. №9.

40. Сластёнин В.А., Мищенко А.И. Целостный педагогический процесс как объект профессиональной деятельности учителя. - Москва: УРАО. 1997.

41. Толипов Ў.Қ., Усманбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Монография. Тошкент: «Фан». 2005.

42. Толипов У.К. Педагогическая технология в профессиональном образовании учителей //Мат. I международной научно-методической конф. Том II. - Тараз: 1988.

43. Толипов У.К. Технология педагогического эксперимента //Материалы I международной научно-методической конференции. Том II. - Тараз: 1988.

44. Толипов Ў. Тажриба-синов ишларида янги педагогик технологиялар //Халқ таълими ж. 1999. №2-3.

45. Толипов Ў. Ўқитувчилар тайёрлашда янги педагогик технологиялар //Халқ таълими ж. 2000. №2.

46. Толипов Ў. Педагогик технология ва уни лойиҳалаш босқичлари //ДТСларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш ҳамда касбий таълимда узвийликни таъминлаш муаммолари. Республика илмий-амалий конф. мат. - Тошкент: ЎзПФИТИ. 2000.

47. Толипов Ў. Таълим: ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти //Соғлом авлод учун ж. 2000. №7-8.

48. Хайрулин Г.Т. Технологии и техника вазимодействия. - Алматы: Мектеп. 1998.

49. Хмель Н.Д. Педагогический процесс в общеобразовательной школе. - Алма-Ата: Мектеп. 1984.

51. Щуркова Н.Е. Педагогическая технология. - Москва: Педагогическое общество России. 2002.

51. Юдин В.В. Сколько технологий в педагогике? // Ж. Школьные технологии. 1999. № 3.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ 3

I БОБ. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ МУАММОЛАРИ.....5

Педагогик фаолиятни технологиялаштириш – ижтимоий зарурият.....5

Педагогик технология назариясининг умумий асослари.....13

Педагогик технологиянинг назарий ғоялари.....26

Таълим жараёнига технологик ёндашув мазмуни.....37

Таълим жараёнига технологик ёндашув тамойиллари, турлари ва ишлаб чиқиш босқичлари.....39

Таълимни ташкил этишга нисбатан инновацион ёндашувлар мазмуни.....52

Таълим жараёни яхлит тизим сифатида 58

Педагогик технологияларни қўллаш метод ва воситалари.....79

Педагогик технологиялар татбиқи.....90

Шахсни фаоллаштиришга йўналтирилган таълим технологиялари.....99

II БОБ. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ЛОЙИҲАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....106

Педагогик жараённи лойиҳалаш технологиясининг умумий моҳияти.....106

Таълим жараёнини лойиҳалаш босқичлари....115

Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари ва тамойиллари 121

Таълим жараёнини лойиҳалаш
стратегиялари.....130
III БОБ. ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ 149
Интерфаол методлар ва уларнинг тавсифи...149
"Фикрий ҳужум"
("Мозговая атака") методи.....150
"Ялпи фикрий ҳужум" методи 151
"Фикрларнинг шиддатли ҳужуми" методи.....151
"6Х6Х6" методи 153
"Ақлий ҳужум" методи 155
"Кластер" методи 157
"Қарорлар шажараси" ("Қарорлар қабул
қилиш технологияси") методи.....158
"Тажриба воситасида ўқитиш цикли"
(Д.Колб ғояси).....161
"Қора қути" методи 162
"Бешинчиси (олтинчиси, еттинчиси, ...)
ортиқча" методи.....162
"3/3" ("4/4", "5/5", ...) методи.....163
"Расмларни тўғри жойлаштир" методи.....164
"Қизил ва яшил рангли карточкалар билан
ишлаш" методи.....165
"Видеотопишмоқ" методи 166
"Юмалоқланган қор ўйини" методи.....167
"Заковатли зукко" методи.....168
"Қарама–қарши муносабат" методи.....168
"Биламан. Билишни хоҳлайман.
Билиб олдим" методи.....170
"Зиг-заг" стратегияси (методи).....171
"Вен диаграммаси"
стратегияси (методи).....172
"Инсерт" стратегияси.....174
Ролли ҳамда ишбоп ўйинлар.....175
"Мактаб ўртоқлик суди".....177
"Адолат ўлкасига саёҳат" 179

IV БОБ. ХУСУСИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ.....184
Хусусий фанларни ўқитиш жараёнига таълим технологиясини татбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари.....184
Тарих фанлари бўйича.....184
Мусиқа фани бўйича 188
Тасвирий санъат фани бўйича.....191
Она тили фани бўйича 193
Табиий фанлар бўйича 194
Дарс лойиҳалари.....197

V БОБ. ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА НИСБАТАН ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ.....236
Тарбия жараёнига технологик ёндашув ва уни лойиҳалаш 236
“Атроф–муҳит ва инсон саломатлиги” мавзусидаги амалий ташвиқот 240
“Қушлар байрами” 245
“Сув – ҳаёт манбаи” номли экологик экспедиция.....247
“Томчида ҳаёт акси” ижодий ишлар кўрик–танлови 249
“Адабиёт ва атроф–муҳит муҳофазаси”.....251

ХУЛОСА 254

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 255

ҚАЙД УЧУН

ҚАЙД УЧУН

Ўткир Қаршиевич Толипов, Маҳфуза Усмонбоева
Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари
(Ўқув қўлланма)

Ўқув қўлланма Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ
илмий кенгаши ва Республика таълим маркази
илмий-методик Кенгаши қарорларига мувофиқ
нашрга тавсия этилди

Муҳаррир: М.Содиқова
Мусаҳҳиҳ: Ҳ.Нишонов
Техник муҳаррир: С.Пирматов
Кичик муҳаррир: М.Иноятова

Нашриёт рақами: М-19 Босишга рухсат этилди 23.05.06.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет босма. Офсет қоғоз.
Шартли босма т.18,8 . Адади 5000 нусхада. Келишилган нархда.

ЎзРФА «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, Я.Ғуломов кўчаси, 70.

Босмахона манзили:
«SANO-STANDART» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100